


496
2005/3

IBMS
6



Guliston
2005/3

ОЙБЕК

таваддудининг 100 йиллиги



Николай ТИХОНОВ

Ойбек ёзувчи сифатида ўз замондошларининг, ҳусусан, мунажжидларнинг катта ҳурмат ва муҳаббатига сазовор. Бинобарин, у ҳақда сўз юритиш, уни хотирлаш учун асос бор. У ниҳоятда эътиборга лойиқ ва назаримда, ниҳоятда тийран ёзувчи эди. Унинг Ўзбе-

носи бўлиб, ўзига доимий диққат-эътиборни талаб этади.

Ойбек асарларида ўз ифода-сини топган тўғулардан бири ўз ватанининг ўтмиши, улкан сиймоларни қадрлаш тўғрисида. Ойбек ўз ватанини қуйлаган, ўз асарларини авлодларга қолдирган сиймоларни унутмади, уларнинг ўлмас образларини яратди.

илаатларга қарши курашиш лозимлигини таълим берадилар.


Пидия БАТЪ

Ойбек ҳақида ўйлаганимда, ҳар доим Пушкиннинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади:

Хотиралар секин ҳамда тинч,
Кўз олдямда ёяр сепнин.

Берад КЕРБОБОЕВ

Юлдузларнинг бир-бирдан ўзини катта тутгани безуда, аммо



Ҳақида

замондошлари

кистонга баъзиланган романларида гарчанд она-ср мавзуси қўтарилган бўлса-да, уларнинг мазмун доираси бениҳоя кенгдир. Унинг улкан тарихий романи — “Навоий” да тасвир этилган воқеалар эса Ўзбекистоннинг тасарруфидан четга чиқиб, буғунги Афғонистонга қарашли шаҳар ва қишлоқларда рўй беради. Унинг сайҳатлари натижасида вуҷудга қолган “Покистон таассуротлари” ва “Нур қидириб” асарлари эса қўшни Покистон тўғрисида ҳикоя қилади. Бундан ташқари, адабнинг урушдан кейинги йилларда яратган “Олтин водийдан шабадалар” романи, янги дунё, янги кишилар ҳақидаги, мутлақо бошқача пландаги асардир. “Қуёш қораймас” романига келсак, у ҳам бизда ўзига хос таассуротлар оламини ўйғотади. Шундай қилиб, унинг насрий мероси ҳаётимизнинг кенг полоти-

ой тукқанда уни бутун олам кўради. Бу ўхшатишим унчалик йрнли бўлмаса ҳам, мен Ойбекни қардош Ўзбекистон адабиёти осмондаги ой деб ҳисоблайман. Ойбек яратган машҳур асарларининг Ўзбекистон тупроғига алангали нур сочаётганини ким тан олмайди?

Мен Ойбекнинг “Навоий” романини ўз она тилимга таржима қилган эдим. Бу китоб бутун туркман хонадонларида энг азиз, энг севиб ўқиладиган асар бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам туркман китобхони Ойбекни ўз ёзувчиси деб ҳисоблайди.

Ойбекнинг қалами қудрати билан яратилган образлар бутун ўлка бўйлаб кезиб, ўзларининг ҳаётийликлари, олижаноб фазилатлари билан ҳар бир халқнинг руҳига осон таъсир этадилар, уларга нималардан ибрат олиб, қандай

Бизнинг ҳар бир учрашуви-миз ижод ҳақидаги мулоқотлар билан ўтарди. Ойбек ўзининг янги фикрларини мен билан баҳам кўрар, ўйлаб қўйган асарининг сюжетини сўзлаб берад, шеър ўқур ва дарров мазмунини таржима қилиб берад эди...

Ойбек табиатан меҳмондорчиликни севарди. У телефонни ёмон кўрар, ҳеч кимга бориши ҳақида хабар бермай, шундай бораверар, учи ҳамма қувонч билан қутиб олар эди. Ойбек ҳаётининг турли давларига хос бир неча портретини ишлаган таниқли расом Лутфулла Абдуллаевниқига ҳам у мени худди ана шундай бошлаб борди. Бошқа кўпгина хонадонларга ҳам кирдик.

Кишилар Ойбекниқига ҳам мана шундай хабар бермасдан келишарди. Янги шеърлар ўқишар, маслаҳатлашишар, ҳаёт ҳақида суҳбатлашишарди. У ҳамма билан ҳам тил топишиб хурсандчилик қиларди. Суҳбат кўпинча ёзинг иссиқ кунларида, чой ичиб ўтириш учун қулай бўлган кичкина ховлида ўтказиларди. Бу ховли ҳақиқий ўзбекча хонадоннинг аниқ қиёфасини намоён этиб турарди. У ерда тоқ зангалари ҳам, чиройли гуллар ҳам, серсоя дарахт ҳам мўл. Дарахт шоҳларидан бирига ичига иккита тўти солинган қафар осилганди. Ойбек баъзида уларнинг қувноқ юзурлашини узок томоша қилар, чуғурлашини тингларди. У табиатни жуда яхши кўрарди, шунинг учун ҳам асарларида табиат манзаралари ажойиб тасвирланган.

ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий, беэакли журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа
бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Тахрир ҳайъати:
Ўткир ЖҰРАЕВ
Рустам
ИСМАТУЛЛАЕВ
Жалолбек
ЙҰЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуэид КҰЧИМОВ
Гулистон
МАТЁҚУБОВА
НИЛУФАР
Абдулла ОРИПОВ
Неъматулла РАСУЛОВ
Жўракул
ТУРСУНҚУЛОВ
Ўктамхон
ХОЛДОРОВА
(масъул котиб)
Комил ЮСУПОВ
Раҳмон ҚҰЧҚОР
Азамат ҲАЙДАРОВ

Саҳифалаш ва дизайн:
Нодирбек АҲМЕДОВ

Навбатчи муҳаррир:
Ёрбек ИСКАНДАР

Ушбу сонда:

Қ.Йўлдошев
Саўқадсиз туйғулар чироғи

Давр талабци

Мансурхон Олтин ўғли
**Бешигида авлиёлар
ўсган шаҳар**

Сурхон Бурнев

Модаркуш

Модаркуш

Шеврият

Анвар Инокоров

Ўрта Осиёда шахмат
санъатининг ривожланиши

Босишга 26.05.2005 да топширилди. Қоязи 60x84 1/8,
Ҳажми 6,0 босма табақ,
Буюртма № 89
Тахририят манзилан: 700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй,
Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01. Бош муҳаррир ўринбосари: 133-08-57
Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номи Узбекистон Миллий кутубхона
босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент ш.

Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 091 — рақам билан
руйхатта олинган.

Кейинги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суддан бошқа шаклларига халқаро ҳамда умуммилий даражада эътибор ортиб бормоқда. Дастлаб, бу масала 1946 йили БМТнинг

ишлаб чиқилди. Улар 1993 йили 20 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қўллаб-қувватланган ва Париж принциплари номини олган.

бўлиш топширилган. Шунга мувофиқ БМТ доирасида 1994 йилдан буён Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар фаолият кўрсатиб келмоқда. Олий комиссар БМТ Бош котиби раҳнамолигида

Жаҳон ичра Жаҳон

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС)нинг иккинчи сессиясида муҳокама этилиб, инсон ҳуқуқлари бўйича милий комитетлар тузиш тавсия этилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро норматив ҳужжатлар тобора такомиллашиб борди. 1978 йили БМТ Инсон ҳуқуқлари комиссияси томонидан инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи милий институтлар бўйича семинар ўтказилган. Унда милий институтлар таркибий тузилмаси, функцияларига оид қатор принциплар тасдиқланган. Жумладан, милий институтлар таркибий тузилмасида жамиятнинг асосий гуруҳларини акс эттириш ҳамда доимий асосда фаолият юритиш лозимлиги тавсияларда белгилаб қўйилган.

1991 йили Парижда ўтказилган инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича милий институтларга бағишланган биринчи халқаро семинар бу борада қўйилган катта амалий қадам бўлди. Ушбу халқаро семинарда 32 мамлакат вакиллари иштирок этди ва унда милий институтларнинг мақом ва функцияларига оид қатор тавсия ва принциплар

Париж анжуманида иштирокчи давлатларга инсон ҳуқуқларини такомиллаштириш ва ҳимоя ишларни яхшилаш борасидаги тадбирларни ўз ичига оладиган милий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш тавсия этилган. Конференция, ўз навбатида, ҳуқуматларни ҳам милий институтларни қўллаб-қувватлашга даъват қилган. Париж принципларига ҳўра, милий институтларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари, фаолияти қонун ҳужжатлари билан мустақамлааниши лозим. Улар давлат органларида мустақил равишда фаолият юритиш, муассаса таркибида кенг вакилликни таъминлаш, фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ваколатларига эга.

1993 йил 13-17 декабрда Тунисда бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича милий институтларга бағишланган иккинчи халқаро семинарда барча минтақа вакилларида ташкил топган Мувофиқлаштирувчи қўмитга тузилган. Унга семинар тавсияларининг бажарилишини таъминлаш, БМТ Инсон ҳуқуқлари маркази билан ҳамкорликда дастур ва ташаббуслар ишлаб чиқиш учун доимий алоқада

БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун жавобгар асосий масъула шахс ҳисобланади.

1993 йил 20 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган резолюцияга ҳўра Олий комиссар 4 йил мuddатга БМТ Бош котиби томонидан тайинланади ва Бош Ассамблея тасдиғидан ўтади. Ушбу лавозимга бир шахс фақат икки марта тайинланиши мумкин. Шунингдек, Олий комиссар номзодини танлашда географик хусусиятни эътиборга олиш талаб этилади. Олий комиссарнинг ҳуқуқий мақоми Бош котиб ўринбосарига тенглаштирилган ва у ўз фаолиятини Бош котиб раҳнамолигида БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосида амалга оширади.

Демократик ривожланиш йўлидан бораётган давлатларда милий институтларни шакллантириш, фаолиятини такомиллаштириш муаммолари БМТ, КХХТ, Европа Кенгаши каби ташкилотлардан эътиборни кучайтиришни тақозо қилади. Сўнги йилларда кўплаб давлатларда инсон ҳуқуқлари бўйича милий институтлар шаклланиши ва ривожланиши жараёни давом этмоқда.

Уларнинг ривожланиши миллий хусусиятга эга. Миллий институтларнинг позицияси, ваколатлари, роли ва мавқеи давлатнинг конституциявий тизими, иқтисодий - ижтимоий ривожланиши, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражаси ва бошқа жиҳатлар хусусияти билан боғлиқдир. Таъкидлаш лозимки, мазкур институтлар белгиланган халқаро стандартларга мос бўлиши зарур. Париж принцип-ларига мувофиқ миллий институтлар функциялари куйидагича:

давлат ҳокимияти органларига инсон ҳуқуқларига доир масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар, тавсиялар, таклифлар тақдим қилиш;

миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ талабларига мослаштириш жараёнига кўмаклашиш ва рағбатлантириш;


халқаро ҳужжатларни ратификация қилишга кўмаклашиш, халқаро мажбуриятлар бажарилишини кузатиб бориш;

халқаро конвенцияларнинг бажарилиши бўйича халқаро назорат органларига миллий маърузалар тайёрлашга кўмаклашиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият юритувчи БМТ органлари, минтақавий халқаро ташкилотлар ва бошқа мамлакатларнинг миллий

институтлари билан ҳамкорлик;

инсон ҳуқуқларини ўқитиш, тадқиқ қилишга доир дастурларни ишлаб чиқиш, амалга оширишда қатнашиш ва инсон ҳуқуқларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда барча шаклдаги камситиларга қарши курашиш.



Миллий институтлар ташкил этишнинг муҳим мезонларидан бири конституция ва қонунчилик нормаларида кенг ваколатларнинг таъминланишидир. Миллий институтлар мақоми конституцияда ҳамда ваколатлари конституция, қонунлар ёки мамлакат раҳбари фармонларида белгилаб қўйилиши энг мақбул ҳолат ҳисобланади.

Зеро, конституцияга ўзгартириш киритиш қонунларни ўзгартиришга нисбатан мураккабдир.

Турли мамлакатлар қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили шуни кўрсатадики, жаҳонда миллий институтлар масаласида ягона андоза йўқ. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сиёсий вазият, тарихий ва миллий анъаналарга кўра миллий институтларнинг ваколатлари бир-биридан фарқ қилади. Чунинчи, суд ҳокимияти кучли мамлакатларда миллий институтлар муайян даражада чекланганлигини кўриш мумкин. Демократик ривожланиш йўлидан бораётган давлатларда эса, аксинча, миллий институтлар фаолият доираси бир мунча кенгдир.

Халқаро ҳуқуқий нормалар инсон ҳуқуқларининг турли жиҳатларини қамраб олади. Айни пайтда, жаҳон тараққиёти натижасида янги халқаро ҳуқуқ нормаларига эҳтиёж ҳам туғилиб боради. Бугунги кунда миллий институтлар фаолияти стандартларини такомиллаштириш, халқаро нормаларни конкретлаштириш зарур. Шундан келиб чиқиб, миллий институтлар фаолиятини халқаро миқёсда мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Муассар НУРМАТОВА,
тадқиқотчи

Асл шеър сайқаллангани сабабли эмас, кайфиятнинг оний лаҳзасини, руҳиятнинг фавқулодда ҳолатини табиий ва таъсирли ифодалаганлиги боис қимматлидир. Шу тўғрисида шеър учун тугаллик тушунчаси ўта нисбийдир. Чунки асл шеър — ҳамиша сувратланган руҳият. Руҳият эса, маконда ҳам, замонда ҳам тугалланмайди. Бинобарин, унинг шеърий ифодасидан ҳам тугаллик кутиш ўринли эмасдир. Тугалланмаган шеър тушунчасини “сайқал бериш учун қайта қўл урилмаган”, “шоир назарида

тутингандай туюлса-да, борлиқ манзарасини чизмайди, балки ўзининг руҳий ҳолатини манзаралаштириб, тўлиб кетган юрагини бўшатгандай бўлади. Шунинг учун ҳам: “*Бир-бирига ёнбошлаган Букчайган уй, айвонлар*” тарзидаги ахборот ҳам шоир руҳиятини ифода этадиган поэтик йўсинда берилган. Бу сўзларда тасвиргина эмас, муносабат ҳам борлиги уни шеъриятга даҳлдор қилади. Шеърнинг кейинги бандида шоирдаги ҳазин кайфият

илоҳисилиги ҳам ифода этилади. Кўнглидаги туйғуларни ҳеч кимсага айта олмайдиган келиннинг ягона ҳамроҳи, ҳамсуҳбати — дутор. Тугалланмаган шеърдан дуторнинг ноласи эмас, чорасиз келиннинг фарёди эшитилгандай бўлади. Бу энди кайфиятнинг манзарага айлантирилишидир. Шу тариқа, шеърда сўзларнинг эмас, кайфияту руҳий ҳолатларнинг тазоди берилган (том тепаётган ғамсиз болалар ва уй ичида фарёд чекаётган ғамбода келин).

Сайқалсиз туйғулар чиройи

сўнги ҳолатга келтирилмаган” тарзида англаган маъқул. Абдулла Қаҳҳор бир муносабат билан: “Гунча гулдан... гўзалроқ, чунки унинг бағрида икки ҳаёт: ўз ҳаёти ва гул ҳаёти бор”, — деган эди. Чиндан-да, гунча гунчалигининг ўзи билан чиройли, айна вақтда унда ҳали очилиш, чечак бўлиб чирой кўрсатиш имконияти ҳам бор. Ойбекнинг йигирма жилдли асарлар тўпламидан жой олган ўттиз саккиз тугалланмаган шеърда ҳам гунчанинг имкониятлари яширинганга ўхшайди.

Шоирнинг тугалланмаган шеърлари орасида чинакам поэтик кайфият даражасига кўтарилган тасвирлар анчагина. Улар табиийлиги, чинлиги, зеб берилмаганлиги, Ойбекнинг ўша пайтдаги лаҳзалик кайфиятини ҳамшишалikka муҳрлай олганликлари билан ўз ҳолича мустақил шеър мақомидадир. Чунки сўзга кўчган кайфият манзараси ва руҳий ҳолат суврати ҳамшиша шеърдир.

Ойбек “Баландликда” деб аталмиш тугалланмаган бир шеърда атрофни тасвирлашга

манзараси ва унинг сабаблари ҳам кўрингандай бўлади:

**Анுவ ёқда ёш болалар
Том тепишиб ўйнашади.
Анув уйда дутор чалар
Тутқун келин... Бу — фарёди.**

Болаликнинг кўзлари — катта ва ҳайратга тўла. Бу кўзлар ўз турмушидаги ночорлик ва етишмовчиликларни кўрмаслиги мумкин, аммо гулнинг ҳарир косасидаги шабнамни, капалак қанотидаги жароҳатни, сокин оқаётган сувдаги мавжларни кўради. Чунки бола учун бутун олам жавоби топилиши керак бўлган жумбоқ. Ҳаётнинг адоқсиз ташвишларини ўйламай том тепаётган болалар ёш шоирни ҳам болаликка қайтаргани шеърдаги: “Анув”, — тарзидаги ифодадан сезилади. Бу — руҳга энаётган ҳаётини манзара эди. Банднинг иккинчи қисмида чалинаётган дутор келиннинг фарёди экани айтилиши эркин келинчак кўнглидаги ғам-алам, изтироб қанчалар теран, кучли эканлигини билдиради. Бир вақтнинг ўзиде келиннинг

Ойбекнинг “Ярали қуш” деб номланган бошқа бир шеърда ҳам ўқисизлик, фоже ҳолат тўғрисида инсонда пайдо бўлган кайфият чизгилари жуда дардчил йўсинда акс эттирилган:

**Қалбдан узилган каби гўзал қуш,
Кўклардан юмалаб тошга урилди.
Қон томар оғзидан, қанотларидан,
Ярали кўнгли-ла ҳар ёш сурилди.**

Қушнинг кўкдан омонсиз юмалаши қалбдан узилган оҳга ўхшатилади. Чиндан-да, қалб ҳам кўк каби поёнсиз, унингдай юксак. Лекин ақсар ҳолда зулму ёвузлик олдида чорасиз. Кўкдан юмалаган қуш учун қалб, руҳ, латиф борлиқ бош аъмолдир. Аммо у шундан ҳам жудо бўлди. Айна вақтда, тасаввуф шеъриятида қуш жон тимсоли экани ҳам бор гап. Одамни руҳсизлиги боис жон қуши тарк этгач, у тириклигидаёқ инсон сифатида тугайди. Шунингдек, манфаат, таъма занг босган қалбга ҳам бу қуш яқин бормайди. Чунки бундай қалбда қалбакилик кучайган бўлади. Қушнинг бундай масканга кириш йўлидаги барча уринишлари

бесамар кетаверади. Ўзини аямагани сари у қаттиқроқ яраланади: **“Қон томар оғзидан, қанотларидан”**. Лекин руҳ ҳалоқатга осонликча бўй бермайди. Шу боис шеърда: **“Ярали кўнгли-ла ҳар ён сурилди”, “У синиқ қанот-ла яна талинар”** — дейилади.

Ойбек ушбу шеърда ҳаётий реаликни аниқ акс эттиришга ортиқча эътибор қилмайди. Чунки шоир учун ҳаётнинг реаллиги эмас, балки поэтик реаллик муҳим. Шу боис ўқувчи куш ҳалоқатининг асл сабабини ҳам, вақтини ҳам, айбдорини ҳам, натижасини ҳам билолмайди. Унингча, буларни билиш шарт ҳам эмас. Кушнинг ҳозирги фожиали ҳолатини туйнш, бундан таъсирланиб, руҳий мувозанатдан чиқиш муҳимроқдир. Шунинг учун ҳам қуйидаги мисралар таъсирчан шеърхон руҳиятини қамраб олади, уни ҳисли ўйлар бағрига ташлайди:

Олов каби ёнар сахро кимсасиз
Узоқда булут-ла ўпишган тоғлар
Куш кузни сақлари аламдан...
Инградди кўксини қайси сир, доғлар

Бу сатрлардаги олов каби ёнаётган сахро шунчаки сахро, булут билан ўпишган тоғлар шунчаки тоғлармикин? XX аср бошларида жаҳон шеърятинида рўй берган ўзгаришлардан яшигина хабардор бўлган, В. Брюсов, А. Белый, А. Блок сингари символистлар мактабидан сабоқ олган Ойбек уларга ўзгача рамиз юкламаётганмикин? Эҳтимол, 1927 йилда ёш шоир айна символистлар ижоди билан танишаётган ва улар таъсирига берилган вақтда битилган бу шеърда ёвузлик ёнаётган сахродек кечкис, зулм виқорли тоғлардай қудратли, уларга қарши қўйилаётган эзулик ярали куш каби ожиз эканини ифодалаётгандир.

Шеърдаги **“Куш кузни сақлари аламдан...”** сатрлари янада муҳам. Асл шеърят ҳамisha маҳвумлик оғушида бўлади. Аниқлик бор жойда шеърят йўқ. У аниқликнинг йўқолиш чегарасида дунёга келади.

Аниқлик журналистнинг матлаби. Шунинг учун ҳам бу шеърий сатрни истаган йўсинда талқин этиш мумкин. Эҳтимол, шоирнинг ўзи ҳам шу сатрнинг хилма-хил тушунилишини истагандир. Йўқ-йўқ! Ойбек бу шеърни тушунишлари ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаган бўлса керак. У ўзининг кўнглини чизган, холос. Ҳар ҳолда бу сатр кишини ўйга толдиради: кимсасиз саҳрони олов каби ёндираётган куч аёвсиз ёзмикин? Шеърдаги: **“Кушни ўраб олан қизгин, кенг сахро”** сатри ҳам бежизга келтирилмаган бўлса керак. Шунингдек, булутлар билан ўпишган тоғлар қаҳрли қишдан далолат бўлиши ҳам мумкин. Беозор ва мўтадил кўзнинг эса, уларга ўхшаш қудрати, энг муҳими, қандайдир бузғунчи кучга эга бўлиш истаги йўқдир. Кўриниб турибдики, куз ҳам шеърда шунчаки бир фасл эмас, балки қандайдир рамзий маъно ташийдиган тимсол. У ожиз ҳамда ҳимояга муҳтож бир яратиқ рамзи. Шу боис куш кузни аламининг панжасидан сақлаб қолмоқчи. Балки, шоир куш алам қилганидан кузни сақлаб келаётир демоқчидир?

Шоирнинг **“Якка оғоч”** номли бошқа бир тугалланмаган шеърдаги:

**Ўксиз боқиниш, ҳой оғоч!
Ўзингдаги сирингни оч**

тарзидаги мисралар эътиборни тортади. Ойбек бу шеърини куз охираётган, ҳазонрезги мавсумида ёзган шекилли. Ёлғиз оғоч шоир назарида ўксиз, етим, кўнгли синиқ, кийими юпунлигидан совуқда дилдираб турган болакайга ўхшайди. Айна вақтда, унинг **“юзи”** сирли. Дарахтнинг қарши кишига жуда ғалати туюлади. Бу ўринда шоир кўнгли изҳорини назарда тутаётгандир. Ойбек бу шеърда ҳам борлиқ кўринишларини эмас, ўз кўнгли кардиограммасини чизгани учун тугалланмаган шеърнинг иккинчи мисраси ўқувчини бир дунё мулоҳазаларга чорлайди.

Тугалланмаган шеърларнинг асосий фазилати шундаки, уларда

шоирнинг ўша пайтда акс этган кайфиятига даҳл қилинмаган бўлади. Шунинг учун ҳам уларда сохталик, пардоз, ўринсиз патетика, замоннинг муаммоларини тикиштириш йўқ даражада. Буни Ойбекнинг **“Қиш кўриниши”** деб аталмиш яна бир шеър мисолида кўриш мумкин. Ҳиссиётли қалбнинг оний таъсирланишидан пайдо бўлган туйғулар ёрқин моддийлашгани учун ҳам шеър тугаллангандай таассурот қолдиради. Чунки бу нотугал шеърда шоирнинг ўша дамдаги сезимлари тугал берилган:

**Куёш оғди
Кулиб бирдан.
Узоқларда...
Ёғди, ёғди...
Кичик қулбам
Бели қорда...
Оғочларнинг
Косов қўли
Оқ гул тақди.
Кенг тоғларнинг
Гўзал йўли
... оқди.**

Бу шеър кишида зиддиятли туйғулар ҳосил қилади. Чунончи, одатий мантиққа кўра, куёш бирдан оғмайди. У аста-секин ботади. Шунингдек, куёш кулиб турган пайтда қор ёғмайди. Аввал ҳаво тунлашиб, булут қуюқлашади, сўнг қор ёғади. Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, шоир шеърнинг бирор ўрнида қор ёққанини тасвирлагани ҳам йўқ. **“Узоқларда... Ёғди, ёғди...”** мисралари орқали, эҳтимол, уфқ ортига оққан куёшнинг ёғдуси ёғаётгани ифодалангандир? Балки, қор шоир тасавурида ёққандир. Нима бўлганда ҳам шоир ўз кўнглидаги манзарани ўқувчи кўз олдида ҳам гавдалантириб бера олган. Шеърдаги воқеанинг ҳаётга тўғри келиш-келмаслиги эса бошқа масала. Чунки оламда воқеалар эмас, уларнинг талқинига навуз. Битта воқеа ёки ҳолатни ҳамма ўз кайфиятидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил кўради ва таърифлайди. Ойбек қулба белигача қорга қўмилди демайди, чунки бундай тасвир бироз хавотир, кўрқув

уйғотади. Шоир кулба белини қорға теккизиб турибди дейди. Япроқлари тушиб кетган, шохлари косоғдай яланғоч оғочга инган қорлар эса тақилган оқ гулга менгзалади. Ва, энг муҳими, сўнги мисралардаги йўл тасвири қотиб қолган эмас, у ҳаракатда, чиндан ҳам сўздай оқиб турибди.

Тугалланмаган шеърларнинг кўпчилигида Ойбек кўрғанини ва кўрғанидай эмас, туйганини ва кўринганидай тасвирлайди. Шу боис баъзан табиатнинг ваҳший стихиясидан ҳам гўзаллик топа олади. Бу ҳол “Чақмоқ” шеърда яққол кўринади:

**Зулматлар кўйида яшнадинг,
Ай олов чизгиси, ай чақмоқ!
Сен олов жилвалар ташладинг
Кулбама... аяма, тунни ёк...**

Шоир учун ёруғлик берувчи чақмоқ қанчалар даҳшатли бўлмасин, зулматдан афзал. Чақмоқ тунни парчалагани, зулматга зиё бергани учун қимматли, азиз. Шу боис шоир унинг амалидан мамнун. Бу мисраларни табиат манзараси ифодасигина деб бўлмайди. Унда шоирнинг руҳияти, муносабати аксланиб турибди. Ойбек “олов чизгиси”ни ёқлайди, унга хайрихоҳ, Чақмоқнинг оний ёруғликлари жуда шоирона тарзда: “олов жилвалар ташладинг”, — дея тасвирлангани ҳам шундан. Чунки шеърдаги тимсолларда раъз бор.

Ойбек ўзигагина хос поэтик назарга эга шоир эди. Шунинг учун ҳам унинг шеърлятида осмон - “қийматли бир тош”, қуёш - “ҳоламнинг тоси” тарзида ифодаланаверади. Тугалланмаган шеърларидан биридаги қуйдагича тасвир шоир назарининг оригиналликни кўрсатиши жиҳатидан характерлидир:

**Юмалаб кетди қуёш
Катта тоғ қиррасидан.
Осмон — қийматли бир тош
Товланди шуъласидан.
Сирдарё ойнасида
Сочи қолди бир тутам.**

Қуёш ботишининг “Юмалаб кетди қуёш Катта тоғ

қиррасидан” тарзидаги ифодаси киши шуурида михланиб қолади. Осмоннинг қуёш шуъласидан қимматли тош каби товланиши ифодаси олдинги тасвирнинг натижаси ўлароқ ҳаракатдаги ҳолатдир. Шоирнинг нигоҳи жуда ўткир ва қамровли. Шу боис қуёшнинг юмалаб кетиш асносида Сирдарё юзидан бир тутам зар қокилдай жилваланган нури ҳам унинг назаридан четда қолмайди. Тугалланмаган бу шеърдан қоладиган бадий таъсирот тугалланганлиги билан кишини ҳайратга солади.

Шоир учун воқелик эмас, кайфият муҳим эканлиги, уни ташқи олам эмас, балки туйғулар жунбуши етаклаши Ойбекнинг “Подачи бола” шеърда ҳам яққол кўринади. Қишлоқ ва унинг доимий атрибутлари не-не шоирларга илҳом бермаган. Лекин ҳали шеърят тажрибасида ўтлаётган поданинг стихияси бу қадар ўзига хос қилиб тасвирланиши учрамайди:

**Даланинг кўк сочин қиртишлаб
пода,
Шамолсиз булутдек силжиди
секин.**

Бу шеър олами ўзига хос тарзда кўриш ифодаси ўлароқ тугилган. Шеърдаги образлар тамомилга ўзгачалиги билан киши эътиборини тортади. Майсаларни “даланинг кўк сочи”га, пода ўтлашини “шамолсиз булут силжиши”га ўхшатилиши ҳеч қутилмаган ва мутлақо тутилмаган. Муҳими, нафақат бутун шеърда, балки келтирилган иккигина қаторда ҳам манзара чизиш билан кифояланилмай, кайфият динамикаси ҳам берилган.

Ойбек борлиқдаги нарсаларни худди одамни туйган каби туйишга, ҳис этишга интилади. Шу боис: “**Кечанинг қалин қора Сочи борлиқни ёпан Қўчалар бўи, чарчаган**” тарзидаги тасвирларни қўллайди. Унинг қалами доимий ҳаракат маскани бўлмиш кўчанигина эмас, балки тинимни англаувчи супани ҳам

жонлантиради. Ҳатто унинг қимирламаслиги ҳам жони борлигидан экани: “**Супалар алёрлар айтиб чаросга Ёзги чоғларда, Учиб қолган каби ётади беҳуш**” сингари мисраларда ёлдан чиқмайдиган қилиб муҳрланади. Шунинг учун ҳам шоирнинг тугалланмаган шеърлари бадий таровати баъзан тугалланган, сайқал топган шеърлариникидан ўткирроқ, таъсирироқ бўлиб чиқади. Шоирнинг икки қаторлик: “**Ёлғизмен, ёлғизмен, шундай ёлғизмен, Юлдузлар узоқдир, елар бегона**” шеъри ифода маҳорати, тасвир самимияти ва таъсир кучига кўра айрим тугал шеърлардан тугалроқдир.

Ойбек ҳамма кўриб турадиган нарсаларни ҳамма атайдиган тилда айтишни шеърят учун жўнлик деб билади. У оламдаги ҳар бир нарсада юксаклик, баланлик кўради ва кўрғанини қутилмаган поэтик воқеликка айлантира олади:

**Лолалар кўтариб пиёласини
“Куй” дейди қуёшга... Улар шўх,
эрка.**

Бу мисраларда тасвирланган ҳамма нарса ҳаётдагидай ва ҳеч бир нарса ҳаётнинг шунчаки нуسخаси эмас. Чунки уларда Ойбекнинг тугал шахсияти, “мен”и акс этган. Шу боис улар қотиб қолган турғун манзаралар эмас, руҳий ҳолатнинг жонли чизилариридир.

Ойбек ўз замондошлари орасида дунё поэтик тасвир жараёнидан яхши хабардорлиги ва чин шеърятнинг матлаби инсоний туйғулар жилвасини акс эттириш эканини чуқур англаб етганлиги учун салмоқли поэтик кашфиётлар қила олди. Унинг шеърлятидаги бу қадар самимият шоир шахсиятидаги дилбарликка ҳам бориб тақаладики, узеиз кўнгли шеърляти юзага келмаган бўларди. Хуллас, Ойбекнинг тугалланмаган шеърларида очилмаган гўнчага хос икки чирой бордир.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ



ДАВР ТАЛАБИ

Халқимизнинг маънавий бойлиги — миллий мусиқий анъаналари, мусиқий чолғулар ижрочилиги санъатининг ҳозирги даврга қадар босиб ўтган тарихий йўли, унинг тараққиётидаги ўзгаришлар ва улар ҳақидаги маъмуотларни умумлаштирувчи мусиқий-назарий тадқиқотларни жамлашга ва атрофлича ўрганишга сўнги йилларда алоҳида эътибор қаратилган. Мусиқий мероснинг мавжуд турли қирраларидан бохабар бўлиш миллий маданият савиясининг ривожланишида ўзига хос аҳамиятга эга. Халқимизнинг бой маданиятини акс эттирувчи буюк маънавий ёдгорликлар, адабий манбаларни ўрганиб, уни тадқиқ этиш ва келгуси авлодга етказиш мусиқий ижрочиликнинг шаклланишида мукаммаллашувида ўз самарасини бериши муқаррардир.

Маънавий тикланиш, ижодий шаклланиш ва ривожланиш эса нафақат ўтмиш сарчашмалари ва қадриятларни ўрганиш, балки ижтимоий фаоллик зарура-

тини, ҳозирги давр тараққиёти тамойилларини, халқнинг бугунги ҳаётини ва кечмиш маданиятимизни чуқур англашни тақозо этади.

Айни пайтда ёш авлодни замонавий руҳда тарбиялаш, пухта назарий билимга эга бўлган, ҳар томонлама етук мутахассис этиб тайёрлаш, унинг илмий дуёқарашини, тарихий-ижтимоий, сиёсий ва маданий онгини шакллантириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Санъатнинг маданиятимиз ривожига, айниқса ҳозирги кунда муҳим бўлган омиллар, буюк фазилатлар — инсонпарварлик, қардошлик, бир-бирига яқин муносабатда ва мулоқотда бўлишнинг аҳамияти катта. Мусиқа ижрочилиги соҳасидаги ижодий алоқалар, бу борада эришилаётган ютуқлар, табиий равишда сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир, зеро келажак тараққиёт муаммоларини халқ этиш ва миллатлараро алоқани яхшилашда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Бу каби долзарб муаммолар ижрочилик ривожига масалаларни асосий вазифалардан бири этиб белгиламоқда.

Ижрочилик санъатининг ривожланиши бевосита замонавий, бадий ва техник жиҳатдан ижро имкониятлари ва даражасини юқори поғонага кўтариш билан боғлиқдир. Бу эса юксак ижрочилик маданиятини, ижодий етукликни, чолғуларнинг такрорланмас бой имкониятларидан мукаммал фойдаланишни тақозо этади.

Замонавий ижрочиға мусиқани атрофлича ўрганиш, техник ва бадий жиҳатдан асарни пухта ўзлаштириш, бастакорнинг истак-ниятини юқори бадий савияда ижро этиш талаби қўйилади. Буларнинг барчаси ижро маҳоратларини доимо такомиллаштириш, ўзига хос ижро усулларини пухта ўрганиш билан боғлиқдир.

Замонавий ижрочилик санъати юқори малакали созандалар, профессионал чолғучиларни тарбиялашга бутун умрини бағишлаган, ижрочиликни ҳар жиҳатдан бойитаётган етук устозларнинг ижодий меҳнатлари натижа-сида шаклланди.

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг шаклланиши учун янада янги мусиқий шакл ва жанрларни ўзлаштириш, табиий равишда мусиқа чолғуларини янада такомиллаштириши даркор.

Халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг замонавий тарзда шаклланишида жаҳон мусиқа маданиятига кириб келиши ҳам муҳим бўлди.

Турли жанрлардаги хилма-хил асарларнинг талқин этилиши мусиқий фикрлаш доирасини кенгайтириш ва бойитишини таъминлабгина қолмай ижрочини бадий ифода воситаларидан кенг қамровда фойдаланиш



тажрибасини қўллашга ундайди. Ўзбек халқ чолғулари ижрочилигини шаклланиши шартлари ва босқичлари турли даврларни ўз ичига олади. Республикамизда ижрочиликнинг юксалиши Консерватория профессор-ўқитувчиларининг ижодий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Улуғ Ватан урушидан кейинги давр мобайнида консерваторияда ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги бўйича таълим бериш йўлга қўйилди ва торли чолғулар факултети қошида "Ўзбек халқ чолғулари" кафедраси ташкил этилган. Олий даргоҳ олдида турган долзарб вазифа юқори малакали ўқитувчи ва етук созандаларни тарбиялашдан иборат эди. Йиллар ўтиши билан ўзбек халқ чолғуларида ижодкорлик санъати мавқеи юқори кўтарилди, ўнлаб моҳир созанда-ижрочилар, етакчи ўқитувчилар етишиб чиқди.

Ижрочилик санъатини ривожлантириш тадбирларини ўрганиш, юксак, пухта маълумотга эга бўлган созанда ижрочиларни тайёрлаш, ижродаги турли профессионал кўникмаларни янада такомиллаштириш каби масалалар ҳал этилди.

Бу вақт давомида маълум даражада ўргатиш услубиёти шаклланди ва ўзига хос тажриба тўпланди. Чолғу усталари созанда-ижрочилар билан ҳамкорликда ижодий иш олиб бориб, турли созаларнинг хусусиятлари ҳақида керакли маълумотлар олдилар. Натижада ўзбек халқ чолғулари мутахассис созандалар, моҳир ижрочилар ёрдамида янада такомиллаштирилди. Бу эса замонавий ижрочилик талабига жавоб берадиган чолғу, соз яратиш, чолғуларнинг товуш хусусиятларини яхшилаш, ижродаги янги техник муаммоларни ҳал этиш имконини берди.



Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган мураббийларнинг ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги санъатининг шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссаси эътиборга лойиқдир.

Улар ўзбек мусиқачилари тўплаган тажрибани ўзида мужассамлаштирган санъат ва маданиятга оид бир-неча ўқув илмий-услубий ва ижодий рисоаларни нашрдан чиқардилар. Ўзбек мусиқасини ўрганиш ва ногага кўчириш борасида доимий изланишлар олиб бордилар. Чолғуларга бағишланган назарий ва услубий қўланмалар ижрочиликни ривожлантиришдаги кўп муаммоларни ҳал этишда, жумладан турли ижро кўникмаларини ўзлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Концерт-ижрочилик фаолиятининг фаолашуви Республика мусиқий маданиятининг юксалишида катта аҳамиятга эга бўлди. 1986 йил Озарбойжон пойтахтида ўтказилган Республикалараро танловга ижрочилик маҳоратларини намойиш этиш мақсадида турли мамлакатлардан, жумладан, Ўзбекистондан халқ чолғулари

созандалари йиғилдилар. Бу ижодий ҳамкорлик нафақат ёш истеъдодди ижрочилик муомбақаси, балки профессионал ижрочиликдаги муаммолар ва турли йўналишларнинг таълим тизимидаги ўрни ҳақида муаммоларни кенг даврада муҳокама этиш имконини берди. Ўзбекистондан борган бир неча ижрочилар танлов иштирокчилари ичида юксак маҳоратларини намойиш этиб, кўрик қолиблари бўлиб қайтдилар.

1971 йилдан мусиқа жамоатчилиги ташаббуси билан ташкил этилган анъанавий тарзда ўтказилаётган Республика созанда ижрочиларнинг кўрик танлови ижрочилик маданияти даражасининг юксалишига, ўзига хос янги истеъдодларни намойиш этиш, профессионал ижро кўникмаларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда муҳим бўлди. Ҳар тўрт йилда ўтказиб келинаётган мазкур танловларда бир қанча истеъдодди созандалар қатнашиб, нафақат миллий созари-мизнинг кексиз имкониятлари, балки ижрочилик санъатида эришилаётган ютуқларни намойиш этидилар.

Ижрочиларнинг янги авлоди замонавий санъат анъаналарини ривожлантириш жараёнида ижрочилик имкониятларини янада бойитиб ўзларининг барча ютуқлари билан ўзбек ижрочилик мактаби асосчилари сафидан жой олмоқдалар. Бурятия Республикаси Улан-Удэ шаҳрида 2004 йилнинг октябр ойида ўтказилган Осие ва Тинч океани регионлари давлатлари миллий торли чолғулари 1-халқаро танловида ўзбек халқ чолғулари факултети талабалари; П.Шафратов (аффон рубоби), Э.Каримов (прима рубоби), Қ.Бозоров (қашқар рубоби) муваффақиятли қатнашиб лауреатлик унвони сазовор бўлиб қайтилар.

Замонавий репертуарнинг шаклланиши, янги йўналишдаги замонавий ижрочилик мактабининг яратётган ажойиб ижрочилар гуруҳининг етишиб чиқиши, юксак маҳоратли ёш мусиқачиларнинг фаол концерт-ижрочилик фаолияти — буларнинг барчаси ўзбек халқ чолғуларини дунёнинг турли бурчакларида кенг тарғиб қилиш имконини бермоқда. Республикамизнинг мусиқа маданиятида эришилётган ютуқлари қаторида ўзининг ижодий фаолияти билан катта нуфузга эга бўлган “Суддиёна” ўзбек миллий чолғу камер оркестри жамоаси санъати нафақат Республикамизда, балки хорижий мамлакатларда кенг эътироф этилмоқда.

Аниқ мақсад йўлида илдам одимлаган мазкур жамоанинг саъй-ҳаракати миллий санъат муаммоларининг ҳозирги даврдаги долзарб масалаларини ҳал этишга асосланади. Мазкур ҳаракатлар нафақат ижрочилик анъаналарини қайта

тиклаш, замонавий тарздаги ижро ёрдамида миллий чолғу оркестр ижрочилигини ривожлантириш, балки турли мамлакат халқларига чексиз имкониятга эга бўлган ранг-баранг ўзбек миллий чолғуларини таништириш, қолаверса миллатлараро маданий алоқани ривожлантиришга қаратилгандир.

“Суддиёна” оркестрининг мавқеи халқаро миқёсига кўтарилиди. 1996 йили Испанияда ўтказилган мусиқа фестивалида лауреатлик унвонига сазовор бўлди. Жамоанинг ижро дастурида 500 дан ортиқ турли жанрдаги асарлар мавжуд. “Суддиёна” жамоаси турли мамлакатлар мусиқий гуруҳлари билан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Германия, Франция, Миср, Буюк Британия, Жанубий Қурия, Бавария, АҚШ, Ҳиндистон, Япония ва бошқа кўпгина мамлакатлар шулар жумласидандир.

Жамоа қисқа вақт ичида ўзбек халқининг созандачилик санъатини турли мамлакатларда намойиш этиш ва мусиқа санъатини бутун жаҳонга тарғиб қилиш борасида фахрли ишларни амалга оширишга муяссар бўлди. Ўзининг сержило дастури билан инъом этган маънавий озуқа туфайли нафақат ўзбек мусиқа намуналарини турли халқлар миллий чолғуларида янграшига, қолаверса чет эл бастакорларини ўзбек миллий чолғулари учун ижодга — куй яратишга чорлади.


“Суддиёна” оркестри ижодий фаолиятининг самараси натижаларини сарҳисоб қилиб, Фарб ва Шарқ мусиқа маданиятини яқинлаштиришга ва миллатлараро муносабатларнинг раванқ

топишида муносиб улушини қўшмоқда десак муболага бўлмайди.

Ижрочилик санъатининг тараққиёт йўлларини белгилаш муаммоси республика мусиқа ижрочилиги санъати ютуқларини янада бойитиш ва уни тарғиб қилиш мусиқа ижрочилиги ва халқ чолғулари таълимини ислоҳ қилиш билан боғлиқдир. Бу борадаги уринишлар мазкур чолғуларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш мақсадида замона талабига жавоб берадиган яхши, сифатли чолғулар ишлаб чиқариш, репертуарни Ўзбекистон бастакорларининг махсус асарлари билан бойитиш, кенг маълумотга эга мукамал ихтисослик мусиқачи-ижрочиларини тайёрлаш ва тарбиялаш, минтақавий ва хорижий мамлакатлар билан ижодий учрашувлар, илмий ижодий соҳада турли тадбирлар ўтказиш, мусиқа ижрочилиги таълим соҳаси ва услубиятини такомиллаштириш каби муаммоларни ҳал этишга қаратилмоғи лозим.

Ҳар бир чолғу асбобининг ўзига яраша тарихи бор. Изланишлар шуни кўрсатадики, миллий мусиқа асбобларининг яратилиш илдизлари узоқ асрларга бориб уланган. Йиллар оша заифлашиб қолган шу илдизларни мустаҳкамлаш зарурияти пайдо бўлди. Бу — мустақиллик йилларидан сўнг амалга оширилмоқда. Қуйидаги мақолаларда “Аффон” рубоби ва чанг сози, гижжак ноаларида батафсил маълумотларга эга бўласиз.

Баҳодир Мирпаязов,
Ўзбекистон давлат
консерваторияси
катта ўқитувчиси



Чанг тарихи

Археологик қазилмалар орқали топилган ҳайкалчаларни, узоқ асрлар давомида бунёд этилган маданий ёдгорликларни ўрганиш мусиқий тадқиқотларимизнинг олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидоғи санъатшунослик илмий тадқиқот институти ташаббуси билан ташкил этилган экспедициялар кўҳна маданиятимиз тарихини ёритишга ўз ҳиссасини қўймоқда. Мушхур олимлар К.В.Травер ва В.А.Мешкерис илмий рисола-ларидан кўҳна Самарқанд яқинидаги шаҳарча Афросиёб қазилмаларидан топилган машшоқ тасвирланган ҳайкалчалар таҳлилига кўра лютня қолдуси сўғларнинг чолғуларидан бири бўлган. Торли чолғулардан арфа (чанг), дамли чолғулардан най сози жуда оммалашган. Таъқил олим Р.А.Садиковнинг қадимий Хоразм бағишланган рисоласи мусиқий-тарихий йўналиш бўйича ниҳоятда қимматлидир. Умуман, ўша замоннинг маданий ёдгорликларидан торли (лютня, арфа), дамли (най, сурнай, рог, труба), урма зарбли (доира) чолғулар тасвирлари ўз аксини топган. Тадқиқотчилар томонидан ўрганилган масалалар доираси ниҳоятда кенг ва кўп қирралидир. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё халқларининг мусиқа маданияти тарихини чуқурроқ ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Олиб борилаётган экспедициялар натижалари чолғулар тарихини ўрганишга имкон беради. Шарқ алломаларининг машхур рисолаларида ҳам қадимий чолғулар ҳақида бой маълумотлар мавжуд. Абу Наср Муҳаммад, ал-Фаробийнинг (873-950) "Қатта мусиқа китоби", Абу Али ибн Синонинг (980-1037) "Даволаш китоби" қомусидоғи "Мусиқа

ҳақида рисола"си, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг (X аср) "Билимлар қалити", Ибн Зайланинг (1044 йилда вафот этган) "Мусиқа ҳақида тўлиқ китоби", Абдуқодир Марғонийнинг (XV аср) "Мусиқа илмида оҳанглар тўплами", Абдурахмон Жомийнинг (1414-1492) "Мусиқа ҳақида рисола"си, Ҳофиз Дарвиш Али Чангийннинг "Мусиқа ҳақида рисола" китобларида халқ чолғулари ҳақида муҳим маълумотлар баён этилган.

XV-XVII асрларда яратилган миниатюраларда танбур, барбад, ул, қонун, чанг, лютня, доира, най, вижжак, рубоб каби чолғуларни учратиш мўмкин.

Шулар қаторида энг қадимий мусиқа асбобларидан бўлган арфа (чанг) миллий маданиятимизнинг кўрки ҳисобланади. Археологик қазилмалардан топилган ёдгорликларда таърифланган кўлида арфа ушлаган машшоқлар мусиқа санъатимизнинг қадимийлигидан дарак беради. Узоқ йиллар давомида арфа чолғусининг ватани Миср ҳисобланган. У қадимий ёдгорликларда ўз аксини топган. Осиёдаги археологик ихтиролар эса, чанг чолғусини янада қадимийлигидан далолат беради. Арфа чолғусининг 5 хили, яъни учта бурчакли ва иккита ёйсимон арфалар тасвирлари Марказий Осиё халқларидаги тегишли эканлиги мутахассислар томонидан исботланди.

Ушбу чолғу араб мусиқасида "Қонун", Эронда "Сантур", ўзбек ва тожик

анъаналарида "Чанг" деб номланган. Бир-бирига ўхшаш чолғуларнинг илк номи аслида "Шохруд" деб юриштилади.

Чанг якка чолғу сифатида ва жарангдорлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Чанг аёлларнинг сеvimли чолғуларидан. Мумтоз адабиётда чанг ижрочилари тимсоллари яратилган.

А.Навоийнинг "Сабаъи-сайёр" асарида чанг қуйидагича таърифланади:

Сарв қад олса эрди майдин ком
Настаринни чу айлаб гулфон.
Чанг олиб торини тазор эди.
Лек жон риптаси узор эрди!
Демагин чанг, солиқни ҳамқад
Чанг қадрлар била бўлиб ҳам қад
Бўлибон ул сулиқдин мухбир
Бош қуйилангда бўмоғи зокир.

Кўҳна Бухорода Дарвиш Али Чангийннинг (XVII аср) мусиқа санъатида бағишланган рисоласида Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида мавжуд бўлган чолғулар ҳамда моҳир соз ижрочилари ҳақида нодир маълумотлар берилган. Рисолада чанг чолғучилар ҳоимийси — Зудрога бағишланган ва 14 босқичли чанг чолғуси деб таърифланган. У Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган халқ чолғулари музейида сақланиб келинмоқда. Машхур мусиқашунос олим В.Беляевнинг "Ўзбекистон мусиқий чолғулари" рисоласида (Москва-1933 йил) чанг сози ўзбек халқи орасида кенг оммалашгани хусусида маълумотлар келтирилган.

Олимнинг таъқидлашича, чангнинг ўнг тахта супачасида 42 та бурма метал қулоқчалар ўрнатилиб, чап тахта супачида эса шунча миқдорда мих қозилчалар қўқилган, устки қопқоғи бўйлаб 14 та ёғоч харраклар ўрнатилиб, устига бирлаштирувчи иккита қалин жез симлар ўрнатишган. Еттишадан харраклар ўрнатишган иккита бўлинма бўйлаб 14 та товуш қаторига учталик симлар тортилиб, товушлар махсус қалит билан тегишли баландалikka созланган. Чап томондаги иккинчи етилик қатор чап қопқоғининг ўрта қисмига харраклар ўрнатилиб, квинта оралиғига мослаштирилиб созланган. Жами уч йўналишда

жойлашган товушқаторлар сони 21 тага етказилган.

Ушбу намунадаги чанг чолғуси мусиқий-ижрочилик амалиётида созандалар томонидан қўлланиб яққанавоз ва ансамбл ижрочилигида ишлатилган. Ижрочилик амалиётида бир хил, яъни урма зарб усули билан товуш чиқариш йўли қўлланилган. Чангнинг жуфт чўплари ғарров (бамбук) ёғочидан ясалиб, учларига резина найчалар ўрнатилади ва шу чўплар орқали чолғу торларига урилиш натижасида куй ҳамда оҳанглар таратилади.


XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларида барча ўзбек халқ чолғулари қаторида чанг чолғуси ҳам мусиқий ижрочилик амалиётида кенг қўлланила бошлаган. Устоз-шоғирдлик

аъналарига натижасида моҳир чанг чолғу ижрочилари марғилонлик Уста Олим Қомилов, наманганлик Уста Рўзимат Исаев, хоразмлик Матюсуф Харратов, тошкентлик Фахриддин Содиқовлар етишиб чиққан. Уларнинг ҳар бири чанг созида ўзига хос ижрочилик мактабини яратиб, чолғу ижрочилик санъатининг кейинги йилларидаги ривожига ўз таъсирларини қўрсатганлар. Чанг чолғуси асрлар давомида такомиллашиб, авлодан-авлодга, яъни бизгача етиб келган. Мусиқий ҳаёт тақозоси билан ўзбек халқ чолғуларини замонга хос такомиллаштириш бўйича махсус устахоналар очилди. Намангандаги мусиқа устахонасига таниқли халқ созандаси Уста Рўзимат Исаев (1885-1964) бошчилик қилди. У ижрочилар томонидан кенг қўлланилган ярим тонлик хроматик чангни бир неча нусхасини ясаб тайёрлади. Тошкентлик машҳур чолғулар устаси, Уста Усмон Зуфаров (1899-1981) чанг чолғусининг янги нусхаларини яратди.

Турли манбаларда эътироф этилишича, чанг чолғусига ўхшаш созлар, жадон халқларининг мусиқий ижрочилик амалиётида ҳам вақти-вақти билан таъмирланган ва такомиллашган. Ҳозирги кунда чангсимон созлар оркестр ва ансамбл ижрочилигида кенг қўлланилиб келинмоқда. Қадимий чолғуларимиздан бири ҳисобланган ноғб чанг чолғусига усталарнинг ижодий изланишлари туфайли қайтадан ҳаёт баҳи эшилди. Чанг чолғуси ижрочилиги санъати бағрига янги ансамбл ҳамнафас бўлди. Натижада, чангчилар ансамблини ташкил этиш ғояси амалга оширилди.

Анвар Путфуппаев

Ўзбекистон давлат
консерваторияси профессори



Куй-қўшиқ хамиша инсонга маънавий озука бериб келган, катта ишлар сари етаклаган, илҳомлантирган. Бу борада чолғу асбобларининг ҳам, албатта, ўз ўрни бор. Афғон рубоби Шарқ халқларининг жуда қадимий мусиқа асбобидир. Бу соз ўзига хос кўриниши, жарангига кўра ўзбек халқ чолғулари оиласидан ўрин

Дарвеш Аҳмад Қонуний, жожи Юсуф Андижоний, Устод Шодий, Нажмиддин Кавкабий каби устоз санъаткорлар шулар жумласидандир. Мусиқачилар билан бир қаторда Улуғбек, Жомий, Навоий ва Биноий каби мутафаккир, шоирлар ҳам мусиқа соҳаси билан шугулланиб, унинг ривожига муайян ҳисса қўшдилар.

Масалан, Улуғбек “Булужий”, “Шодиёна”, “Ахлоқий”, “Табризий”, “Усули равон” ва “Усули отлиғ” куйларини, Навоий “Исфазоний” куйини ижод қиладилар. Жомий ва Биноийлар эса мусиқа назариясига доир асар яратдилар.

Халқ орасида афғон рубобининг яратилиши ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Шулардан бирида дикхо қилинишича, кунлардан бир кун Бухоро хонининг кизи касал бўлиб қолибди. Шунда хон етти иқлимдан донишманд табиб ва олимларни чорлаб, уларга дилбандини қандай даволаш мумкинлиги ҳақида маслаҳат солибди ҳамда касални даволаганга ярим бойлиги-ю кизини беришини ваъда қилибди. Йиғилган барча табибларнинг уринишлари бекор кетибди. Шунда Балхда туғилиб, Бухорода муқим яшаб қолган бир соз ясовчи уста, моҳир созанда кизни даволашга уриниб кўришга руҳсат сўрабди. Руҳсат тегиб, йигит ишга киришибди. Аммо кизни тўғридан-тўғри кўриш, суҳбатлашиш имкони бўлмай, барча муомала-муносабат, албатта, сирдош канизак орқали кечаркан. Шунда йигит канизакдан киз нимага кизиқади, нега ҳеч кимни ёқтирмайди ва не сабаб кўп хаёл суришини сўрабди. Канизак йигитга хонзаданинг товусга ниҳоятда ихлоси баландлиги, айниқса, у қанотларини ёйиб ўз чиройини кўз-кўз қилганда:

— Қани энди шу товус куйласа, дардимга

Куй-қўшиқ (Афғон рубоби сирлари)

эгаллайди. Афғон рубоби Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Хитой каби мамлакатларда, шунингдек, Ўрта Осиёдаги айрим халқлар орасида кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Фарғона водийсида ушбу соз севиб чалинади.

Ал-Фаробий ўз даврининг мусиқа асбобларини тавсифлар экан, бу рубобда бир-биридан фарқ қиладиган ижрога эришиш мумкинлигини, унинг афзалликларидан бири ҳисоблаб: “Рубобда бошқа яхши сифатлар ҳам бор. Булар фақат унинг ўзигагина хос. Унда баланд ва майин чалиш мумкин”, дейди.

Дарвеш Али “Мусиқа ҳақида рисола”сида созлар тузилишини баён қилар экан: “Рубоб — торли мусиқа асбоби Ўрта Осиёда Султон Муҳаммад Хоразмишох (1200-1220 й.) даврида тарқалди. Ўша маҳал Хоразмишох

саройида тенги йўқ рубоб чолғучи уста Маҳмуд яшар эди. Рубоб 5 та тор бўлиб, улардан 4 таси ичакдан ва 1 таси кумушдан эди” — деб ёзади.

Афғон рубоби қадим замонлардан бери Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари орасида кенг тарқалиб, ижрочилар томонидан моҳирона чалиниб келинган. Бундай ижрочилар “Рубобий” тахаллуси билан машҳур бўлганлар.

XIV — XV асрлар Ўрта Осиё халқларининг мусиқа санъати тараққиётида янги ва баракали давр бўлди. Айни шу пайтда янги куй-қўшиқлар, чолғу асбоблари ва мусиқа назариясига доир нодир асарлар яратилди. Жуда кўп маҳоратли созандалар, бастакорлар ва хофизлар етишиб чиқди. Абдулқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳқули Фижжакий, Қосми Раббоний,



даъво бўларди, — деганини
етказибди. Бу сўзлардан сўнг
йигит илк бор товусга
ўхшатиб рубоб ясабди ва
хонзода хузурига бориб, парда
ортида рубоб чалиб кизни
мафтун этибди. Хонзода
рубобдан таралаётган ёқимли
садодан баҳраманда бўлиб, ўз
хотиға келиб, аввалгидан ҳам
гўзаллашиб кетибди.

Бундан боши кўкка
етган хон ваъдасида туриб,
созандага кизи ва ярим
бойлигини берибди. Шу-шу
балхлик йигит ясаган
мўъжизавор рубоб афгоннинг
рубоби сифатида машҳур
бўлибди. Йиллар ўтиб,
созанда ва хонзаданинг
фарзандлари ҳам оталари
ихтиро қилган рубобни янада
такомиллаштириб, куйлар
ижро этган эканлар...

Ҳар қандай ривоят
заминида ҳам бир қадар
ҳақиқат ётади, дейишади.
Зеро, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби,
профессор Ф.Кароматов
ўзининг "Ўзбек чолғу
мусиқаси" китобида афгон

рубобини Бухоро рубоби
сифатида таърифлаб,
асослаган.

1920 йили Бухорода
Шарқ мусиқа мактаби
очилади. Унда ўзбек халқ
чолғу созлари бўлимининг
очилиши ва уни бошқаришда
машҳур созанда ва ҳофиз,
Бухоро шайхмажонининг
билимдони Ота Жалолнинг
хизматлари улқандир. Афгон
рубоби ёки Бухоро рубобидан
Ғуломқодир ва Н.Насрид-
диновлар ҳам дарс беришган.
Уша даврларда нота ёзуви-
сиз, куйлар ижро услубини
эшитиб, ёлда сақлаб, соз
дастаси узра бармоқлар
ҳаракатини кўз билан кўриб,
куйлаб ўрганишган. "Муно-
жат", "Эшвой", "Гирёни-
қовоқ", "Мирза-давлат",
"Сараҳбори Кўхистон"
куйлари, шунингдек, Бухоро
и а ш а қ о м и н и н г
"Мушкилот" — мусиқа қисми
кўпроқ ижро этилган. Шу
синфда Товур Жумасев, Эргаш
Шукруллаев ва Умаржон
Ҳамидовлар таълим олиб, ўз
ижодларини Тошкентда
давом эттиришган. 1960 йили

Тошкентда илк бор Р.Глиэр
номидаги мусиқа мактабида
афгон рубоби янги услуб —
нота ёзуви бўйича
ўқитиладиган бўлди. 1964
йилдан эътиборан, ушбу
замонавий услуб Тошкент
Давлат Консерваториясида
ҳам қўлланилиб, айни
йўналиш бўйича 1975-1978
йиллари аспирантурада
мутахассислар тайёрланди.

Вақт ўтиб, ушбу
асбобга бир неча
ўзгартиришлар киритилди.
Ҳозирда бу кўзна чолғудан
ўзбек халқ чолғу оркестрида,
ансамблларда ва яққанавоз соз
сифатида фойдаланилмоқда.
Афгон рубоби, деб
юртадиганимиз чолғу
мусиқа ихлосмандлари
қалбидан чуқур жой олган.
Бастакор ва моҳир
созандалар ушбу чолғуда
янги-янги ижод намуналари,
ранг-баранг куйлар яратиб,
халқ меҳрини қозониб
бормоқдалар.

**Ғуломқодир
Эргашев,**

Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист

Ҳар бир қалам аҳлининг ижоди ва ҳаёт мазғини ақс эттирувчи асари бўлади. Маъшҳур француз файласуфи ва ёзувчиси Жан Поль Сартрнинг "Беҳузурлик" романи унинг ана шундай асаридир.

Дастлабки йиллар Сартр квестизмга яқинлашди, экзистенциализм ва субъективлик таъсирини ўрганиб, маълумотни инкор этишгача бориб етади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Сартр детерминизмга, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларига қалам аҳли ҳам бевосита жавобгар деган фикрга келади. "Ёзувчи кишилар эрки учун, инсоний эркини қўллаб-қувватлаш ва уни рўёбга чиқариш учун ёзади". Ушбу фикрни у киноя билан давом эттиради: "Дунё ҳақиқатан ҳам адабиётсиз мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ унинг одамсиз мавжуд бўлгани

олмаган мен бошқа бировнинг ўтмишини, тарихини тиклашга умид қилишим мумкин?" У ҳаётда ён-атрофга тикилади: стол, қалишлар, ойнақлар, расмлар, пардалар шу онда мавжуд. "Менга ҳозирнинг ҳақиқати, табиати аён бўлди, — деган хулосага келади Рокантен, — у ҳозирдагина мавжуд, ҳозирда йўқ нарса мавжуд эмас. Ўтмиш бор эмас. У — йўқ, бутунлай йўқ... Энди мен англадим, ҳозирдан ҳозир бор нарса мавжуддир, ундан кейин эса... ҳеч нима". Қазрамон ўтмиш йўқ, деган ҳаётги тарихини ўрганмоқчи бўлган маркиз ҳам йўқликка синиб кетади.

Кишилар, тарих воқеалар кетма-кетиликдан иборат, фарзандларимга ҳаётий тажрибаларимни ўргатиб тарихни яратаман, деб ўйлайдилар. Ўзлари топган ҳикматларини ҳақиқатга йўядилар. Шу тариқа янгиллик эски тажрибалар орқали талқин қилинади: Ленин Робеспьерга, Робеспьер Цезарга қийнади. Аслида бу қисслар ҳаёл алоқларидан бошқа нарса эмас, ҳаёл ўтмишини тиклай олмайди, ўтмишда мавжудлик йўқ. Одам қун сайин ўзининг бўлгуси мурдасига яқинлашиб, ўхшаб боради. Ҳеч қандай тажриба, ҳаёл ўтмишини ҳам барқарор қилолмайди, улар шу онни нимадир билан тўйдиришига қаратилган сўнги нажот нуқтасидир. Шу тариқа қазрамон ёлғиз мавжудликни тан олади. Ушбу мавжудликда йўқ нарса ҳаётга ўз даҳлдорлигини, айниқса, шахс ҳаётига мансублигини йўқотади. У Декарт кетидан такрорлайди: "Фикрляпман, демак мавжудман"... Сөзляпман, демак борлик мавжуд. Маркиз де Рольбон эса мавжуд эмас, у фикрлашдан, сезишдан маҳрум.

Рокантен маркиз ҳаётини тиклай олмаган, маҳбусни, Анни ва у йўллаган мактубни эслайди. Уч йил давом этган яқинлик, меҳр-муҳаббат мавжумлик қаҳрига гарқ бўлди. Бир-бирларига нима деган, нималарни тиллаган? Қўл ушлашиб қаерларда сайр қилишган бўлса, барчаси ўтмишда қолди. Кейинги тўрт йил, айрилиқда кечирган изтироблари ҳам энди қайтмайди. Қазрамон ўз вужудига фақат ҳозир, шу он ҳуқирон эканини ҳис этади, холос. Лекин англи зот сифатида у ўз ҳаёти, интилишлари ҳақида нимадир дейиши лозим эди, албатта. "Мен мутлақ эркин бўлиш учун ўз вужудимдан бошқа вазжа эга эмасман". Бу сўзлардан қаҳрамоннинг нима учун ўтмишини рад этаётгани, якка ҳозирни, мавжудликни тан олаётгани маълум бўлди. Мутлақ эркин бўлиш учун энг аввало ўтмишдан воз кечолмаган эркин бўлолмайди.

Аслида, бу шахс фожияси! Фақат ҳозирни, шу онни тан олиб ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам воз кечши ёки бўлмаса, улардан қочиб ҳеч кимга нажот келтирмаган. Фақат ҳис туйғузга таянган киши шу ондан бошқасини англаши ядрок этишга қодир эмас, ҳозир унга якка-ю ягона борлик имкон бўлиб қўринади. Ўтмиш ўз ҳолича ўтмиш бўлолмайди, рўй берган воқеалар, кечинмалар, эҳтирослар тўқнашувни ҳозирни ўтмишига айлантиради ва ўтмиш реаллик касб этади. Минг ваҳки, қазрамонда ўшбу уйғунликни ҳис қилиш йўқ. Натижада, унинг ҳаёти ҳам ўз маъносини йўқотади.

Беҳузурлик

луруст эди". Демак, дунё одамсиз мавжуд экан у сўзсиз, фикрсиз, адабиётсиз ҳам мавжуд бўлолмайди. Эрк эса ушбу қадриятлар, улар орқали эса инсон мавжудлиги шартдир. "Беҳузурлик"да илгари сурилган ғоялар француз экзистенциализмининг шаклланишига туртки бўлади. Ҳозир у гарб фанасоқасининг мафтункор оқимларидан бири ҳисобланади.

Худо илк одамни ўтмишсиз яратган. Илк одам тарих нима эканини билмайди. Шунингдек, у келажакни билиш имконидан ҳам маҳрумдир. Агар одам келажакни билганида эди, унда ҳаётга ишонч ва қизиқиш қолмасди.

Рокантен, романнинг бош қаҳрамони, иқдор бўлади: "қалиб тубида яширин нарса йўқ, мен вужудим ва ундан енгил пуфакчалардек" пайдо бўладиган фикрлар доираси билан чегараланмаган. Хотираларимни мен ҳозирдан яратаман. Мен ҳозирга улоқтирилганман, унда қолдирилганман. Беҳуда ўтмишим кетидан чопаман, ўзимни ўзим ҳозирдан халос қилолмайман. Қазрамон таъқидига кўра, одам ихтиёрида ҳозир бор, у ҳозирда яшайди. Ҳозирда яшаш унинг қисматида. Ўтмиш қуруқ уй, ундан ҳаёт қуриб бўлмайди, келажак эса мавжум, мавжум нарсага интилиш ўз-ўзини аллашдир.

XVIII асрда яшаган маркиз де Рольбон тарихини ўрганишига ва унинг ҳаётини тиклашга азд қилган Рокантен олдадаги оппоқ қозога тикилади. Кейин нималарнидир ёзгандек бўлади. Сўзлар сиёҳи қурийдди, улар қозога синиб, муаллифдан узоқлашди. Ҳатто сўзлар ва қозоқ уйғун бирликни ташкил этиб муаллиф ҳаёлига, ўйи ва тасаввурларига қарши қурашга чиқди. Бир неча дақиқа олдин ўзи-ўзи учун мавжуд қозоқ ва унга битилган сўзлар ўтмиш қаҳрига қўйилади. Ушбу ўтмишини ушлаш мумкинми? Умуман, ўз ўтмишининг ушлаш мумкинми? Йўқ. "Қандай қилиб, — дейди қазрамон ўзи-ўзи, — ўз ўтмишимини ушлаш

Буни Рокантеннинг қуйидаги надоматларидан сезиш мумкин. "Мен ўттиз ёшдан! Мен ўзимга ачинаман... "Мен" деган сўз мен учун ўз маъносини йўқотди. Яккаман ва эркиман. Аммо бу эркилик ҳиёл ўлимни эслатади". Ахир, мутлақ эркинлик истаб, ўтмишдан кечган, ҳаётдан маъно тополмаган, мавжудликни шу ондан иборат билиш, уни абсурдга айлантган кишининг қисмати бошқача бўлиши мумкинми? Рокантен ўз ҳаётига ўзи ҳужум чикаради: «Абсурд — беҳузурлигим қалити». Ўз илдиридан кечиб, шу оннигина ҳис қиладиган киши учун ўтмишни ёлға соладиган ҳар нарса, шу жумладан, севган музбубаси ҳам унинг қўнглини айлантйраверади. У учун борлиқ соғуқ, ташландиқ, жирканч ва бемаъв бўлиб нарсаки, ундан фақат ўлим ёки ўзини-ўзи йлдириш ҳалос қилиши мумкин. Тўғри, асарда бу ҳақда тўғридан-тўғри гапирилмайди. Бироқ фикрлар ва воқеалар мантиси шундай ҳулосага олиб келади.

Файласуф беҳузурлик негизини талқин этмайди. Мутлақ эрк истазан қалб табиий равишда нафақат маҳлуқотдаги номукаммалликларга, ҳудди шунингдек, ўзидаги қусурларга ҳам дуч келади. Ҳозир у ушбу қусурларини ён-атрофдагиларга, ҳаётига аздаради, бу эса ўша қалб ўзини-ўзи даволашга, ўз қусурларини бартараф эттишга тайёр эмаслигини билдиради. Фожива, шунингдек, қаҳрамон ўз субъективлигини намоён қилишга, нимадир қилиб эътиборга тушишга интилади, ҳозир "инсон", "инсоният", "инсоний" деган сўзларни тахрорлаб, ўзидаги нафис ва олжаноб тўғйуларни сарфлашга тайёр. Аммо жамият унинг ниятларига мутлақ бефарқдир. У қанча интиласан, эвуу ўйларга берилмасин, реал ҳаёт уни рад этаверади. Кишининг ўзи жамиятга керак эмас, чунки жамиятнинг шахс ўйлари ва интилишларига мутлақо бегона қонунлари мавжуд. Ушбу қонунлар ғирромлик ва ёвузлик, эркин топташга қурилган.

Рокантен севгилиси Аннини кўз олдига келтиради ва қиз билан боғлиқ ниманидир эслашга ҳаракат қилади. Бўлаёчи висолдан ниманидир кутади. Улар учрашдилар, бироқ қаҳрамон умид қилган "нимадир" рўй бермайди. У қизни ҳам, ўзини ҳам юпатишга арзиғулик бирор сўз дея олмайди. Унинг олдида висолага интизор қиз эмас, гўё ҳар кунни кўравериб нигоҳи ҳам, қалби ҳам безиб кетган ҳеч қандай жозибаси ва қизини йўқ бир сурат турари. "Дунёда бировга бёмани кўринмайдиган нарса йўқ... беҳузурлик ўтқинчи туйғу эмас, унинг ўтмиши дарғумон, мен ундан қийналаяпман, у касаллик ёки ўтқинчи ҳуруж ҳам эмас, у — менинг ўзим".

Ушбу беҳузурлик Рокантини севгилисидан ҳам айнитади. Ҳайратли томони шундаки, қаҳрамон ушбу айрилиқдан иттиробга ботмайди. Энди умр бўйи ёлғиз яшашга маҳкум бўлаётганини сезмайди ва у ҳақда ўйламайди ҳам. У учун ҳозир, шу он мавжуд, Анни ўтмиши қағрига сингиб кетади.

Сартр қаҳрамони орқали мавжудлик ҳақида фикр юртади. Ҳақиқатан ҳам, мавжудлик нима? Агар қаҳрамон марказ де Рольбонни жонлантйрмоқчи экан, уни ҳозирда мавжуд қилиши лозим. Бунинг эса мутлақ имкони йўқ. Марказ ушлаган қозоқ, ёзан хатлари бор. Лекин улар ўз муаллифини тирилтиролмайди.

Қаҳрамон атрофида назар ташлайди: йўлак, боғ панжаралари, дарахтлар, йўлак четларида ётган тошлар, япроқлар, оёғи остидаги қорақайиш илдири... Улар бор, ўз ҳолича бор. Уларни кўраётган ва сезаётган эканман, деб ўйлайди қаҳрамон, демак, мен ҳам борман. Атрофимдаги нарсалар ҳақида фикрлаётган эканман, мен мавжудам. "Менинг фикрим бу мен, менинг фикрим менинг мавжудлигим белгиси. Мен ўзимга фикр қилмасликка ҳалақит бера олмайман". Лекин ҳозирни тан оладиган кишининг фикрлаши ҳам ҳозир билан боғлиқ бўлади. Ўтмишсиз ҳозир ва унга монанд туғиладиган фикрлар эса тасодифдир. Рокантен тан олади: "Мен дунёга тасодифан келганман". Тасодифлигини билган киши ҳаётдан маъиз қидирмайди, у агар қўлай он келса, ҳаётни авдар-тўнтар қилишдан ҳам қайтмайди, чунки тасодифда зарурият ва масъулият йўқ. Тўғри, Сартр қаҳрамонини бу даражадаги ёвузликка олиб бормайди, аммо у шахс билан жамият ўртасида кескин виддиятлар борлигини кўрсатади. Асарда маълум бўладики, ҳавойи гуманизм эмас, балки аниқ шахс ўйлари, иттироблари ҳаётига маъно беради, агар ўйлар рад этилса, мавжудликни бемаъно топучилар кўпаяди. Шахс фикрларини эркин билдириш, ҳаммаслақлар топиб дардлашиш, бошқалар билан муносабатга киришиш, ўз қарашларини синаб, таққослаб кўриш имконига эга бўлиши зарур. Рокантен эса бундай имкониятга эга эмас. Унинг мутлақ эрк излаши, аслида, ҳаётдан тўла қониқмаслиги, унда ўз ўрнини тополмай дуч келган фикрдан наҳот изланишидир. Шунинг учун унга ҳозир, шу он наҳот бўлиб туюлади, лекин у алдоқчи наҳотдир. "Ҳаёт менга ҳеч нима учун берилган" деган сўзлар қаҳрамон қисматида ачиниш уёғотади. "Ҳеч нима" — абсурд.

Файласуф ва қаҳрамон ўтмишини мутлақ инкор этмайди. Роман охирида уларнинг назарлари ойдинлашади. Рокантен бошлаган китобини туғатиш ҳақида ўйлайди ва дейди: "Китобни бир кунни туғатарман, ана шунда мен умид қиламанки, ўтмишим биров ойдинлашади ва шунда мен китоб орқали ўз ўтмишимни ҳам жирканмасдан эслайман... Ўтмишда, фақат ўтмишдагина мен ўзим билан муроа қилоламан". Ҳақиқатан ҳам ўзи билан ўзи муроада бўлолмаган ўтмиш билан муроага келиш қийин.

"Беҳузурлик", умуман, Сартр ижоди ва фалсафаси тайёр ҳолатлар қолиплардан, "изм"лардан ҳоли ҳуқур фалсафий мушоҳадани талаб этади. Шунинг учун бўлса керак, бирорта ҳам профессионал файласуф унинг асарларини ҳали ўрганолмаган. Олий ўқув юртларида Сартрнинг фалсафий асарлари ҳатто тилга ҳам олинмайди, таълиқ қилинмайди. Тўғри, Сартрнинг ўзи "профессионал файласуфлар асарларини сийқалаштиришларини истамайман" —, деб уларнинг ўқув юртларида ўрганилишига қарши чиккан, бироқ эркин иланишларга муштоқ ақл учун унинг ҳаёти ва ижодидек ибратли мактаб камдан-кам топилади.

Виктор Аннмасов,
Фалсафа фанлари доктори

Пенсионерлар ва ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санаторий-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича чора-тадбирлар янада кучайтирилсин.

(“Сихат-саломатлик йили Давлат дастурини шакллантириш борасида ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонидан)

* * *

Азизларим, Оллоҳ таоло берган соғлигимизни асрайлик. Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади.

И.Каримов

Бардаммисиз, ОТАХОНЛАР!

Мухбиримиз Сихат-саломатлик йили Давлат дастурини бажариш борасида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли “Нуроний” шифохонаси бош шифокори Муқаддасхон Ризаева билан суҳбатлашди.

— Муқаддасхон Солиевна, ҳақиқатан ҳам инсоннинг чинакам бахтли яшashi унинг соғлиғига боғлиқ. Айниқса, кекса кишиларнинг саломатлигини таъминлаш, уларнинг дуоларини олиш, фақат савобгина бўлиб қолмай, унинг фарзандлари, оиласи, маҳалласи, умуман, жамиятимиздаги ёшларнинг ҳам дилига хотиржамлик, ишларига барака бағишлайди. Сиз раҳбарлик қилаётган шифохонанинг тиббий хизмат доираси, мавжуд имкониятлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Қисқа муддатли ётиб даволаниш, тиббий имкониятлари эга бўлган 150 ўринли шифохонамизда иккинчи жаҳон ва афрон уруши иштирокчилари, ногиронлар, нафақага чиққан қариялар, меҳнат фахрийлари, маҳалла оқсоқоллари даволанишади. Улар шаҳар ва туман поликлиникалари йўланмалари билан даволаш муассасамизга қабул қилинади. Бу ерда турли ички касалликлар, юрак қон томир, асаб-руҳий хасталиклари, шунингдек, кексайиш туйғайли умумий соғлиғига путур етаётган беморлар даволанишади. Уларга шифохонамиздаги терапия, кардиология, неврология бўлимларидаги мутахассис шифокорлар томонидан муолажалар белгиланиб, даволаш жараёни доим назорат қилиб борилади.

Лаборатория, физиотерапия, ультратовуш диагностикаси, рентген, қабул ва бошқа тиббий хизмат кўрсатиш хоналари улар хизматида бўлади.

— Сихат-саломатлик йили Давлат дастури бўйича амалга оширилаётган ўзгаришлар нималардан иборат?

— Аввало, мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган йиғилишда 2005 йилнинг мамлакатимизда “Сихат-саломатлик йили” деб эълон қилишни таклиф этишиёқ биз шифокорларни ўта руҳлантириб юборган эди. Тез орада Давлат дастури ишлаб чиқилди, у ҳаётга татбиқ этилмоқда. Дастурга биноан энг аввало инсон саломатлигини муҳофаза этувчи ва узок умр кўришни таъминловчи Геронтология марказини ташкил қилиш ишлари олиб боришмоқда. Бу борада вилоятлардан олинган режа ва таклифлар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Шу кунгача дастур талаблари асосида 500 дан ортиқ фахрийларимиз соғломлаштирилди. Кексаларимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Муайян ташхисли беморларни даволашнинг 3-4 хил усулларини ишлаб чиқдик. Асосий касаллик билан бирга унга ёндаш бўлган хафаконлик, юрак ишеми ва асаб касалликларига ҳам бир пайтда даво қилинади. Шунини айтиш лозимки, кекса кишиларни даволашнинг ўзига хос хусусиятлари бор, уларга гоҳида арзимаган нарсалар ҳам ортиқчалик қилиши мумкин. Ҳар бир бемор муолажасини назоратсиз, илмий-тиббий ҳуросасиз қолдириб бўлмайди. Бамисоли ёш болага қарагандай, уларни эҳтиёт қилишимиз зарур бўлади.

Яна бир хайрли ҳаракатимиз шундаки, нуронийларимизни юз фоиз тиббий кўрикдан ўтказмоқдамиз. Шунингдек, беморлар билан ишлашда маънавият ва маърифат масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилапти. Кутубхонамизда кундалик газеталар тахлами юритилади. Ҳар шанба куни битта маъруза тайёрланади ва ўтказилади. Бош шифокор хузурида саломатлик гуруҳлари ташкил қилиниб, улар ўз соҳалар бўйича профилактика ишлари, даволаш усуллари ва эрта қаришнинг оидини олиш бўйича маърузалар ўтказмоқдалар. Улар орасида жисмоний тарбия билан шуғулланаётган саломатликни муҳофаза қилиш гуруҳи фаолиятининг яхши самара бераётганини айтиш жоиз.

— Дастурнинг амалга ошишида ҳомийлар ва оталиқ ташкилотларнинг кўмаги бўляптими?



— Ҳар йили “Нуроний” республика жамғармаси билан ҳамкорликда ҳомий ташкилотлар оталиғи бўйича тадбирлар ишлаб чиқамиз. “Ўзнефтгаз” корпорацияси, “Экосан” халқаро ташкилоти, “Меҳр-шафқат” ва “Нуроний” жамғармалари, шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, “Ёрмойкомбинат” каби ташкилотлар ўз имкониятлари даражасида ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқдалар. Шунингдек, айрим тадбиркорлар, маҳалла фаоллари ҳам ўзларининг моддий ва маънавий ёрдамларини аямаптилар. Сўхат-саломатлик йили кексахасталарга ёрдам беришдек эзгу ва савоб ишларга кўл уриб, бизга ёрдам қўлини чўзган барча ташкилот ва муассасалар раҳбарларига, меҳр-мурувват кўрсатган инсонларга жамоамиз ва нуронийларимиз номидан ташаккур айтамыз.

— Албатта, бу тадбирларнинг ҳаммаси беморларга шарт-шароитлар яратиб, уларни оёққа турғазиб, даволаб юбориш мақсадида қилинаётгани сир эмас. Яратилаётган тиббий имкониятлар самара бeryаптимиз?

— Кексаларга мўлжалланган хоналаримизда уларнинг ётиб-туришлари, телевизор томоша қилиб, газета ва журналлар ўқишлари учун шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг ҳовлида ҳордиқ чиқариб, сайр қилишлари учун бир гектарга яқин майдонда боғ барпо қилинган. Оромгоҳ ёнидан оқиб ўтувчи Қорасув канали мўътади об-ҳаво шароитини таъминлайди. Айниқса, шу кунларда шифохона сайлгоҳларида турли анвойи гуллар очилиб, бетакрор гўзал манзаралар касб этган. Яқиндагина бизда даволаниб кетишган Ҳамид бобо Гафуров, Шаҳобиддин ота Ҳасанов, Хўжанисо ая Хожиёва, Анзиратбиби Шокирова, шунингдек, Ширин Бобожонова, Бобохон Исаев, Ҳаким Маҳмудов, Толик Игнатъев каби уруш ва меҳнат фахрийлари яратилган имкониятлардан, айниқса, шифохонамиз ходимларидан жуда хурсанд бўлиб, чиқиб кетдилар.



Ўз даврида юртимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, эндиликда эса қариллик гаштини сураётган нуронийларимиз биз кўрсатган тиббий хизматларимизга ўринли ва муносиб баҳо беришади. Улар соғайиб, йўлига йўл оларкан, бизларга, ўзларини даволаган шифокорларга чин юрагидан миннатдорчилик билдириб, дуо қилишади. Меҳнатимизга билдирилган бундай илиқ сўзлар биз шифокорларга янада янги куч-ғайрат, илҳом бахш этади.

— Ана шундай беморлар эъзозига сазовор бўлиб, астойдил куч-ғайрат билан ишлаётган шифокорларингиз тўғрисида ҳам гапириб бeryангиз.

— Нуронийлар сўзи билан айтадиган бўлсак, “қизгинам”, “онагинам”га айланган шифокорларимиз жуда кўп. Шифокорларимиздан Шарифа Даминова, Дилором Гафурова, Гулмира Раҳимова, катта ҳамшира Раъно Иноғомовалар ана шундай эъзозга лойиқ шифокорлардир. Кекса беморларимизга тез ҳазм бўладиган овқатлар пишириб, беморлар дастурхонига етказиб бераётган бош ошпаз Солия Хабибуллина, парҳез таом ҳамшираси Зайнаб Отақулова, ошпаз Мастура Исабеваларнинг хизматларидан беморларимиз ҳам, биз ҳам хурсандмыз.

Хуллас, сўхат-саломатлик йили Дастури — биз саломатлик посбонарига билдирилган катта масъулият ҳамда ғамхўрликдир. Бу улур мақом кекса кишиларга, нуронийларимизга янги даволаш усулларини топишимизда, малакали тиббий хизмат кўрсатишимизда, айниқса, кекса авлодининг муаммо-мушкулларини енгил қилишда бош дастуриламалдир.

Сўхатдош:
Абдурауф Раҳимқулов



Хатда шундай тасоифлар бўладики, ундан фақат телбаликкана ҳалове этиши мумкин.

Ф. ПОРАШФУКО

Тошлоқ кўча, атрофи ям-яшил бугдойзор. Бундан бир озгина олдин севалаб ўтган баҳор ёмири силлиқ тошлар юзини ҳали тарк этганича йўқ. Узоқ-узоқларда кўриниб турадиган тоғлар, ёмирдан кейинги мусаффо ҳавода шунчалик тиниқ кўринадик, бу манзара ҳатто тошлоқ йўлдаги қўлмак сувга термулиб ўтирган қизни ҳам ўзига ром этган. Қир адирлар бағрида ястаниб ётган қирмизи гиламдай лов-лов ёнадиган долақизгаллоқлар қизни янада жумбушга келтирди.

ТУШ КЎРАЁТГАН ҚАРИ ҚИЗ

Қиз беихтиёр «Эҳ!!!» - деб юборди. У ўрнидан тураркан, оппоқ булут парчалари сузиб юрган осмонга, атрофдаги кўзни қамаштирадиган гўзал манзараларга такрор-такрор диққат билан қаради. Узоқдан тақир бўлиб кўринадиган аммо эндигина барг чиқара бошлаётган туг дарахтлари томон энгил-енгил қадам ташлади. Бугун борлиқ тинч, унда-бунда мусичаларнинг «ку-ку»лашини, елвизакда бугдойзорнинг қисқагина

«шитирини» айтмаганда, жонли нарсанинг ўзи йўқдек.

Қиз сояга бориб бир муддат дам олгач, ўша ерда лойқаланиб оқаётган анҳор сувига қараб анча вақт завқланиб ўтирди. Ниҳоят, бугдойзорлар оралаб сариқ от минган киши кўринди-ю, унинг диққати бўлинди. От гарчи ҳали узоқда бўлса-да, туёқларининг «дупир»и қизнинг юрак саси билан алмашиб қолгандек эди.

— «Наҳотки!» - деди, қиз ажабланиб. Унинг бутун вужудини аллақандай ҳислар чулғаб олди.

— Нега ахир? - сўради ўзидан ўзи кўзларига ишонмай. Отлиқ дақиқа сайин у томонга яқинлашиб келаверди. Қиз унинг кимлигини билмаса ҳам, қай ҳолатда эканлигини ўзича тасаввур қилди. Уни яқиндан кўрганда эса, қизнинг нигоҳлари биргина — «Наҳотки!!!...» сўзининг устида қотиб қолди. Замина илк бор ўз маҳбубини яланғоч, от минган ҳолатда учратди. У бундай бўлишини сира кутмаганди. Хаёли ўзига келганда эса рўпарасида турган отлиқ йигитдан уялди, ҳатто кўзларини «чирт» юмиб олиб:

— Кетинг - деди кўллари билан аллақаерларни кўрсатиб.

— Нега уяласиз? Нега кўзингизни юмасиз? - дея гудранди, отидан тушаркан нотаниш йигит. — Сиз ихтиёрладингиз, мен келдим. Бугун «кетинг» - дейсиз-у, эртага яна қақирасиз... — деди у қизнинг қаршисига келгач.

Замина ҳеч нарса демеди. У кўзларини



очаркан қаршисида тик турган йигитнинг дастлаб қавариб кетган оёқларига, кейин қуёшнинг нурлари ялаб ўтган тана­сига, офтобда қизариб кетган бақувват елка­ларига ҳамда энди-энди ажин тушаётган юз­ларига бирма бир разм солди. Унинг чуқур ботиб кетган мовий кўз­ларига узоқ вақт тикилиб тураркан, беихтир бо­шини «сарақ - сарақ» қилиб, «Қўшнимизнинг ҳо­физ ўғли Турғунали акага ўх­шаркансиз» — деди овози эшитилар- эшитилмас. Бир оз вақт ўт­гач, қизни ҳаяжонлаштириб турган ҳам­ма нар­салар оддийлаша бош­лади. Сарик отнинг «ду­пири», нотаниш йигитнинг қаердан кел­ганлиги, қолаверса, ким эканлиги, айниқса, унинг яланғоч кў­ринишдалиги қизни уму­ман ажаблантирмай қўйди. Буларнинг ҳам­ма-ҳаммаси жўнгина воқеалардек тую­ла бош­лади. Нотаниш йигит сарик соч­ларни сийпалаб, кўз­ларини жовди­рати­б, уялишни ҳат­то хаё­лига келтирмаганидек, Замина ҳам бу ҳо­лат­ларга кўн­ки­б, йигит билан бе­малол су­ҳбат­ла­шиш мум­кин­ли­гини ан­глай бош­лади.

— Назаримда, сизни аввалдан танигандекман — дейди Замина сукунатдан сўнг.

— Ору қилинган ки­ши­ларнинг юзи ис­сиқ бў­лади, — дея сўз бош­лади нотаниш йигит, — Кимлардир уларни илк маротаба кў­рган­да, уни аввалдан танигандек тасав­вур қил­са, айримлар уларни ўз яқин­ларига, қариндош­ларига ўх­шати­си ке­лади. Ажабланишингизга ҳо­жат йўқ — деди, кўл­ларида от­нинг қам­чи­сини ўй­нат­ар­кан.

— Сиз, ҳам­и­ша шу қиё­фа­да, ҳо­зир­гидек кў­рини­ш­да яшай­сиз­ми? — деди қиз, савол­ларига тез­роқ жа­воб олиш­ни иста­ган­дек.

— Ҳа...

— Нега??...

— Сабаби, менинг ҳеч вақо­йим йўқ. Ҳат­то од­дий­гина кийимим ҳам. Мен ҳеч нар­са­ни йўқот­май­ман, йўқотишдан э­са жу­да кўр­қаман. Шунинг учун ҳам, жон куй­ди­риб ас­раб-авай­лай­диган нар­саларим­нинг ўзи йўқ. Эҳ­ти­мол, буларни мен муҳим сана­мас­ли­гим­дан шун­дай ўй­лаёт­ган­дир­ман, ам­мо ҳақиқатан ҳам буларнинг бар­часи ўт­кин­чи - ку, тўғ­рими?

Замина йигитнинг саво­ли­га «тўғ­ри» де­ган­дай бош сил­ки­тиб қў­яр­кан, унинг бун­ча­лик ғайри­од­дий ва са­мимий сўз­ларини э­шит­иб, унга яна­да қат­тиқ­роқ боғ­ланиб қо­лаёт­ган­ли­гини ўзи ҳам сез­мас­ди.

— Биласми? — га­пи­да да­вом эт­ди нотаниш йигит, мен, йўқотиб қў­йиш­дан кўр­қадиган энг кат­та бой­ли­гим деб «тўғ­ри сўз­им­ни» ҳисоб­лай­ман. Инсон­нинг қан­ча­лик йўқота­диган нар­салари кўп бўл­са, шун­ча­лик кўп ёл­гон га­пи­ради. Буни ўзинг ҳам бил­санг керак? — деди жил­майиб.

— Йўқ — кес­кин рад эт­ди қиз. Сўнг йигит­нинг кўз­ларига тик қараб, сўзи­да да­вом эт­ди. — «Тўғ­ри га­пи­ришим керак» — деб, яланғоч юриш уят эмас­ми? Ки­шининг тўғ­ри сўзи­га

им­кон то­пи­лади-ю, уя­ти­га и­стак йўғ­ми? Яна мен­дек бир о­жи­за қиз­нинг ол­ди­да-я?

Йигит кулиб юборди.

— Билиб туриб, билмасликка олиш бу — уят! Нега ёлгон гапирасан? Нега ўзингни бечора қилиб кўрсатяпсан? Унда айтчи, мени нега қақирдинг?

— Ҳечамда... — Замина бир нарсадан чўчигандай кўзларини олиб қочди.

— Яна ёлгон гапиради - я?! — Бир муддат қизга тикилиб тургач — Айтайми, сен нимани истайсан?

— Йўқ...

— Ҳўш! Унда, яхши­си кел, сен билан ўз ола­ми­ми­зни яра­та­миз. Сени ҳам тўғ­ри сўз­ла­ш­га, рос­ма­на ор­зу қил­ган­инг­дай, мен билан доим шу ҳо­лат­им­да яшашингга, бирга бў­ли­шингга муҳит яра­та­миз. Сен ҳам у ер­да и­стак­ларингни бе­малол амал­га оши­ри­шинг мум­кин.

— Шунақасиям бў­ла­ди­ми? — яна ажабланиб сўради қиз; — Ишониш қийин.

— Ҳа, энг аввало ишонч керак. Шундагина менинг фикрларимни ўқийсан. Худди сенинг фикринг мен учун равшан бўлганидек —, деди нотаниш йигит, қизнинг нигоҳларини тақиб қиларкан. Замина чунонам уялдик, оқибат иқ­ро­р бў­ли­шидан ўзга чо­раси йўқ­ли­гини тушун­гач, се­кин­гина:

— Худди ҳозиргидек-ми? — деди ерга тикилганча.

— Мана энди ўзингни ан­гла­динг — пи­ш­қираётган отига бир қараб қўйди-да сўзи­да да­вом эт­ди — Кўп ўтириш том­ир­лар уву­шиб қо­ли­ши­га са­баб бў­лади, қани ўр­нин­дан тур­чи — Яланғоч йигит қизга қў­ли­ни чў­зи­ди — Тур, турақол!

«Тур, турақол, Замина. Қиз бо­ла­нинг бун­ча­лик кўп ух­ла­ши яхши эмас» —, деди За­ми­на­нинг она­си хо­на де­разаларини очиб қў­яр­кан. «Вой-буй, таш­қарига қара! Ба­ҳор яхши­да! Гул­лар­нинг хуш­бўй­ли­гини айт­май­сан­ми?! Тур­гин, турақол, она қизим...»

Замина истар-истамас кўз­ларини очди, бир нарсасини йўқотган ки­ши­дай у ёқ-буёғига қараб ҳам олди, лекин хо­на­да де­разаларни очиб, ич­ка­рини шамол­ла­таёт­ган она­си­дан бў­лак ҳеч ким­ни кўр­мади. У де­разадан таш­қарига қара­ган­ча, шох­лари оппоқ бў­либ гул­лаган гилос да­рах­тининг на­фис гул­ларига ҳаёл­чан тикилиб, «Туш! Фа­ла­ти туш, қан­дай а­жойиб!!!» - деб қўйди.

Она За­ми­на­нинг ёни­га келиб қў­тир­ди. «Нега уй­қудан тур­гинг кел­май­ди қизим?» — сў­ра­ди унинг ўй­чан ни­гоҳ­ри­га тер­му­либ.

«Бир оз то­бим йўқ­дай, шу­нинг учун, шу пай­т­гача...» — чай­нал­ди қиз. «Ба­ҳор пай­ти одам шу­нақа «ланж» бў­лади. «Гул иси» де­ган гап бор­ку. Муз­дек сув­га юз­ин­гни юв­санг, ҳам­маси жой­ига ке­лади, турақол, қизим» — деди она ўр­ни­дан кўз­га­либ.

Замина бугунги туши ҳақи­да ҳеч ким­га, ҳеч нар­са де­ма­ди, ам­мо кун бўйи ўй­лаб юр­ди.

Нима иш қилмасин, тушидаги йигит ва унинг нима сабабдан қип-яланғоч юрганлиги уни ўйлашга мажбур қилаверди. «Қизик, Турғунали аканинг ўзгинаси-я!» — деб ҳаёлидан ўтказди. Кейин беихтиёр мактабда ўқиб юрган давраларини эслай бошлади. Турғуналини икки йил синфдан синфга қолиб кетганлигини, етгинчи синфгача баъзур Заминалар билан ўқиб, мактабни ташлаб кетганлигини, болалар уни «Турғунали уятчан. Турғунали латта...» деб аҳмоқ қилган пайтларида уни жон куйдириб ҳимоя қилганлигини, айниқса, у билан уч йил мактабга бирга қатнашганлигини кўз олдига келтирди. Ўша даврлар Заминанинг болалик хотираларида қолиб кетган. Хотиралар эса аллақачон зоф ўтмишга айланиб бўлган. Бугун эса Турғуналини ҳамма «ҳофиз» деб чақиради. Мана, ҳатто улар мактабни битказганига ҳам 10 йил бўлибдики, Турғунали унга тинмай совчи жўнатади. Аммо Замина уни кўришни ҳам, у билан гаплашишни ҳам истамайди. Унга турмушга чиқишга тиш — тирноғи билан қарши.

«Тавба» —, деди ўзига-ўзи тоқчадаги тугунчага ўроғли тўнни ола туриб, «Нега ўша пайтда Турғунали учун бунчалик жон кўйдирган эканман-а? Нега унга ўшанда шунчалик ўрганиб қолгандим? Ҳатто мактабга бормай кўйганида, йиғлагандим ҳам. Ҳозир-чи? Нима сабабдан ўша юмшоқ супурги, ландавурни кўргим келмади?».

Замина узоқ ҳаёл суради, унинг нигоҳи янги тўннинг орқа-олдига «қирс-қирс» этиб тешиб ўтаётган игнанинг учида бўлса-да, ҳаёллари аллақачон бу тўнни яланғоч йигитнинг олдига олиб кетганди. Ниҳоят, «Эй, тушда бу, тушга нималар кирмайди» — дейиш билан кифояланди. Анча вақтгача тикиш қилганлигидан кўзлари толиқди шекилли бир озгина дам олмоқчи бўлиб, орқасида турган болиш томон ўтирилиди.

Замина шу ётганича яна кўзлари илинди...

— Мен учун тикдингми бу тўнни. Учдан бирига зар қадаб, қолганига сабринг етмадими? — суради, анҳор ёқасидаги ҳарсанг тошлардан бирига ўтириб олган яланғоч йигит.

— Тўн. Ҳа-я, сизга ёқмадими? — деди қиз ўзи тиккан тўнга қараб.

— Мен тўн киймайман — деди йигит тош парчасини сувга отаркан, — Ҳатто тўлиқ зардан бўлганида ҳам эгнимга илмган бўлардим.

— Нега??? — қиз, бироз хаф бўлгандек сўради йигитдан.

— Менга, ўзингдан бошқа ҳеч нарсага кераги йўқ. Тушундингми, Замина! Замина! — деди йигит баланд овозда, иккинчи маротаба такрорларкан.

Қиз бу овоздан кимдир уни чақираётгандай чўчиб уйгонди. Алак-салак қилиб ён атрофга тез-тез қараб олишга ҳам улгурди. Ҳеч ким йўқ. Энди эса Заминани ҳақиқий чигал ўйлар қамраб олди. Тушда кетма-кет бир хил воқеанинг содир бўлиши, доимий такрорланиши уни ажаблантира

бошлади. «Яна туш кўраётган бўлмайин» —, деб ярмига зар қадалган тўн устидаги игнани олиб бармоқларига санчиб кўрди. Ҳаммасини тушунди...

Замина бу воқеадан кейин узоқ ухлайдиган одат чиқарди. Баъзида, онаси куончаклик билан «Нега бунча кўп ухлайсан? Сен ҳам кўни-кўшнларнинг қизларига ўхшаб, бундоқ у ёқ-бўёғингга қарасанг-чи. Бўйинг етиб қолган, турмушга жиддийроқ назар солгин қизим» —, дер эди. Замина эса бу гапларга унчалик парво қилмас, фақатгина ўй-хаёллари билан банд. Ўйлагани, соғиниб кўмсагани ёлғиз ўша, тушидаги нотаниш йигитча эди.

Қулларнинг бирда она яна шу тариқа жавраётганда, Замина ўрнидан турди-ю, рўпарасидаги тош ойнага узоқ тикилганча:

«Ойи, мени мажбур қилман, — деди ўпкаси тўлиб, — мен турмушга чиқмайман». Она Заминанинг аҳволига қараб, ниҳоятда раҳми келди, дийдаси юмшаб кўзларига ёш олди. У қизининг бу гапларни нима мақсадда айтганини билмасди. Аммо кўнгилдаги жойдан совчилар келмаётганлиги учун оила қуришга шунчалар ҳафсаласиз бўлиб қолганини англади. «Кўпчилик қизлар турмушга чиққунча шундай дейди. Ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади» —, дея таскин берган бўлди қизига.

— Мен жиддий айтяпман — деди Замина онасига тикилганча...

Вазиятнинг анчагина жиддийлигини билган она «Ёлғизгинам, кўзимнинг нури, кўпам сиқилавермагин. Ҳали сени ҳам шундай яхши жойга узатай-ки, бу гапларингни эслаб қулиб юрасан, она қизим» — деди босиқлик билан.

Заминанинг онаси жуда сиқилган. Қизининг эса ёши сония сайин ўтиб борапти. Қизига одамларнинг «қариқиз» деб ном қўйганлигини орқаваротдан эшитиш ниҳоятда чарчатган. Қўшни — Турғуналининг ота-онасини ҳисобга олмаганда, уйига яккам-дуккам келадиган совчиларнинг ҳам изи қуриган. Замина ҳам ниҳоятда жиззакчи бўлиб қолган. Унинг турмуш қуриши ҳақида гап бошланди дегунча, ўпкаси тўлиб йиғлашга тушади.

Она узоқ вақт ўйлагач, қизини Турғуналидан бошқа йигитга узата олмаслигини тушуниб етди. Ўша кундан кечиктирмай сингилларини ўртага қўйиб, Замина билан Турғуналини учраштириш ҳаракатини бошлади. «Зора, бу иш самара бериб қизимга Турғунали маъқул тушиб қолса?!» — дея умидланди.

Ниҳоят, анча уринишлардан сўнг, Замина билан ҳофиз йигит қистов ва мажбурият билан учрашди.

«Сиз от миншини биласизми?» — деди кўққисдан энтиқиб Замина.

«От? Ҳа. Ёшлиқда минганман, ҳатто бир марта ундан йиқилиб, қўлимни синдириб олишимга озгина қолганди» — деди қулиб, ҳаяжонланганидан ҳофиз йигит.

«Йўқ. Шунчаки минишни сўраётганим йўқ...»

«Хўш?»

«Яланғоч ҳолатда отга минганмисиз??»

Йигит қизинг бу гапларидан чўчиб кетди: «Хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Нега буни сўраялсиз?!»

— Ана, кўрдингизми? Мен танига...н...Эй...

— Шу топда Замина ниманидир айтмоқчи бўлди-ю, кўлини бир силтаб кўяқолди.

Яна ўртага жимлик чўкди. Ҳофиз йигит бу ўнғайсиз ҳолатдан чиқиш учун суҳбатга узунроқ мавзу қидира бошлади.

«Биласизми, Заминахон, мен ҳаётимни санъатсиз, кўшиқсиз тасаввур қила олмайман. Жуда ёқтирадиган кўшигим «Тўйлар муборак». Менимча бу кўшиқни ҳамма севиб тингласа керак», — деди мавзу топгандек бўлиб. Бу пайт Замина бошини дарак танасига суяб ўтираркан секингина сезиларсиз кўзларини юмди. Турғунали ҳофизнинг қизиқарли суҳбати жананг эса узоқ-узоқлардан эшитила бошлади:

«Бу кўшиқнинг оҳанги ҳар бир йигитни, қизни ўзига маф...т...у...н»

Энди Замина учун ҳаммаси бекор эди. У ёнида йигит борлигини ҳам, иккита ҳоласи овора-ю сарсон бўлиб, уни не-не умидлар билан учрашувга олиб чиққанини ҳам, қолаверса, атрофдагилар ўзи ҳақида ғалати тасаввурга эга бўлиб қолишини ҳам унутди. У бу гал дарак танасига суянган ҳолда анчагина мизғиди. Яна ўша нотаниш йигит, яна ўша қизиқарли суҳбат, аллақардан эшитилиб турган «Тўйлар муборак» садоси эса яланғоч йигит билан тўйи бўлиб ўтганлигидан дарак бериб турар, ўзи нотаниш йигитга ҳеч тортинмасдан шўхликлар, эркаликлар қиларди...

Онанинг шунча ҳаракатлари зое кетди. Энг сўнги умидлар ҳам чиппакка чиқди. Замина фурсат топиди дегунча уйкуга таралдулданар, севиклисининг ёнига боргиси келарди. Уйку ҳадеганда келавермагач, уни соғинар, ёлғизликдан зерикар, баъзан асабийлашиб ўзига ўзи узоқ вақтгача гапириниб ётарди. Шундай кулларнинг бирини Заминанинг хаёлида унга нажот берувчи фикр тугилди. Бу қарорини кечиктирмай амалга ошириш ниятида тўйга атаб қўйилган тилло узук ва зиракларини ўзи истаганича уйку дориларга алмаштириб келди. У шу билан ўз муддаосига эришгандек бўлди. Исталган пайтда нотаниш йигитнинг ёнига борар, онаси шўрлик юраги ёрилгудек бўлиб уйғотиб олмагунча йигитнинг ёнида қолиб кетаверарди.

Одатдагидек, Замина бугун ҳам ётишидан олдин дори ичиб олди. У бу гал тушида она бўлиб, дастлаб бирваракайга яланғоч йигитнинг учта боласини дунёга келтирди. Кейин яна кўзи ёриди, худди шунга ўхшаш чақалоқларнинг

учтасини, тўрттасини, бештасини... онаси бўлиб қолаверди. — Вой-буй, ҳаммаси менинг фарзандим-а!!! — дея энтикарди у, атрофидаги сон-саноксиз яланғоч гўдакларга қараб. Уларнинг бириси йиглар, бириси кулар, яна қайсисидир эмаклар, ҳатто айримлари тик туриб «қилтанглаб» юришга ҳам улгурган эди. Замина уларни кўриб, ёнида ўтирган нотаниш йигитга қараб, хандон отиб куларди.

Ярим кечаси Заминанинг кўзи юмуқ ҳолатда кулиб ётганини кўрган онаси:

— Замина, кўзингни оч, она қизим. Нима бўлди? Кўзингни оч! — деди таралдулланиб, уни уйғотишга уринаркан. Замина кўзини очса ҳам дам-бадам тушида кўрган болаларини ўйлаб, ўзини тўхтатолмай яна куларди.

— Нима бало, эсингдан ажралдингми? Ўзингни тут! — деб хавотирлана бошлади ранглари «қув» ўчган она.

— Болаларим, менинг болаларим. Улар жуда кўп, жажжиллигини айтмайсизми? Уларни ташлаб қўёлмайман, ҳали улар кичгина, — деди Замина кўзларини катта-катта очиб, онасига қараб жилмаяркан.

— Болаларинг?! — такрорлади қизининг ақлдан озаётганлиги ишонч ҳосил қилгандай.

— Ойи!!! — деди Замина бир нарсани йўқотгандай, — Мени сиз уйғотдингизми? Нима учун! — у бирданига йиғлаб юборди. — Менинг яна уйкум келаяпти.

Она қизини кўққис уйғотганлигидан ўзини айбситаиб, «Жинни-пинни бўлиб қолмасайди, ишқилиб» — дея хаёл қилди.

— Дамингни олақол... — деди лаблари титраб, ранглари оқариб, эшикка томон кетаркан.

Замина онасининг ташқарига чиқиб кетишини кутиб турдида, ёстиги тагида қолган дориларнинг ҳаммасини биратўла ича бошлади. 4...6...18...22...ахири қўллари қалтираб, жойига йиқилди...

У беш-олти дақиқадан сўнг минглаб болаларининг олдига йўл ола бошлади. Уларнинг қорнини тўқлаш, ювиб-тараб воёга етказиш унинг энг асосий бурчига айланганлигини ва бу ишлар уни кутиб турганлигини ўзича ҳис қилди. Сўнг кўзларини оғир-оғир юмаркан «Хайр, ойижон» дея пичирлаб қўйди.

Эртаси кун эрталаб, Заминанинг ҳали ҳануз «миқ» этмай ухлаётганини ва шу ётганича қайтиб безовта бўлмаганлигини кўрган она унинг бош томонига секингина ўтирди. Ширингина бўлиб ётган жигарбандининг сочларини силаб, юзидан ўтди.

Заминанинг эса аллақачон... юзлари совиб бўлган эди.

Сурхон Бўрлев

АСЕР ЭҶДАНГ

Юрашми, борлишми асер этдин,
Фақат сени кўрар кўзим баеир этдин.

Тўё қайта келгандайман бу дунёга,
Мени буткул ўзгартирдини — таеир этдин.

Энди сени кўрмай қолсам, қийналаган,
Хуни ой, ойни йил, йилни аер этдин.

Елшзликда дил вайрона, ғариб эди,
Сен уни ҳам обод этдини, қаер этдини.

Ўбунир эдил ишқини оғир синовидан,
Утаянман бу синовдан, жасур этдини.

Сен Муробни муҳаббатини, меҳрини билан,
Бир умриа бахтли этдини, наерур этдини.



Туроб Ниёз



КЕЛАССЭ

Сен мени соғиниб, ёниб келасан,
Ўзи ишқ ўзгандан тониб келасан,
Мен кутган бир ўзни олиб келасан,
Сен мени соғиниб, ёниб келасан.

Дарахлар тох елқиб сени қутлайди,
Туллар ҳам «воҳ!» қилиб сени
қутлайди,
Хўкда ортоб қулиб сени қутлайди,
Сен мени соғиниб, ёниб келасан.

Айтган сўзларинида ёлгон бўлмайди,
Кўнглинида заррача ғумон бўлмайди,
Умрини ҳам шод ўтир, армон
бўлмайди,
Сен мени соғиниб, ёниб келасан.

САВОЛ

Учаётган қушмисан,
Олиглаб кетган?
Ёки тириш тушмисан,
Алҳзада ўтган?

Оқаётган сойлмисан,
Шўхтам билмаган?
Ё кўкдаги ойлмисан,
Етиб бўлмаган?

Ё зилистон тушмисан,
Ҳел еришмаган?
Ё қишдаги кунмисан,
Шалғи ўхшаман?

Ё жонбахт наволисан,
Шинглаб тўймаган?
Сеҳриар саболисан,
Қалбиш ўйнаган?

Ёки қайноқ ёшмисан,
Ўзим кўйдирган.
Шунча бағритошмисан,
Сўймай сўйдирган?..



АРАЗ ҚИЛМА


Сен мендан араз қилма,
Ёмон деб фараз қилма.
Ниятим ғараз билма,
Бағринида жалос қилма.

Сендадир хаёл-едим,
Бўлма завол, барбодим.
Ушат орзу-муродим,
Қайғуни мерос қилма.

Ёмонларга дил берма,
Ёлгонларга тил берма.
Ғумонларга берилма,
Саробни эъзоз қилма.

Бахт қалити қўлинга,
Шинглаб кетма ўқлинга,
Музлар соғиб кўнглинга,
Рақиб кўнглиш ёз қилма.





Ватан — инсонларнинг ҳамияш пинтилгувчи, муқаддас каябаси бўлган. Қаярда бўлмайллик доим унга юкинамиз, суйанамиз. Ватандошларимизга қараб қаддимизни тиклаймиз. Жумладан, Кармана — ватанамиз ҳудудидаги энг қадимги шаҳарлар сирасига киради. У мамлакатнинг, ғарби билан шарқини, жануби билан шимолни, яъни йирик иқтисодий, маданий, маъмурий марказлари бўлмиш Бухоро ва Самарқандни. Қашқадарё воҳаси билан жанубий Қозоғистон ерларини мустақкам боғлаб туради. Кармана-Зарафшон дарёсининг сўлим қирғоғида ястаниб ётади. Шаҳар атрофи деҳқончилик ҳўжалиги

нийлар (IX-X асрлар), (XI-XII асрлар) Амир Темуру ва теуурийлар (XIV-XV асрлар), ўзбек хонликлари бошқарувни йилларидаги ижтимоий, иқтисодий, маданий мавқая, аҳолисининг этник таркиби, турмуш тарзи ва анъанавий ижтимоий машғулотлари тўғрисида кўплаб маълумотлар бор. Учтут, Сармиш, Работи Малик, ҳазрати Мавлоно Ориф Деҳқароний, Мир Саййид Баҳром, Қосим Шайх каби тарихий-археологик, меъморий ёдгорликлар тафсилотлари, шунингдек, Абдужаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг "Тарих ар-расул ва-л мулук", Наршахийнинг "Бухоро тарихи", шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг

Мирзо Сомийнинг "Тарихи салотини манғития", замонадош олимларимиз С.Иноятовнинг "Кўҳна тарих гувоҳи", А.Ҳотамов, Ш.Халпловларнинг "Йиллар садоси", Мансур Олтин ўғлининг "Кармана тарихий шаҳар" каби асарлари шулар жумласига қўшиш мумкин.

Карманада авлиёлар, саййидлар, шайхлар, ҳўжалар, замонасининг орифлари, олим у Фозиллари яшаган. Амир Темуру, Алишер Навоий, ҳўжа Баҳоруддин Нақшбанд, Ҳўжа Аҳрор Валий, Мирзо Улуғбек, Абдуллаҳон, Музаффархон, Саййид Абдуллаҳадхон, Саййид Олимхон каби давлат арбобларининг назарида бўлган. Карманада турли даврларда Амир Саййид Баҳром,



учун қўлай, ери серунум. Кармана шаҳрида ҳўнармандчиликнинг эрта ривожланиши товар-пул муомаласига асосланган йчки савдонинг юксалишига олиб келди ва ўз навбатида, у халқаро иқтисодий алоқалар қамровига тортилды. Бу омиллар Кармана шаҳрининг маданий ўсшига, юксалишига муҳим асос бўлди.

Кармана тош ва бронза асрлари, милоддан аввалги минг йилликлар даврлари, сомо-

"Бобурнома", Муҳаммад Вафо Карманагийннинг "Тарихи Раҳимхоний", ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг "Абдуллонома", Муҳаммадёр ибн Араб Қатагоннинг "Мусаххир ул-Билод", Мир Муҳаммад Амир Бухорийнинг "Ўбайдуллонома", "Муҳит ат-таворих" Абдураҳмон Давлат Топеънинг "Тарихи Абдулфайзон", Саййид Муҳаммад Носирхоннинг "Туҳфа аз-зорин", Олим Шайх Азизхоннинг "Памаёт мин нафаҳот ул-қудс",

ҳазрати Баҳоруддин Нақшбанд илхос қилган азизлардан бири Шайх Мавлоно Ориф Деҳқароний, Шайх Ҳудойод Азизхон, Қосим Шайх Азизхон, Амир Темуру бобоси (она аждоди жиҳатдан) тож аш — шарпга (шарият тожи) Мавлоно Абу Абдуллоҳ Умар каби ўнлаб қўвван ҳофизлар, қўтбузамонлар яшаганлар. Жамиятга, халққа маънавий озуқа берганлар, комплилка даъват қилганлар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Нарша-

хийнинг "Бухоро тарихи", Абдулкарим ас-Самъонийнинг "Китоб ал - ансоъ" сингари асарларида таъкидланишича, ўрта асрлар шароитида Карманнада юзлаб илмий ва дунёвий илм соҳиблари, каломулмулклар яшаб, ижод қилганлар. Улар: Муҳаддис ал-Мунтасир ибн Муҳаммад ал-Карманнагий, илмий зоҳирий ва илмий ботиний соҳиблари Амир Саййид Жоруллоҳ Карманнагий, ҳазрат Шайх Амин Карманнагий, Абу-Абдулло Муҳаммад ибн Завъ ал-Карманнагийлардир. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Карманнинг XIV аср маънавий муҳити ҳақида мушоҳада юритганда шайх Мавлоно Ориф Деҳгаронийнинг бутун Зарафшон, Фарғона, Хоразм воҳдаларида ҳурмати юқори ва юзлаб муридлари бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. Мавлоно Ориф Деҳгароний хожа Баҳоуддин Нақшбанд тез-тез Карманнага, Работи Маликка, Ҳазора (Деҳгарон) қишлоғига келиб турганликларидан, ҳатто Хатирчига қариндошларига бораётганларида ҳам, албатта, Мавлоно Ориф Деҳгаронийга учрашиб ўтганликларидан ҳам билса бўлади. Бу икки улуг инсоннинг бир-бирига меҳр, ҳурмат-иптифотининг баланд бўлганлигининг Боси - улларнинг ҳар иккалалари ҳам қутб ул-авлиё Саййид Амир Кулолнинг муридлари бўлганликлари ва ул зотдан узоқ йиллар таҳсил олганликларидадир. Мавлоно Ориф ва Деҳгароний Мовароуннаҳрда XIV асрнинг иккинчи ярмида яшаган йирик тасаввуфий олимлар, шайхлар, орифлар силсиласига кирди. Ул зот ҳақимия, Ясавия, Кубровия, Нақшбандия сингари Орифия мактабни яратдиларки, ундан аҳли сунна вал жамоа замонадошларимиз баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Тасаввуф илмини ислоҳ қилиш, уни айрим хурофий, жоҳилий унсурлардан тозалашда ҳам Мавлоно Ориф Деҳгароний ҳазратларнинг ҳиссалари бор.

Карманнинг маънавий, ахлоқий салоҳиятида Қосим

СИЗААР ҲАР КҮНИ КҮРИБ ВА КЕЗИБ ЮРАДИГАН КАРМАНА
ШАХРИНИНГ ЕШИ НЕЧАДА? ЕКИ ЧҮАИ
МАЛИКДАГИ ЭСКИ РАБОТ ВА САРДОБАЛААР ҚАЧОН ПАЙДО
БҮЛҒАН? САРМИШ ДАРАСИ ВА ГОРИДАГИ ИБТИДОЙ
СУРАТААР БУ УЛАКНИНГ ЭНГ КАДИМИЙ МАДАНИЯТ
БЕШИКЛАРИДАН БИРИ ЭКАНИДАН ДАРАК БЕРМАЙДИМИ?
И. Каримов

Шайх Азизоннинг апоҳида ўрни, ҳиссаси бор. Ул зотнинг бухоролик Жуйбор Саййидлари орасида ҳам, умуман, шайбонийлар давлатида ҳам мавқеи баланд, маънавий таъсири кучли бўлган. Муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов ул қутб ул-авлиёни хотирлаб "Биз ҳаммаша ул аждодларимиз билан ифтихор қиламиз. Уларнинг хотираси ҳозир ҳам она заминимизни шарафга буркаб турибди. Ана шундай мўътабар зотлардан бири, табаррук хоки Зарафшон тупроғида ётган сўфий, аллома Низомиддин Қосим Шайх ҳазратларидир. XVI асрда яшаб ўтган, бутун умрини маърифат тарқатишга, уруш ва низоларнинг олдини олишга, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини камол топтиришга бағишлаган улуг, айни вақтда камтарин бу зот ҳаёт чоғидаёқ халқнинг юксак иззат-иқромига сазовор бўлган. Ана шундай таббарук инсонлар, азиз авлиёларнинг ҳаёти биз учун ҳаммаша ибрат бўлмоғи керак", — деб таъкидлаган эдилар.

Тарихда шундай воқеалар бўладикки, у маълум бир жамият-

нинг ҳам, ундаги кишиларнинг ҳам тақдирини ўзгартириб юборади. Мовароуннаҳрда XVI аср бошларида шундай воқеа юз берди. Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги қулатилиб, давлат Шайбонийхонлар қўлига ўтди. Бу ҳолат бир мунча мураккаб, зиддиятли кечди. Ана шундай ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, воқеалар шароитида ватанпарвар, миллатпарвар, қувваи ҳофизаси кенг, катта маънавий салоҳиятга эга бўлган шахслар тарих майдонида чиқадилар. Бундай кишилар ўзларининг шахсий манфаатларини чегаралаб қўйиб халқ, миллат, Ватан фойдасига хизмат қила бошлайдилар. Бундай шахсларнинг маънавий омиллари бир кишига хизмат қилиш доирасидан чиқиб, ижтимоий кучга айланади. Натияжада, бундай ижтимоий куч жамиятга, халққа янги мазмун, руҳ бағишлайди. Қутб ул-авлиё Қосим Шайх Азизон ўз замонасининг ана шундай мўътабар, муҳтарам кишиларидан бўлганлар. Агар ватанимизда IX-X асрларда ат-Термизий, ал-Бугий, XI-XII асрларда Хўжа Аҳмад Ясавий,



Нажмидин Қубро, Абу Мансур Мотриудий, Бурхониддин Марғи-ноний, XIV асрда Саййид Амир Кулол, Хўжа Баҳоуддин Нақш-банд, Мавлоно Ориф Деҳгаро-ний, XV асрда Хўжа Аҳрор Валий, ҳазрат Анпшер Навоий жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги, кишиларнинг маънавий-руҳий комплиги учун фидойиллик қилганлар. XVI асрда келиб, бу вазифа Қосим Шайх Азизон зиятмасига тушди. Чунки ҳокимият тепасига келган шайбонийлар Қосим Шайх Азизоннинг этакларини тутди-лар. Хусусан, Абдуллаҳон ул авлиёнинг маънавий фазилятларидан, мамлакатда тутган ижтимоий мавқеаларидан унумли фойдаланиб, ўз давлатида тинчлик-осойишталик ўрна-тишга, уни моддий-маданий юксалтиришга эришди.

Қутб ул-авлиё Қосим Шайх Азизоннинг Туркистон, Тошкент, Фарғона додйис, Хоразм, Қашқадарё ва Сухонадарё воҳа-ларда ҳам маънавий таъсири кучли бўлган. У ерлардан кўплаб ихлосманд муридлари Кармана-га келиб турганлар. Бу тўғрида Муҳаммад Тоҳир Эшон Хоразмий "Тазкират ул-авлиё", Абу Муҳаммад Толиб "Матлаб ат-толиб", Ҳасанхўжа Нисорий "Музаққир ул аҳбоб", Мавлоно Омон Термизийларнинг асарла-рида кўплаб маълумотлар келтирилган. У киши бизгача етиб келган тарихий манбаларда "Қосим Шайх Карманегий", "Ҳазрати Эшон", "Қутб ул-авлиё", "Сугд ул-авлиё", "Шайх Азизон" каби номлар билан эъзозланиб, маънавий, руҳий сифатлари таърифланган. Қутб ул-авлиё Қосим Шайх Азизон силсиласи Шайх хўжа Аҳмад Ясавийдан бошланиб, унинг учинчи халқас-иний ташкил этади ва ўз навбатида, Қосим Шайх Азизон-дан кейин ҳам бул эшонлар, Шайхлар силсиласи изчил давом этиб, йигирманчи асрнинг йигирманчи йилларигача келган. Улар Иброҳим Шайх Туркистоний, Шермуҳаммад Шайх Хоразмий, Пирим Шайх, Олим Шайх Апиободий, Мирзо Апи

Туркистоний, Ҳусайн Шайх Туркистоний, Абдул Рафеъ Туркистоний, Хўжа Муҳаммад Утрорий, Мавлоно Муҳаммад Шариф Бухорий, ҳазрат Мухлисон Офаринкений ва яна кўплаб қутб ул-аброрларнинг, қувва ҳофизи-ларнинг номларини келтириш мумкин. Демокчимиз-ки, Қосим Шайх Азизоннинг шуҳрати вафотидан (1578 йил) кейин ҳам сунмаган. У кишининг жасади Бухоро хони Абдуллаҳон томони-дан 1558 йилда Карманда ўз маънавий пири, давлат ва жамият ҳаётидан муҳим ўрин тутган қутб ул-авлиё Қосим Шайх Азизон шарафига қурдирган хонақода кўним тоған. Ул зот ўзларидан комил зурриёт ҳам қолдирганлар. Уриллари Хўжа Хурд Исмоил ва дунёвий илмларни пухта билган, тақводорлик бобида падалар бузрукворларининг йўлини давом эттирганлар. Қизлари бухорилик Жуйбор хўжаларидан, нақшбандия тариқатининг йirik вакили Хўжа Исмоилнинг набираси Хўжа Тожидадан Ҳасан никоҳига тушганли-ги тўғрисида маълумотлар бор.

Карманда турли даврларда барпо этилган, турли замонлар "синовий"дан ўтиб келган хонақолар, мақбаралар, зиёрат-гоҳлар кўп. У жойларда эл эъзоз-лаган улғу инсонлар дафн қилин-ганлар. Ул пири-муршидлар ҳаёт-ликларидан Ватанимиз ижтимоий, маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутганларидек, қолдирган мада-ний, руҳий мерослари ҳамон ўзлпгимизни англашга, миллий ғурурли бўлишимизга хизмат қилмоқда. Биз асли табиатан ва тарихан катта маънавий сало-ҳиятли халқимиз. Ҳозирги айрим имоний, маънавий саёзликка ҳеч бир ўрин йўқ. Буни ҳар бир каттаю ёш миллий ва исломий масъулият билан билишлари зарур.

Кармана — Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган тарихий шаҳар. Бешигида авлиёлар ўсган шаҳар.

Мансурхон Олтин ўғли,
*Навоий давлат педагогика
институтини профессори,
тарих фанлари доктори.*

Зим-зиё тун.
Фақатгина бир уйнинг
чирои ўчмаган. Унда
сочлари паршон тўзиган,
жонсарақ бир аёл уйнинг
убошидан бу бошига бориб
келади. Аёли тўлғоқ
тутмоқда. Унинг қарашлари
саросимали. Оғриги гоҳ
кучайиб, гоҳ бир зумга
босилади. Оғриқ зўридан
баъзан аёлни ташлари
ғичирлаб кетади. У гоҳо
совуқ терга ботганча
деразага тикилади. "Тезроқ
-тонг ота қолсайди". Бу ҳаёт-
мамот жангига деразадан
мўралаб турган ойгина
гувоҳ. У жимгина "Дунёда
аччиқ тўлғоқ азобига тенг
келадиган дардни кўрма-
дим" дегандек сукут сақ-
лайди. Ниҳоят, тонга яқин
тўққиз ойлик азоб-уқубат-
лар барҳам топади. Аёл-
нинг кўзи ёриди. У она
бўлди. Бугун ундан бахти-
ёрроқ, ундан шодонроқ
одамнинг ўзи йўқ. Шу
тобда аёл бор овози билан
ҳайқиргиси, суюнчи тила-
гиси келарди. Бироқ у
кимни туққанини билар-
микан...

Ер юзидаги барча
халқлар каби ўзбек халқи
ҳам ота-онасини дунёда энг
улуғ, энг табарруқ зот деб
билади. Уларни эъзозлаш,
қадрлаш, насихатларига
қулоқ тутиш ҳар бир
фарзанд учун бурча айлан-
ган. Оқ сут шунинг учун ҳам
муқаддас неъмат сифатида
қадрланади.

Бизни дунёга келтирган
муштипар оналаримиз
ҳақида қанча-қанчалаб
ривоятлар, ҳикматлар,
ҳадислар бор. "Онангни
ошичлаб уч марта Маккага
олиб борсанг ҳам унинг оқ
сутини оқлай олмайсан". Яна
"Аввал онанга, яна онанга
ва яна онанга, сўнг онанга
яхшилик қилгин", "Ота-
онасини танимаган, тангри-
сини танимас", "Онансинг
дилини оғритган эл ичида
хор бўлар"...

Она бир қўли билан бешикни, бир қўли билан эса дунёни тебратади. У боласи учун хонумонини беришга тайёр. Агар фарзандига тикан кирса, уни киприклари билан суғуриб ташлайди. Унга совуқ шамолни ҳам раво кўрмайди. Шу тобда бир ривоят ёдга тушади: йигит муҳаббатини синамоқчи бўлган қиз ундан онасининг юрагини олиб келишини сўрайди. Йигит шартга рози бўлади. Онасининг юрагини олиб чопиб келаётганда қоқилиб, йиқилиб тушади. Шунда она юраги тилга кириб, "Оҳ, ёмон йиқилмадингми, болагинам", — дейди. Нақадар фидойлик, шундай муҳдиш ҳолда ҳам она ўз жонини ўйламай, фарзанди учун қайғуради!

Бир донишманддан дунёда энг ботир ким деб сўраганларида у: "Фарзанд доғини

кузатибди, суҳбатлашиб, ҳеч нарса сезмагач, у билан унинг уйига борибди.

Қассоб уйига киргач, илинган саватдаги, кексайиб, муштдеккина бўлиб қолган онасига салом берибди-да, унинг овқатини едирибди, — кейин меҳмонга дастурхон ёзибди. Ишга кетишида ҳам, онасига қараб, унинг дуосини олиб қайтибди. Меҳмон қассобнинг онасига қилаётган хизмати, хурмати учун олий мақомга эришганини англабди.

Тарихдан бизга маълумки, қадим замонларда тож-тахт талашиб оталарини ўлдирган ўғиллар ҳам бўлган. Бунга Мирзо Улурбекнинг ўғли Абдулатифни мисол қилишимиз мумкин. Падаркушлар ҳақида озми-кўпми эшитганмиз. Юракларда бундай фарзандларга нисбатан туғилган нафрат аслар оша унутилмайди. Бундай фарзандлар тошбағирликда, жоҳилликда абадий лаънатланади. Агар фарзанд ўз онасини,



Модаркуш

кўтарган паҳлавон бу онадир", — деб жавоб берган экан.

Яқинда бир яқин қариндошим сим қоқиб, 23 ёшли ўғлининг аҳволи оғирлигини, иккала буйраги ҳам ишдан чиқаётганини айтиб қолди. Менга: "Сен катта шаҳардасан, докторлардан сўраб кўр-чи, ўғлимни асраб қолишининг иложи бормикан? Агар унга бирор қор-ҳол бўлса адои тамом бўламан. Шунинг учун боламга битта буйрагимни, керак бўлса иккала буйрагимни бермоқчиман", — деди. Устимдан кимдир бир челақ муздай сув ағдаргандай бўлди. Тилим калимага келмай қолди. Унга нима деб далда беришни, нима деб кўнглини кўтаришни билмай доғдираб қолдим. Оҳ, дунёда онани бундай азоблар чеккунча яратмасин экан. Ўйга толаман, қизиқ, агар онаси шу аҳволга тушганда ўғли нима қилган бўларди?! Ширин жонини нисор қила олармиди она учун, (бунга онасининг ўзи ҳеч қачон йўл қўймасди) балки, аксинча, онасига олиб берган дори-дармонлар учун иддао қилса-чи?!

Лекин онасини пилта-саватга қўйиб боққан қобил фарзандларни ҳам эшитганмиз.

Мусо алайҳиссаломдан жаннатдаги қўшнингиз ким? — деб сўраганида. Фалон қассоб менинг қўшшим бўладилар, — деган эканлар.

Савол берувчи қассобнинг фазилатини билиш мақсадида, унинг олдига бориб, ишини

волидаи муҳтарамасини арзмаган оилавий жанжал боис чопиб ташласа, бундай ўғилни нима деб атаймиз? Унинг жазоси нима бўлади?

Қийинчилик пайтларида фарзандлар бир парча нонга зор бўлиб, оч-наҳор қолган дамларида ҳам оналарига итот этганлар. Волидаларини ўлдирish у ёқда турсин кўзларига тик қараб гапирмаганлар.

Тўғри, меҳр-оқибат кўтарилган айрим оилаларда ака-укалар, опа-сингиллар бир парча ерни деб ёки арзмаган зеб-зийнатни деб бир-бирлари билан қирқпичоқ бўлганликларини, бир-бирларини ўлдирганликларини кўп эшитганмиз. Наҳот энди навбат онага келган бўлса!

Менимча, ҳеч қайси бир динга, ҳеч қайси бир қонунга, ҳеч бир тасаввурга тўғри келмайди бундай гумроҳлик.

Мен бу мақолани ёзишдан аввал маълумотлар тўплаш жараёнида фожеалар тафсилоти билан танишар эканман, анчагача юрагим безовталаниб, ўзимга келолмай бироз муолажалар олишимга ҳам тўғри келди. Бир неча маротаба куч тўплаб ёзмоқчи бўлдим, яна иродам етишмади. Ўйга толаман, ахир кимдир ёзиши керак-ку. Бу офатнинг олдини олиш, фарзандларимизни инсоф-диёнатга қақирish, тўғри йўлга солиш ҳаммамизнинг, бутун жамиятнинг иши эсамиз?

Қўйда биз "модаркуш"лик деб атаётган бир воқеа тафсилотини тўлалигича баён этамиз.

(Номлар ўзгартирилиб берилмоқда)

Барно опанинг юрагига ҳадик тушди. Одатда бу пайт ўғли ишда бўларди. Нега "Зудлик билан етиб келинг" деб телефон қилди. Тинчликмикан ишқилиб? Тоби қочиб қолмадимикан ёки...

У ўй-хаёллар гирдобида уйга қандай етиб келганини билмай қолди. Кейинги пайтларда ўғлида қандайдир ўзгариш содир бўлганини қалбан ҳис этарди. Икки ҳафта олдин хотинини арзиманг сабаб билан уриб икки боласи билан ҳайдаб юборди. Бир-икки марта уйга аёлларни олиб келиб маишат қилганини билиб қолган она ўғлига дақкилар берган эди.

Балки онани "насиҳат" деб берган дақкилари ўғлига оғир ботиб қонини қайнатганми. Шу кундан Саид онасини қаёққадир йўқотиб ўзи билганича бу уйда яшшони орзу қилди.

Кейин-кейин бу "орзу" уни қабиҳликка етаклади. Ўзича режани пухта қилди, ҳамма нарса қил суғургандек бўлишига нимагадир ишончи қомил эди. Ҳамма ишни ими-жимиди қилади-да сафарга жўнайди. Бир кун олдин опасига телефон қилиб эртага (яъни муҳиш воқеа рўй берган кун) сафарда бўлишини айтган.

Ҳозир айти фурсати келди. Вақтдан фойдаланиб қолиш керак. Нимадир деб жанжал чиқариши керак, нима деса экан-а.

Барно опа уйга кириб келиши билан дарвазаб бўлиб турган ўғлини кўриб: "Тинчликми?" деб сўради. — Менга пул керак — дейди Саид томдан тараша тушгандай.

— Пулни ҳадеб қаердан оламан, яқинда пенсиямни берган эдим-ку!

— Менга берган пулингизни миннат қилманг.

— Йўқса пулни қаердан оламан. Сенга харна ёрдам бўлсин деб нафақадаги одам ишлаяпман-ку, уйда ўтирмай. Отасизликда сени ҳеч нарсадан кам қилмай катта қилдим. Аслида сен энди мени боқилинг керак. Онасининг ҳали анча тегик, қариликни бўйнига олмаган вужудига қараб баттар ичидан зил кетарди.

— Кўп вақилламанг! Пул топинг! (Дарвоқе, дадилроқ бўлиш учун Саид озгина ичиб ҳам олган эди.)

— Бу нима деганинг болам, яхшиям бахтинга мен бор эканман, бировдан кам яшайётганинг йўқ-ку.

— Сиз тенгилар аллақачон кўқариб чиққан, — деб юборди Саид ичидаги нафратини боса олмай.

Ўғлининг юзига аста қараркан унинг вазоҳатидан юраги увушиб кетди. Ўғлининг кўзлари қонга тўлган эди. Кўзларига изтироб ёшлари қуйилиб кела бошлади. Кўз олдига ётмиши жонланди. Етти яшар Саиднинг кўзлари хираланиб кўрмай қолди. Барно опа уни даволатиш учун ўзини минг ёққа урди, иложи бўлмагач, отасидан қолган ҳовлини эрининг

қаршиликларига қарамай сотиб шу бедаво ўғлини Москвада катта докторларга қаратиб кўзини операция қилдириб келди. Ўғли дунёни кўра бошлаганидаги унинг севинганлиги олдда ҳамма нарса бир пул эди. Квартирама-квартира юриб чеккан азовлари ҳам унинг кўзига кўринмасди.

Она ўзини тутиб олиб ўғлини юмшатиш учун унинг елкасини силамоқчи бўлди. Бироқ кўллари муаллақ қолди. Бошига тушган зарбдан гандираклаб йиқилди. Нима ҳодиса рўй бераётганини англаб оломай нажот излаб ўғлига кўлларини чўзди. Ўғли онасининг бу қилигидан баттар жазавога тушиб, омбурдай кўллари билан онасини бўйнига ёпишди... Онанинг бошидан ва буридан оқаётган қондан ер бир зумда қизил рангга бўялди. Қон кўлларини ювиб, ҳеч нарса бўлмагандек сафар сумкасини кўтариб уйдан чиқиб кетди. Ён девор қўшнис бақир-чақирларни, тарақитурукларни эшитган, лекин ўзлари жанжалашаётган бўлса аралашмай деб чиқмаган. Епиғлик қозон епиғлигича қоларди, агар бир қўшни деразадан шу куни Саиднинг уйидан чиқиб кетаётганида кўриб қолганини бировга "чақмаганида"...

— Самарқанд шаҳар, Сиёб туманида яшовчи нафақахур Ш.Икромовнинг жасади уйдан кўкрагига ва бўйин қисмига қаттиқ жисм билан жараҳат етказилган ҳолда топилади. Жиноят она билан бирга яшайдиган ўғли С.Икромов томонидан содир этилганлиги аниқланиб, ушланди.

— Тошкент вилояти, Янгийўл туманида яшайдиган Адиба Сафаевани ўз ўғли Карим Сафаев ўзгара оилавий жанжал туфайли бўғиб ўлдирилганлиги эътироф этилди.

— Тошкент шаҳар, Сирғали туманида яшовчи О.Ҳакимов оилавий жанжал оқибатида онаси В.Набиевани бошига ўриб ўлдирган.

Бундай фожеалар Фарғона вилояти Қирқгули туманида, Наманган шаҳрида, Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида, Олмалик шаҳрида, Бухоро вилояти Когон туманида ҳам рўй берган. Яна рўйхатни узоқ давом эттиришимиз мумкин. Юқоридаги маълумотларнинг айримларида ҳали тергов давом этапти. Судда жиноятчиларга нисбатан чиқарилган ҳукм, жазо қандай бўлишидан қатъий назар, бу мавзуга биз ҳуқуқшунос сифатида эмас, балки, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндошамиз.

Эй, тарих!

"Модаркуш"лар ҳақида эшитганмисан, сўзла! Модаркушнинг башараси қанақа, унинг афт-ангорини қай рангга чизиб бера оласанми, мусаввир. Бу бедодликларни эшитгандан қулонинг қар, кўрданган кўзларинг кўр бўлса бўлмасмиди, дунёйи-дун! Э, воҳ қадам замин! Бағринг бунчалар қаттиқ, Тезроқ ютсанг бўлмасмиди, бундай нонкўрларни! Бир парча этни тарбиялаб, ювиб-тараб шу кунларгача

эсон-омон етказгани эвазигами, бу кўргуликлар! Бешафқат, чайир қўлларинг билан сенинг дунёга келишинг сабабчиси ўз онангни ҳеч иккиланмай бўғаётган ёки кўксига пичоқ санчаётганида наҳот қўлларинг титрамади, наҳот юрагингда заррача раҳм-шафқат уйғонмади? Агар сенда озгина инсоф-диёнат бўлганида шу қўлларинг билан меҳнат қилиб сени не умидлар билан туққан, бокқан онаизорингга қариган чоғида мурувват кўрсатсанг бўлмасмиди?! Ўз онасига қалбида озгина шафқат бўлмаган болани одам дейишга ҳам тил бормади. Мол-дунёга эга бўлиш ниятида онаизорингни ўлдиришга қабиҳ режа тузган қунигданок сен одамгарчиликдан чиққансан! Ҳар қадамда топса бўладиган мол-дунёга бўлган ҳою-ҳавас сени алақачон инсонийликдан йироқлаштирган. Ахир она ягона ва топилмас удуғ зот-ку! Аммо қўлга киритилган мол-мулк сенинг келгусидаги бахт-саодатингни таъминлаб бераолмайди-ку. Сен "қўлнинг кири" деб таърифландиган мол-дунёга ягона меҳрибонингни ўлдириш эвазига эришмоқчи бўлдингми? Энди элининг тавқил-лаънатидан қаерга қочасан. Сен модаркуш онангни руҳин чирқираган уйда қандай яшайсан. Онангни хунидан виждон азобидан кўрқмайсанми?

Бу дунёга аслида ҳеч ким устун бўлмаган. Озгина сабр қилсанг, онанг ҳам мангу яшамас эди. Сен истаган уй жойлар шубҳасиз, сенга қоларди. Ўшанда онангнинг тобутини бошингга кўтариб, ҳурмат эҳтиром билан ўзинг жойига қўйсанг бўлмасмиди.

Мен оёқ-қўли шол бўлиб қолган бир инсонни билардим. У онасини сўнгги йўлга кузата олмагани, ўз оёғи билан тепалаб кўмолмагани боис бир умр афсусланадотда ўтди.

Халқимизда "ота доғи қуйдирар, она доғи ўлдирар" деган нақд бор. Онаси оламдан ўтгач, тёлба бўлиб қолган қиз, ўғиллар ҳақида эшитганман. Шоҳ Машраб ҳам онасидан жудо бўлгач, **"чин етим бўлдим, бугун қолдим онамдан айрилиб"**, деб чеккан оху-нолалари қайси ўқувчини бефарқ қолдиради.

Хотирам васвосдир, девона дерлар сўзласам, Энди менга фарздир байтул-хазанни кўзласам, Дашту сахроларда мен етим кўзидек бўзласам, Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасам, яна **"мен сенга жон бирла хизмат қилмадим"**, **"Бу ўлим зор йиғлатиб қилди мени барги хазон"** деб фарёд солади.

Ҳа, бундай надоматлар қошида яна муқаддас ҳадисларга юзланамиз, **"Қайси бир халқнинг ичида жиноят ва гуноҳ қилувчилардан кўра қилмайдиганлари кўп ва кучли бўлатуриб, уларни тийиб қўймасалар тангрининг офати ҳаммаларига баробардир"**...

Сутдай ойдин кеча. Бутун борлиқ уйқуда. Дунёнинг қайсидир бурчида аёл тўлғоқ азобини тортаяпти. Вужудини совуқ тер босган. У ўлим билан олишмоқда. Ниҳоят ёруғликка чиқди. Чақалоқнинг **"инга"** си сукунатни бузиб юборди. Юракда хавотир кезади. Ишқилиб, онанинг севинчи, бахтиёрлиги бир умр бўлсин. Илоҳим шу ойдин кечадай хаёллари мунаввар, ёруғ бўлсин митти одамнинг. Ота-онасига, элига садоқатли, инсоф-диёнатли қобил фарзанд бўлишини яратгандан сўраб, илтижо қилади бу кеча.

Уктамхон Холдорова



Бахмалда "Новқа ота" деб аталган ажойиб оромгоҳ-зиёратгоҳ бор. Баланд тоғ бағрида жойлашган сўлим маскан, аввало, бетакрор табиий манзаралари билан гўзал. Ўз тожида саратонда ҳам дор сақлайдиган чўкқилар кунгираси, гоҳ булоқ бўйида, гоҳ чўкқилари сари элтувчи табиат зиналари, гужгон мевали ва манзарали дов-дарахтлар, дам олиш ва ибодат учун мўлжалланган хоналар сизни мафтун этиши тайин. Булардан ташқари беш йирик "бармоқ" изидан оқиб чиқаётган шаффоф булоқлардан ҳовузалар пайдо бўлган. Айнан ана шу булоқлар ва ҳовузалар атрофи асл сайлгоҳдир. Ҳовузаларда эса турли хил балиқлар гала-гала бўлиб сузиб юришади.

эҳтиёжларини тўлиқ қондирмоқда. Аҳолининг барча қори-ҳолига яраётган, шу қишлоқ аҳлининг яшаи шартига айланган бу булоқ сувига чўмилиш манъ этилган.

"Новқа ота": ном қангай паёго бўлди?

Зиёратчилар бундаги қабр ёнида Қуръон тиловат қилишиб, яратгандан ҳожатларини сўрашади. Лекин бу сағана соҳибатси Новқа ота эмас экан. Баъзи арабшунос олимларнинг айтишига қараганда, Новқа ота — бу араб тилидаги "Нақаътун" сўзининг ўзбек тилига мослаштирилган шаклидир. У "туя" деган маънони билдиради. Баъзилар эса бу сўзни "туя минган одам" деб изоҳ беришади. Зиёратгоҳнинг "нақаътун" ёки "Новқа ота" деб номланишига зиёратгоҳ яқинидаги Норчўкди тепалиги сабаб бўлган дейишади. У йўл устидаги бир тепалик бўлиб, айнан

туя шакли-шамойилига жуда ўхшаи бўлган. Бу ибора нор туя чўкди, тўхтади, сўзларининг бирикмасидир. Ҳозирги кунда бу тепалик йўл кенгайтирилиши, асфальт ётқизиш пайтида четроққа суриб чиқарилган. Маҳаллий халқ "Норчўкди"нинг тупроғини яра-чақа, сўгалларни даволаш хусусиятига эга, дея ишонишади. Бу зиёратгоҳ яқинидаги "Норчўкди"ни ўтган азияларининг улови бўлган, деб билишади. Зиёратгоҳ шайхи Ҳамид Парданинг ҳикоя қилишича, бу ерда ётган зоти муборакнинг исми-шарифи ва азиянинг қароматлари ҳақида бирон тарихий манба бўлмаса-да, бу зиёратгоҳа Аллоҳдан ҳожат сўраб келган зиёратчининг ҳожатлари раво бўлмай қолган эмас экан, дейишади.

Келинг, энди "Фариштани айланган бокира" ривоятини тингланг:

Ўзгарган фармони олиш

Нақл қилишларича, Балх шаҳри ҳокимининг ягона фарзанди бўлиб, у ҳам қиз эди. Қўнларнинг бирида ҳоким ўз мулозимлари билан далаю даштга овга жўнайдди. Бундан хабар топган балогат ёшидаги қиз сайру томоша қилиш учун отасининг боғига чиқди.

ТУЯ МИНГАН Бокира

Балиқларга ҳеч қим озор бермайди, аксинча, зиёратчи йўловчилар уларга егуликлар ҳадя қилиб, рақсларини завқланиб томоша қилишади.

Сайру зиёратдан мириққач, хоналарга кирсангиз, такаллуфона олдингизга дастурхон ёзишиб, Новқа нони, қанд-курс, мева-чева тортилади. Бир пиёла чой узатишади. Зиёратгоҳ ходими Ҳамид Парда бу жойнинг ўтмишидан ҳикоя қилувчи "Туя минган бокира" ривоятини айтиб беради. Камина эса, бу сафар унинг ана шу ривоят битилган дафтарини олиб қайтдим. Уни сиз билан баҳам кўриш истагидаман.

Бу Новқа ота зиёратгоҳи билан боғлиқ қизиқарли ва ибратли ривоятдир. Воқеалар ривожига эса ҳикмат дурдоналари мужассам. Келинг, Сиз ҳам танишинг! Афсонавий булоқдан чиқаётган сув қарийб 1500 хўжалиқнинг истеъмол ва деҳқончилик

Боғ эса гоят хушманзара, сўлим,
жаннатмонанд бир оромгоҳ эди. Бу ерда турли
мевали боғлар, анвойи гуллар, тангадек нур
тушмайдиган манзарали дарахтлар, балиқ ва
ўрдаклар маскан қилган ҳовузлар бор эди. Бу
манзаралардан завқланиб, ҳузур қилиб юрган
қиз эътиборини сал наридаги ҳовузда қордек
оппоқ бўлиб турган бир нарса тортади. У
қизиқиб, ўша ерга етиб боради. Сув усти
кўпиклар билан қопланган, ҳайрон бўлган қиз
ҳовузга бир бармоғини ботириб, сувдан ялаб
кўради, сўнг яна сайрда давом этади. Орадан
бир-икки ой ўтгач, янгалари қиз бўйида
ҳомила борлигини сезиб қолишади. Энагалар
ҳам бу қизнинг қандай қилиб ҳомиладор бўлиб
қолганидан ҳайрон бўлишади. Чунки улар
қизни бир дақиқа ҳам наворатсиз
қолдиришмаган. Ахир, унинг ёнига бирорта
эркак зоти яқинлашмаган эди-да. Ҳокимдан
қўрққан энагалар қизни отасидан яширинча
сақлай бошлайди. Олти-етти ой ўтгач,
ҳомила сезилиб қолади. Ота бундан хабар
топиб, “нобакор” қизни осиб ўлдиршига
фармон чиқаради. Оқил вазир ҳокимдан
қизнинг бир қошиқ қонидан кеччиликни
сўрайди. У кечади.


— Бундай ҳолатлар тарихда кузатилган.
Фақат у Оллоҳнинг мўъжизаси сифатида
пайғамбарлар ва авлиёларга берилган. Шу боис
фармонни ижро этишига шошилмай, ўрнига
бошқа бир тадбир қўлласангиз, — дейди вазир.

— Қизим менинг юзимни ерга қаратди,
хаёлим ўта паришон. Бирор чора белгилашга
ҳам ожизман. Таклифнинг бўлса, айт! Менга
маъқул келса, фикрингга қўшиламан.

— Муҳтарам ҳоким! Бу фармонингизни
ижро этсак, наслингизнинг ягона
давомчисидан ажраласиз ва бу қайғуни кўтара
олмайсиз. Яхшиси, унга тегишли меросни
беринг-да, юртингиздан чиқариб юборинг.

Бу тақлиф ҳокимга маъқул тушиб, вазир
айтган чорани қўллабди. Шундан сўнг қиз
бир нор туяга миниб, отасидан теккан
меросни олиб, йиғлай-йиғлай кун чиқар
тарафга йўл олибди. Уч ой йўл юргач, ногоҳ
тўлғоқ дарди тутади. Аёл уловини
тўхташиб, туяси ҳақида қайғуради: ўзим
билан ўзим бўлиб, туям эгасиз сарсон
бўладими? Шунда у Оллоҳга илтижо қилади:

— Пок парвардигоро! Сенинг тақдири
азалинг билан мен шу қисматга дучор бўлдим.



Кўзим ёрийдиган пайтда мени бежавотир қил. Ўз куч-қудратинг билан шу туюмни тупроққа айлантириб қўйгин.

Оллоҳ маломатга қолган бокиранинг илтижосини қабул қилиб, туюни тупроққа айлантирган. Шундан кейин туюмисол бу баландликни "Норчўкди" деб атаганлар.

Мисли оби зам-зам

Аёл кўзи ёригач, ўзини поклаб олиши, гўдакни ювинтириши учун нари-беридан сув излаган. Яқин атрофдан сув тополмай ортига қайтган аёл, чақалоқ ётган жойдан сув чиқаётганлигини кўради. Шошилганча гўдакни сув ўртасидан олиб қарасаки, тирнаган жойдан сув сизиб чиқаётган экан. Баъзиларнинг айтишларича, аёл кўзи ёриётганида бехосдан тирнаган жойдан, бошқаларнинг гапига қараганда, аёл сув излаб кетганда гўдак йиглаб тепинган жойдан сув чиққан дейишади. Хуллас, беш бармоқ жойидан сизиб чиқаётган сувга гўдакни ювинтиради, ўзи покланади.

Пайғамбаримиз Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар онамизни чўлу биёбонда қолдириб кетганида, Исмоил алайҳиссалом оёқлари тагидан оби зам-зам отилиб чиққанидек, бу ерда ҳам мисли оби зам-замдек сув оқиб чиқди. Тирналган жойлар капталлашиб бир ариққа айланади. Кейинчалик эса бу сув тоғ бағрида жойлашган Новқа қишлоғи аҳолисининг ризқ-рўзига сабаб бўлади. Ваҳоланки, бу жойларга канал ёки насос билан ҳам сув чиқариш жуда мушкул эди. Оллоҳ бандасига йўқ жойдан ризқ беради, деганлари балки шудир.

Ўша даврларда булоқдан сал пастда карвон йўли бор эди. Ундан ўтаётган карвонбоши бу ерда сув пайдо бўлиб қолганлигини кўриб, хайрон бўлиб қолади. Бу сел суви дейдиган бўлса, сув лойқа эмас эди. Улар сувни ёқалаб, булоқ олдига келганларида қўлида чақалоғи билан бир аёлга кўзлари тушади. Карвонбоши аёлга мурожаат қилиб: "Бу йўллардан биз жуда кўп ўтганмиз. Яқин орада булоқ йўқ эди. Булоқ қандай пайдо бўлиб қолди? Ўзинг қимсан? Қасрдан келиб қолдинг?" — каби саволларни беради. Шунда аёл бошидан ўтган

барча воқеаларни ва булоқнинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақида гапириб беради. Карвондагилар бундай мўъжиза бекорга содир бўлмаганлигини, қимсасиз тоғ бағрида оби зам-зам пайдо бўлганлигидан хурсанд бўлишади. Улар она-болага егуликлар қолдириб, қайтишда, албатта, уларнинг аҳволдан хабар олажagini айтиб йўлларига равона бўлдилар. Балх шаҳрида қизнинг бирзина тоғаси бўлиб, у олиму тақводор, пардешкор, хуллас, Оллоҳнинг назари тушган киши эди. Ҳоким ўз қизини бадарга қилгандан кейин у: "Жиянимнинг ортидан хабар олгувчи мендан бошқа кишиси, қариндоши йўқ бўлса, уни излаб топиб аҳволдан хабар олай", — дея унинг изидан тушади. Йўлда уни кўрганлар бир нортую минган ҳомиладор аёл шу йўлдан кунчиқар тарафга, йиглаб ўтиб кетганлини айтишади. Шу таҳлит суриштириб, тоға "норчўкди" гача келади. Ўша пайтда туюнинг вужуди тупроққа айлангани билан унинг ранги, ташқи кўринишлари мутлақо ўзгармаган эди. Тоға тупроққа айланган туюни танийди. Жияним ҳам шу ўртада бўлиши лозим, дея зиёратгоҳ худудига етиб келади. Аммо бир неча дақиқа аввал чақалоқни бағрига босиб ўтирган аёлга кўкдан "Гўдагингни олиб булоқ тепасига чиқ" деган нидо келади. Аёл бу қароматга бўйсуниб, тепага чиқади. Шу пайт "Гўдакни сувга ташла" деган буйруқ бўлади. Ногаҳоний бу зойибона овоздан кўрқиб, унга итоат этган аёл гўдакни сувга ташлайди. Гўдак сувга тушган пайт Оллоҳнинг иродаси билан балиққа айланиб, сувда сузиб кетади. Оллоҳнинг фармони билан ерга тушган фаритталар аёлни ҳам ўзалари билан осмонга олиб кетишади...

Булоққа етиб келган тоға, бу мўъжизавий ҳолатлардан беҳабар эди. Тоға йўлда толиққани учун бундай салқин, баҳаво, тиниқ булоқ, ҳовузгади балиқларни кўриб, хордиқ чиқариб, булоқ сувларидан ичиб дам олади. Нафасини ростлаб олгач, яна жиянини излаб йўлга тушади. Аммо кўп жойларни қидириб, унинг изини топа олмагач, излашдан умидини узади. Юртига қайтишдан олдин булоқ бошида бироз дам

олиш учун оромгозга кайтади. У дам олиб, энди ўрнидан туриб кетишига чоланаётган пайт унга ҳам самодан овоз келади: "Сен ахтариб келган жиянларинг сувсизликдан нобуд бўлмаслиги учун шу булоқ пайдо бўлди. Жиянларинг Оллоҳнинг амрини бажариб, кетиши. Агар сен бу ерларни ташлаб кетар бўлсанг, булоқ қуриб, шундай чиройли маскан харобага айланади. Сен умрингни шу жойни обод қилишга бағишлан!" Бу амрга бўйсунган тоза умрининг сўнги дамларигача шу ерда яшаб, масканни обод қилиб ўтган. Зиёрат-гоҳ хонақоҳидаги қабр шу зотнинг қабри деб нақл қилинади.

Ушбу ривоят ҳикмати туйиш ўзингизга ҳавола. Лекин ушбу ривоятдан "Нимадан яралган бўлсанг, яна ўшанга қўйиласан", деган ҳақиқатни ҳам сезиш қийин эмас. Инсон ибтидоси тупроқ, тога тупроққа айланади. Балққа айланган гўдак оқ ҳовуздан яланган сув бўлгани учун у сувга қўйилди. Қиз эса асида гуноҳсиз эди. У фаришталарга қўйилиб кетди...

Абдурауф Раҳим

Г Ў З А Л Л И Қ С И Р Л А Р И

Совуқа, шамолда ёр кам ажралиб чиқиш натижасида юз, кўл терилари нозиклашади. Салга тилпинадиган, ёринадиган бўлади. Соғлом, чиройли бўлай десангиз, ўзингизга эътибор беринг. Юз, кўл терингизни парваришланг. Бундай сизларга қўйилган арзон, табиий, кўпал воситалар ёрдам берилишига ишонамиз.

Қуруқ юз учун ёнгоқли аралашманинг фойдаси катта. Бунинг учун 30 грамм ёнгоқ қўймалағичдан чиқарилади, ҳавончада туйиш ҳам мумкин. Унга ярим стакан (100мл) қайноқ сув қўшиб, ярим чой қошиқча туз аралаштирилади. Бир соатдан сўнг аралашмадан демалол фойдаланиш мумкин. Аралашмани икки ҳафта давомида мўзлаттича сақлаш лозим.

• Ёрни юзни қаттиқ билан артиш ҳам фойда беради.

• Оширилган ҳамирдан бир парча олиб ёясиз. Бўйини ва янак остига ёпиштирасиз. Сўнг уриналиққа жойлашиб, 20 дақиқа давомида текис ўтиринг. Бу вақт ичида тери ҳамир таркибидagi В дармондориси ва бошқа фойдали моддалар билан озикланади. Ҳамирни қуриган заҳоти олиб ташлайсиз. Бу илқоб, сизни бақбақадан ҳам ҳалос этади.

• Қайнатилган қарам япроқидан 1-2 таси олинди, илқ қолатага тоза юз ва бўйинга қўйилади. 30 дақиқада қуруқ тери майинлашади. Қарам баргини қўйишдан олдин терига ўсимлик еридан озгина суртишни мумтманг.

• Юзингизга урдак ёғи суртиб олсангиз, шамол ва совуқнинг таъсирини қамаяди.

Қўлларингиз териси шамолда дамланадими, қуруқлаб ёрилса, эътиборсиз бўлманг. Ҳар кўл 5тунг олдидан қўлларингизни 10 - 15 дақиқа илқ сувга ботириб, сўнг дхшйлаб суртинг. Глицерин, вазелин ёки кўл териси учун махсус чиқарилган кремлардан суринг. Агар булар топилмасе, ўсимлик мойидан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Фақат у тула сингиб кетгича қўлларингизни уқалайсиз. Бунда бармоқларнинг ҳаракатчанлиги ошиб, бугинлар мустаҳкамланади.

• Қўлингиз териси юмшоқ ва оппоқ бўлишини истасангиз, глицеринга тенг миқорда крахмал қўшасиз. Аралашмани кўлга суртиб, 15 - 20 дақиқа утга, илқ сувда ювиб ташлайсиз.

• Бир парчак лямони қўлингизга суртиб, 15-20 дақиқадан сўнг ювиб ташласангиз ҳам қўлларингиз оқариб, майинлашади.

• Қўлларингизни тозалаш учун уй шароитида ҳам лосьон тайёрлашингиз мумкин. Бунинг учун 50 грамм глицерин, бир чой қошиқ новшадил спирти керак бўлади. Уларни 50 грамм миқордаги сувда аралаштирасиз. 2-3 томчи кишбуй атирингиздан қўшасиз. Қарабсизки, лосьон тайёр.

• Крем тайёрлаш учун эса 1 чой қошиқ асал, шунча миқорда сабиёр ва мойичак дамламаси керак бўлади. Уларни 1 стакан қайноқ сувга дамлайсиз-да, 9-10 соат тиндириб қўясиз. Бир кун лосьон, бир кун крем суриб турсангиз, қўлларингиз териси таваранлашиб, оппоқ ва майин бўлади.

Аёл киши ҳаммаси мафтунок, патофатал қўриниши керак. Бунинг учун эса бир оз ҳафсала кпфоядир. Шунда Сиз дунёдаги энг гузал, бахтли аёлга айланасиз, қоласиз.

Диляром тайёрлади

И Ш Т И Р О К Э Т У В Ч И Л А Р :

ОТА.
ОНА.
ЎҒИЛ.
КЕЛИН.
ҚИЗ.

ҚАЛЛИҚ — Келиннинг укаси, қизнинг бўлажак куёви.

Қаллиқдан бошқа ҳамма — бир оиланинг аъзоси. Қаллиқ ҳам шу оила аъзолигига даъвогар, шу сабабли — қаллиқ. Оила аъзоларининг энг каттаси, яъни ота — элик ёшларда.

Воқеа, яъни бу асарда тасвир этилган можаро, бизнинг кунларимизда, бизнинг жамиятимизда деярлик ҳар бир оилада бўлиб ўтади ёки ўтмайди.

Персонажлар ҳаммаси бизнинг кунларимиздаги европача модага мувофиқ кийинган. Фақат либосдаги ва хонадон жиҳоздаги айрим миллий элементлардангина биз воқеанинг ўзбек оиласида бошланаётганини билиб оламиз.

Ўззам Султон

Ойлавий

Етти эпизодли комедия

БИРИНЧИ ЭПИЗОД

Парда очилмасдан илгари биз профессионал ҳофиз томонидан маҳорат билан ижро этилаётган машҳур «Тўйлар муборак» кўшиғини эшитамиз. Авансценага чапдан ўша кўшиқни давом эттириб, бахтиёр Қаллиқ кириб келади. У ўзбек халқининг машҳур эртагидаги куёв Тоҳир либосида. Унинг орқасида тантанага муносиб либосда келин (Қаллиқнинг опаси) ва бошқа бир неча киши пайдо бўлади. Ўнг томондан қиз кириб келади. У келинчак Зухра либосида. Унга Ота, Она, Ўғил ва бир неча башанг кийинган киши ҳамроҳ. Бу иккала томон тўй маросими иштирокчиларининг фақат бир қисми экани сезилиб турибди: яна ҳам нарироқда бошқа меҳмонларнинг каллалари кўринади. «Тоҳир» кўшиқни эҳтирос билан давом эттириб туриб, «Зухра»га яқинлашар экан, биз магнитофоннинг «ғийқ» этиб бузилгани шарпасини эшитамиз. «Тоҳир»нинг лаблари ҳамон қимирлайди-ю, аммо кўшиқ эшитилмайди: куёв магнитофонга мослаб, лабларини қимирлатаётган экан, холос. Ниҳоят, «Тоҳир» магнитофоннинг бузилганини пайқаб, куйлашдан тўхтади. Умумий саросима. Чироқ ўчади. Чироқ ёнганда биз авансценада ёлғиз Қаллиқни кўрамыз. У энди оддий кийимда.

ҚАЛЛИҚ. (Томошабинга мурожаат этади). Яхшилар. Кўзингиз олдидан ҳозир ўтган манзара — менинг орзум, холос. Менинг юз мартаба чиппакка чиққан ва энди сира ушалмайдиган орзум бу... ҳа, мен орзуси ҳадеб кўзига ширин туш бўлиб кўринадиган

довдир, девона бўлиб қолганман. Кимга дуч келсам, шунга орзумни, яъни тушимни гапирaverиш одагим ҳам шу довдирлигим, девоналигим оқибати. Ана шундай қилиб, юрагимни бўшатиб турмасам, ёрилиб кетишим ҳеч гап эмас-да. (Залдан овоз эшитгандек). Нима? «Сени ичингдан портлашга қодир дардинг ўзи нима?» дейсизми? («Уҳ» тортади). Дардим зўр дард, бедаво дард... Менга алам қиладиган жойи шуки, мени дардманд қилган нарса — оддий, ҳаётий можаро... «Оддий» деганим «оддий» деганим, аммо «ҳаётий» деганим... (Яна чуқур «уҳ» тортади). «Ҳаётий» деганим — «қудратли, даҳшатли, енгилмас» деганим бўлади. Менинг орзум, менинг бахтим шу кунларда ана шу оддий, аммо енгилмас тўсиққа дуч келиб, чилпарчин бўладиган бўлиб турибди. (Залдан овоз эшитгандек). «Дардинг ўзи нима, айт» дейсизми? Хўп, хўп. Мен ҳикоя қилай, сиз сабр билан эшитинг. (Ҳикоя бошлаб). Гапнинг пўст калласини айтганда... йўқ, йўқ, гапни нарироқдан бошлаш керак... Бир барно йигит менинг опамни яхши кўриб қолган эди. Омаддан бор экан, у йигит осонгина муроду мақсадига етди. Севганига уйланди, севгучи хотинли бўлди, яъни менинг поччам бўлиб қолди. Ана шундан кейин кўп ўтмай мен шўрлик поччамнинг синглисини севиб қолсам бўладими? Бахтимданми ёки бадбахтлигимданми, билмадим, мен орзу қилган у қиз ҳам мени орзу қилди. Биз худди Тоҳиру Зуҳранинг худди ўзимиз. Шундай қилиб, икки оиланинг «қайчи қуда» бўлиши учун ҳамма шароит тайёр... Йўғ-е, «тайёр» эмас, «тайёр эди». Бутун бало шу «эди»да... Йўқ, мен яна адашдим. Бутун бало шу «эди»дан кейин пайдо бўлган «аммо»да. Ҳа, биз Тоҳир ва Зуҳраларнинг бахти гуллаши учун ҳамма шароит тайёр эди, аммо... аммо ҳалиги оддий, ҳаётий можаро орага суқилди-ю, иккимизнинг тақдиримиз аммамнинг ошқовоғидек бўй етмас баянд сўрида осилиб қолди. «Тоқатимизни тоқ қилмай, ўша оддий, ҳаётий можаронгни гапир» дейсиз, алабта. Хўп. Марҳамат. «Оддий, аммо ҳаётий можаро» деганим шуки... (Парда орқасида бошланган қий-чув Қалиқнинг гапини бўлиб қўяди. Астойдил бақириваётган икки аёланг нималар деяётганини тушиниб бўлмайди, аммо у ёқда катта жанжал бошлангани аён. Қалиқ даҳшатда). Ана, мен сизга айтмоқчи бўлган оддий, асосий ҳаётий можаро яна бошланди, икки ёшнинг бахти йўлидаги тўсиқ ўзи тилга кирди. «Юз мартаба эшитгандан бир мартаба кўрган яхши» деганлар донолар. Сиз ҳам менинг севгимнинг хонадонига, яъни менинг бахтим занжирбанд бўлиб ётган шу зиндонга қиринг-да, оилавий ҳаётдан бери эпизод кўринг, ҳалиги оддий, ҳаётий можарони ўз кўзингиз билан кўринг... Мен эса... мен шўрлик эса севгим билан сўнгги учрашувга шошман. Алвидо, яхшилар. (Кетди).

ИККИНЧИ ЭПИЗОД

Ҳали парда очилмасдан аввал ана у ёқда бошланган жанжал авжга чиқади. Икки аёл бир-бирларига идиш-товоқ отиш даражасига етдилар. Бирин-кетин чил-парчин бўлаётган идишларнинг шовқини авжда.

Квартира кўнғироғининг жиринги эшитилади-ю, жанжал ва идиш синдириш бирданига тўхтабди. Ҳукмрон бўлиб қолган сукунатда яна кўнғироқ янграйди. Парда очилади.

Ўрта ҳол оила хонадони. Ҳовли. Ўртада овқат учун тайёрланган стол. Дастурхон бузилмаган бўлса ҳам, идиш-товоқларнинг ярмидан кўпи ерда парчаланиб ётибди, столнинг икки томонида Она ва Келин бир-бирларига орқа ўгиришиб, тумтайишиб ўтирибди, атрофда стуллар ағдарилиб ётибди, қисқаси — ҳозиргина тўхтаган жангнинг излари ҳам қадамда муҳайё. Она ва Келин оғир-оғир нафас оладилар: жанг тўхтаган бўлса ҳам, жангчиларнинг ҳовури ҳали босилиб бўлган эмас. Кечки пайт.

Яна кўнғироқ овози. Бу гал кўнғироқ узоқ жиринглайди.

ОНА. (Зарда билан). Очинг эшикни, эрингиз келди.

КЕЛИН. (Иккиланади. Охири Онадан хафалиги баянд келиб, йиғлаб). Ўзингиз очинг, ўғлингиз келди.

(Она ўрнидан туриб, эшикка равона бўлади. Аммо Келин ўрнидан сапчиб туради-да, чақонлик билан олин эшикка етиб, очади. ЎФИЛ қиради. У бир-бирларига орқа ўгириб нарида турган Она ва Келинга, атрофдаги жанг нишонларига назар ташлайди, аммо важоҳати қиттак ҳам ўзгармайди: бу манзара ЎФИЛ учун таниш, ҳатто жонга теккан бўлса керак. У асида фавқулодда бўлган бу манзарага сира парво қилмай, ичкари

хоналардан бирига кириб кетади-да, у ёқдан пижама кийиб чиқади. Атрофдаги манзарага бир зум қараб туради-да, енгил «ух» тортади).

ЎФИЛ. (Аламзада истеҳзо билан). Тушунарлик. Тушунарлик. Навбатдаги жанг. Қайнонанинг Келин билан жанги.

ОНА. (Жаҳл билан). Ҳа, ўғлим, яна мени айбла, мени.

ЎФИЛ. (Хатосини тузатишга шошган оҳангда). Кечирасиз, ойижон, мен адашдим. Ҳа, бу Келиннинг Қайноға билан жанги.

КЕЛИН. (Жаҳл билан) Ҳа, сизга доим мен ёмон. Мен ёмон. (Йиғлаб). Шу кунларни кўрганимдан кўра ўлиб қолсам бўлмасмиди?

ЎФИЛ. Худо сақласин, хотинжон.

ОНА. (Кесатиб). Биров ҳадеб «ўламан, ўламан» дейди-ю, ўлиш у ёқда турсин, битта мўйи ҳам тўкилмайди. (Келин яна ҳам қаттироқ йиғлайди).

КЕЛИН. (Эрига). Ана кўрдингизми, эшитдингизми? Яна мени ёмон дейсиз.

ЎФИЛ. Ойижон, шу одатингизни ташланг, келинингизга ўлим тиламанг. Ахир ҳар гапга паришталар омин дер эмиш.

ОНА. Мунча энди юрагинг чиқмаса, кўрқоқ. Мен «ўл» десам, бировлар дарров ўлиб қоладиган ориятли одамлардан эмас.

КЕЛИН. Хўп бўпти. Ажаб бўпти. Сиз тирик экансиз, мен ўлмайман. Ўлмайман. (Кўнғироқ жиринглайди, аммо Келин ва Она эшитмайди).

ОНА. (Қаттиқ қичқиради). Мен ҳам ўлмайман.

КЕЛИН. Мен ҳам ўлмайман. (Онадан ҳам ортириб қичқиради).

ЎФИЛ. Бас қилинглр, бас, дадам келди! (Она ва Келин шошиб, идиш синиқларини йиғиштира бошлайдилар. ЎФИЛ эшик томон кетади).

КЕЛИН. Шошманг, шошманг.

ОНА. Шошмай тур, болам.

(Кўнғироқ жиринглашда давом этар экан, Она ва Келин жанг изларини бир нав йўқотадилаар. Шундан кейингина ЎФИЛ эшикни очади. Ота киради, бир назар ташлаш билан вазиятга тушунади, аммо ҳеч нарса кўрмаган ва тушунмагандек бепарво ичкарига кириб кетади ва у ердан пижама кийиб чиқади. Бу орада Келин овқат дастурхонини тузаб тамомлайди. Ҳамма чурқ этмай дастурхонга ўтиради).

ОТА. Салом.

ҲАММА. (Шошиб, саросимада). Салом. Салом.

(Яна жим, тумтайишганича овқатлана бошлайдилар. Навбат чойга етганда Ота кулади).

ОНА. (Енгил тортиб). Нега куласиз, дадаси?

ОТА. Дунёнинг ишларига куламан-да, ойиси. Дунёнинг ажиб ишларига.

ОНА. Яъни?

ОТА. (Дарров жавоб бермайди, ўз-ўзига, аммо жаҳл билан қаттиқ). Ахйри ярашиб кетишга мажбур бўладиган одамлар, бошданоқ тинч-тотув яшашни қасд этса, ўладими?! (ЎФИЛ. Одамларнинг ана шу ажиб ишларидан биз ҳам хабардор бўлсак бўладими, дадажон?)

(Ота атайин сукут сақлайди).

КЕЛИН. Одамларнинг ана шу ажиб ишларидан бизлар ҳам бебаҳра қолмайлик, дадажон.

ОТА. Сизнинг бу тилагингиз мени жуда хурсанд қилади, келинжон. («Келинжон» сўзини Ота ўпка билан, аммо ҳеч қандай истеҳзосиз, балки самимий меҳр билан айтади. Шуниси қизиқки, уйдаги можаролар даҳшатли бўлса ҳам, ота келинига ихлосини йўқотолмаган). Чунки бу гап бевосита сизга таалуққидир, келин.

ОНА. (Рашк билан). Сиз кўчадан доимо севиқли келинингизга таалуққли гапларнигина топиб келасиз, дадаси.

ОТА. Адашдингиз, хотинжон.

ОНА. Ҳа, ҳар гал келинингиз эмас, мен адашаман.

ОТА. Ҳар гал эмас. Иккалангиз худди тил бириктириб қўйгандек, галма-гал адашасизлар. Бу гал сиз адашдингиз. Чунки мен кўчадан топиб келган гапнинг сизга ҳам алоқаси бор, ҳатто сизга алоқаси ортиқроқ.

ЎФИЛ. Қулोगимиз сизда, дадажон.

(Ота атайин сукунат сақлайди).

ОНА. (Бетоқат). Ҳаммани хуноб қилмасдан, бир марта гапингизни шартта гапириб қўяқолсангиз бўлмайдим, дадаси?

ОТА. (Яна бир оз сукунат сақлагандан кейин жуда фавқулотда хабар келтирган оҳангда). Норбоевлар оиласи тиниб-тинчиб кетибди.

ҲАММА. Норбоевлар оиласи-я?

ОТА. Ҳа. Норбоевлар оиласи тамом тиниб-тинчиб кетибди.

КЕЛИН. Йўғ-е.

ЎФИЛ. Бундай бўлишга ишониш мумкин эмас.

ОНА. Бундай бўлиши сира мумкин эмас.

ЎФИЛ. Ахир, Норбоевлар хонадонида қайнона билан келин йигирма йиллардан бери қирпичоқ.

ОТА. Ҳа, ўғлим. У хонадонда қайнона билан келин можаросидан Норбоев бечоранинг қулоғи том бўлган эди. Ана энди бу бало-қазодан Норбоев бира-тўла қутилибди.

ОНА. Нима, келин вафот этибдим?

ОТА. Йўқ, Норбоевнинг келини тирик.

КЕЛИН. Қайнона-чи? Норбоевнинг хотини ўзи тирикми?

ОТА. Ҳа, қайнона ҳам тирик.

ЎФИЛ. Бу оиланинг тиниб-тинчиб кетгани рост бўлса, бу мўъжиза-ку!

ОНА ва КЕЛИН. (Баробар). Ҳа, мўъжиза!

ОТА. Худди ана шу мўъжиза мени бугун Норбоевнинг олдига чопишга мажбур этди.

ЎФИЛ. (Бетоқат). Натижа?

КЕЛИН. Сиз Норбоевдан нималарни билдингиз?

ОТА. Норбоев ўз оиласида ҳақиқатан тинчлик ўрнатилганини тасдиқ этди. Қайнона ва келин апоқ-чапоқ бўлиб кетишибди. Мен, албатта, Норбоевдан бунга қанақа эришганини суриштирдим.

ҲАММА. Хўш?

ОТА. Афсуски, Норбоев бу мўъжизани менга тушунтириб беришдан бош тортди.

ҲАММА. Нега?

ОТА. Бу мўъжиза уларнинг оилавий сирини эмиш.

ҲАММА. Аттанг!

ОТА. Аммо шахримизнинг чеккасида, боғ кўчаларнинг бирида «яраштирувчилар хонадони» деб шуҳрат топган бир хонадон бор экан.

ЎФИЛ. Хўш?

ОТА. Норбоев оиласини, ундан аввал бошқа бир неча оилани тинчтиб юборган одамлар шу хонадонда турар экан.

ЎФИЛ. Хўш? Хўш?

ОТА. Норбоев оинг билан хотинингни шу «яраштирувчилар хонадони»га юборишни маслаҳат берди. Оилани тинчтишининг сирини фақат ўша одамлар билар экан.

ЎФИЛ. Ойижон, сиз ўша «яраштирувчилар хонадони»га бир боринг-чи. Зора улардан яхши маслаҳат чиқса.

ОНА. Бизнинг хонадонимизда нотинчликка ким сабаб бўлса, ўша киши ниқобдорлар олдига борса ярашади.

КЕЛИН. Яъни мен? Шунақами?

ОНА. Сиз бўлмасдан, ким бўларди? Уйимиздаги нотинчликка, албатта, сиз айбдорсиз.

КЕЛИН. Ҳой, дада, ҳой эр. Мен бу бўҳтондан қачон қутиламан? Қачон?

ОТА. Келинжон, сиз кичикроқсиз. Бу савоб ишни сиз бошланг. Яраштирувчилар олдига аввал сиз боринг.

КЕЛИН. У ёққа борадиган бўлсам, оёғим синсин!

ОНА. Ўша ёққа мен борадиган бўлсам, ўтирган жойимдан турмай ўлай.

ЎҒИЛ. Ана холос.

ОТА. Аслини олганда, сизларнинг шундай дейишларингни мен яхши билар эдим. Аммо сизлардан ниқобдорлар олдига боришни илтимос қилмасдан иложим ҳам йўқ эди. Эй, афсус, шу вақтгача кунларимиз қанақа «чиройлик» ўтаётган бўлса, бундан кейин ҳам шунақа ўтаверар экан-да.

ОНА. Шунақа.

КЕЛИН. Ҳа, шунақа. (Узоқ сукунат)

ЎҒИЛ. (Бир нарса ихтиро этгандек, севиниб) Дадажон.

ОТА. Лаббай.

ЎҒИЛ. Менимча... менимча, Норбоевлар оиласини тинчитган сирни ўзимиз фаҳмлаб, билиб олишимиз ҳам мумкин.

ОТА. Қанақа қилиб?

ЎҒИЛ. Даставвал, оиламизда икки кишининг ноиттифоқлиги нимадан бошланганини аниқлаб олишимиз керак. Ипнинг учини топиб олганимиздан кейин, ишнинг бу ёғи осон.

ОТА. Ҳа, ноиттифоқликнинг илк сабаби билиб олинса, можаронинг ўзини битириш энгиллашади.

ЎҒИЛ. Ойижон, қани айтинг-чи, хотиним билан сизнинг орангиздаги совуқ муносабатлар нимадан бошланган эди? (Она ўйланди). Илтижо қиламан, ростини ва анигини айтинг? (Она ҳамон ўйда, ЎҒИЛ хотинига мурожаат этади). Ойим айтишга тортиняптилар. Сиз айтақолинг, хотинжон. Муомалаларингдagi совуқлик нимадан бошланган эди?

КЕЛИН. (Эслашга астойдил тиришиб, самимий иқрор бўлади). Эсимда йўқ.

ЎҒИЛ. (Онага). Сиз айтинг бўлмаса, ойижон.

ОТА. Илтижо қиламиз.

ОНА. (Отага дўқ уради). Қизиқ экансиз, дадаси. Ёш туриб, келинингиз унутган нарсани мен қандай эсда тутаман?

ЎҒИЛ. Дадажон, бу хонадонда қайнона билан келин муомаласининг нимадан бошлаб бузилганини эҳтимол сиз биларсиз. Ахир сиз бу хонадондаги ҳамма воқеаларнинг гувоҳисиз.

ОТА. Муштлашишнинг нимадан бошланганини муштлашганлар билмаса, қанақа қилиб томоша қилганлар билади? (Ноилож ҳазилга кўчиб). Умуман айтганда, яъни масалага фалсафий жиҳатдан яқинлашганда ...

ОНА. (Зарда билан). Яна сиз фалсафага осилдингиз ...

ОТА. Одам боши берк кўчага кириб қолганида, фалсафа жуда ҳам қўл келади, хоним... Масалага фалсафий жиҳатдан яқинлашганда, оилада нотинчлик бошланишининг хиллари, яъни илмий термин билан айтганда, вариантлар жуда кўп, ўғлим. Сабаларнинг вариантлари сонсиз-саноқсиз, аммо оқибати битта — оиладан файз кетади, оила аъзоларининг ошига заҳар тушади, пировардида ҳамма баробар бебахт бўлади.

ЎҒИЛ. (Истеҳзо билан). Сиз бизнинг оиламизнинг ҳаётий тажрибасини яхши умумлаштирдингиз, раҳмат. Аммо сиз чиқарган мана шу янги ва чуқур фалсафий хулосаларнинг амалий аҳамияти қанақа, мен шуни тушунолмай гарангман, дадажон.

ОТА. (Ўша ярим масхара оҳангда). Ҳар муҳим фалсафий хулосадан дарров амалий аҳамият ахтариш тўғри эмас, болам. Ажойиб фалсафий хулосалар кўп йиллар, ҳатто асрлар ўтгандан кейингина амалий аҳамият касб этадилар. Отаннинг фалсафий хулосалари ҳам йигирма биринчи аср кишиларининг дардига даво бўлса, бас, болам.

ЎҒИЛ. Ҳа, кулинг, дадажон, кулинг. Сиз она ва келин деб аталмиш икки ўт орасида ўртанмагансиз-да.

ОНА. Ҳа, биз уйланганимизда даданг етимча эди.

ОТА. Ҳа, онам, яъни сенинг бувинг бечора мени оғир аҳволга солиб қўймаслик учун вақтида, ихтиёрий равишда, бу дунё квартирасини у дунё квартирасига алмаштириб олишга улгурган эканлар.

ЎҒИЛ. (Алам билан). Бу масхарангиз билан сиз энди мени яна йиғлатмоқчимисиз, дада?

ОТА. (Алам билан). Йўқ, болагинам, мен ўзим яна йиғламоқчиман. Мен ўзим.


Кўшиқ — инсон руҳиятининг гўзал кечинмасидир. У жон озурғина бўлаб қолмай, киши қлабини губерлардан тозалайди. Ботиний туйғулар синаласига руҳимизга қуурап ато этади. гайритабиий илоҳий саволаар оғушига йўнгиллаар аарзага келади. У тариқайнинг таъсиқ иъжматлааридан биридир.

Кўшиқ тарлаар экан, қлабингиз тўқинлааниб, она ором топади. Бу дунё ташвишларини бир ааҳза бўлса-да учутиб, ширин хаёллаар оғушига тебранаасиз. Ха, йўшиқ инсонга она алаасидан бошлаб ҳамрох. Бугунги суҳбатрошомиз — ўзининг диарабо кўшиқлаари билан йўисован муҳлислаар қлабдан жой олган хонанга Собиржон Нуриддиновдир.

— Собиржон, Сиз кўплаб мамлакатларда турли фестиваллар, санъат байрамларида иштирок этгансиз, хорижликларнинг ўзбек кўшиқчилигига муносабатлари қандай?

— Ўтган йили Корея давлатида ўтказилган фестивалда қатнашдим, унда кўплаб хорижлик санъаткорлар ҳам чиқишлар қилишди. Чет эллик хонандалар навбат билан ўз кўшиқларини айтишпти.

билан кутиб олди. Ўзим ҳам завқланиб кетдим. Улар тилимизни тушунишмаса, кўшиқ уларга қандай етиб бордийкан, деб ўйладим ва таржимон орқали залда ўтирганларнинг бир нечтасидан шу савога жавоб изладим. Улар қисқа қилиб “кўшиқларингизда сеҳр бордек туюлди” дейишди. Бу менга, юртимга берилган катта баҳо эди. Шу воқеа туртки бўлиб, ўзбекистонликлар номини кўтарадиган бир гўзал



Залда сукунат. Навбатим яқинлашган сари ҳаяжоним ортиб борарди. Мени ҳам қабул қилишмаса керак, деб ўйлаётиман. Ниҳоят, навбат Ўзбекистонга келди. Кетма-кет иккита кўшиқ айтдим. Бирдан зал жонланиб кетди. Кутимагадана тўпланган 30 мингга яқин одам иккала кўшиғимизни ҳам қизғин олқишлар

кўшиқ яратиш кераклигини хис этдим. Масалан, Мексика “Ламбадаси” бутун дунёни қамраб олган кўшиқ. Визда ҳам шундай кўшиқлар яратилса, деб орзу қиламан.

— Сиз яқинда катта аудиторияларда кетма-кет яккахон концертлар бердингиз. Саҳнага, томошабинлар олдига чиқишдан олдин кўнглингиздан қандай кечинмалар ўтади?

— Яккахон концертимда асосан 15 га яқин яратган кўшиқлардан иборат. Сизнинг саволингизга келсак: анча ҳаяжонланаман, ўзимга бўлган ишонч эса бу ҳаяжонни бирмунча босади. Саҳнага чиқишимдан аввал “кўшиқларим мухлисларга манзур бўлармикан, улар қандай қабул қилишар экан”, деган хаёлларга бораман.

— Сизга қандай йўналишдаги кўшиқлар кўпроқ ёқади? Қайси хонандаларни севиб тинглайсиз?

— Кўшиқчилигимизнинг анъанавий йўналиши менга кўпроқ ёқади. Хонандаларга келсак, мана бу яхши, мана бу ёмон, деб айтолмайман. Яхши, маҳорат билан айтилган ҳар қандай кўшиқ ижрочисига ҳурматим баянд. Умуман олганда, битта бўлса ҳам куй ёки кўшиқ ёзиб, ижод заҳматини тортган ижодкор меҳнатини жуда қадрлайман. Мен учун дунёда ёмон кўшиқнинг ўзи йўқ, барчасининг замирида машаққат ётади.

— Собиржон, санъаткор бўлиш учун, албатта, бирор санъат даргоҳида илм олиш шартми?

— Аслида, имкон борича мусиқа сирларини ипидан игнасиғача ўрганганга нима етсин. Иккинчи томондан, Аллоҳ юқтирмаса, минг ўқиб-ўрганганинг билан яхши санъаткор бўлолмайсан. Менинг касбим асли — иқтисодчи. Иккинчи мутахассислигим — юрист.



— Ҷўрисиз бўлса ҳам сўрамоқчиман, хонандалар санъат оламига одатда барвақтроқ кириб келишади.

— Киноянгишни тушунгандайман. Мен ҳам санъатни ёшлагимдан яхши кўраман, бирор яхши қўшиқ эшитсам, ҳиргойи қилиб юрардим. Уша кезлари ҳам қасбим тақазоси билан анча пайтгача ўзимни қўшиқдан тийиб юрдим. Иложи борича бу сеҳраи оламга тушиб қолмасликка ҳаракат қилдим. Лекин юрагингдаги силсилани бир умр енгиб яшаш мумкин эмас экан. Барибир бир кун туғёнларинг жунбушга келиб, портлар экансан. Кўриб турганингиздек, янги-янги қўшиқлар яратишга ҳаракат қилаяпман.

— Йигит кишига қирқ хунар оз, дейишади. Сиз иқтисод фанлари номзоди ҳам экансиз. Сизнинг бу қиррагингни кўпчилик муҳлис-ларингиз билмас керак, албатта.

— Тошкент Халқ ҳўжалиги институтини тугатган сўнг, шу им даргоҳида ёшлар ташкилоти раҳбари ҳамда инвестиция кафедрасида ўқитувчилик қила бошладим. Сўнг аспирантурада ўқидим. 2000 йилда "Ўзбекистонда инвестицияларни молиялаштириш" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Бешта илмий рисолаларим босилиб чиққан. 1994 йил "Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш ва чет эл тажрибаси" рисолам учун Ёшлар ташкилоти мукофоти совриндори бўлдим.

— Шахсий режаларингиз ҳақида тўхталсангиз!

— Мен 3 та аудиоальбомимни ҳамда видеокассеталаримни чиқардим. Ҳозир янги қўшиқлар устида ишлаяпман. Қўшиқ яратиш, қуйлаш жараёнида мен катта бир мактабни ўтадим, десам хато бўлмас. Чунки санъат йўли шунчалик узун эканки, унга қанчалик чуқур кириб борсанг, шунча сир-синаоти очилиб борар экан. Мен ҳозир аввалги ижро йўналишимни ўзгартирдим. Тинмай ўз устимда ишлаб, янгиликлар яратишга интилоқдаман. Қўшиқ менинг иш фаолиятимга илҳом, куч-қувват бағишлайди.

— Сизга омад ҳамиша ёр бўлсин!

Мунира Ҳусанова
суҳбатлашди.

МЕН УЧУН САЪЪАТ ОЛЛОҲ БЕРГАН ҲАММА ХУНАРЛАРДАН БАЛААНД. ЧУНКИ, БУ САЪЪАТДА НАФАҚАТ ЎЗИМ, БАЛКИ, ХАЛҚИМ ХАМ БЎЛАДИ.

Мирсодиқ Эргашев

Созанда – бастакор Мирсодиқ Эргашев ижодиға мансуб дутор қўлланмалари, мана 40 йилдирки ёш, кизиқувчан дуторчилар дастуридан мунтазам ўрин олиб келмоқда. Шу билан бирга, М.Эргашев ўз асарларига йил сайин сайқал бериб, ижрода янгидан-янги талқин ва кўринишларни тингловчиларга ҳавола қилмоқда.

Мирсодиқ Эргашев 1944 йилнинг 20 январида Тошкент шаҳрида таваллуд

зўр берди. 1959 – 60 йилларда ўқувчилар саройидаги ўзбек халқ чолғулари оркестри жамоаси билан биргаликда М.Эргашев Москва, Киев шаҳарларига сафарга борган. Оркестр у ерда турли миллатлар қуйларини ижро этиб, шинавандалар олқишига сазовор бўлган.

Нихоят, 1960 йилда Мирсодиқ Ҳамза номдаги мусиқа билим юртига ўқишга кирмокка жазм этди. Кириш имтиҳонида қашқар рубобда ижро этган дастурига Нигмон

КЎНГИЛ ГУДАСТАСИ

топган. Болалиқдан мусиқага қизиқиши жуда кучли бўлган. 1956 йил декабрда 12 ёшлик 4-синф ўқувчиси 1-сонли мактаб-интернатга ўқишга қабул қилинди.

Мактабда Фулом Қўчқоров раҳбарлигида мусиқа тўғараги фаолият юритиб, унда барча ўзбек халқ чолғуларидан сабоқ бериларди, жумладан, фижжак, чанг, дутор, танбур, най, доира, қашқар рубоби каби. Мирсодиқ Эргашев бу ерда устози Ф.Қўчқоровдан қашқар рубоби сирларини ўргана бошлади. У бу борадаги маҳоратини ошириш мақсадида, машғулотларга

Қозиев аъло баҳо берган. Махаммадjon Асиров эса миллий чолғуларимиздан дутор сирларини ҳам ўрганишни тавсия қилиб, М.Эргашев дутор чолғуси бўйича ўқишга қабул қилинган.

Шу бахонайи сабаб Мирсодиқ биринчи устози Махаммадjon Асиров, сўнг Лола Султонова (Шермухаммедова) дан дутор сирларини ўргана бошлаган. Вақт ўтиб, унда ушбу чолғуға нисбатан ҳам меҳр уйғонган.

1963 йили Мирсодиқ Эргашев илк устози Ф.Қўчқоров тавсияси билан Т.Жалилов номли Ўзбекистон Давлат филармонияси оркестрига созанда сифатида ишга қабул қилинди ва шу зайл меҳнат фаолиятини

бошлади. У оркестр жамоаси билан дунёнинг кўплаб мамлакатлари, шаҳарларида гастрол сафарларида бўлиб, жаҳон ва миллий асарлар ижроси орқали мусиқа ихлосмандлари меҳрини қозонган. Бундан ташқари оркестр Ўзбекистоннинг барча вилоятларида энг машхур хофизлар билан ёнма-ён, ҳамкорликда концертлар беришган.

Мирсодиқ Эргашев эл севган кўплаб машхур созанда ва хонандалар билан дуторчи сифатида грампластинка, аудио ёзувларини чиқаришда иштирок этган. Бундан ташқари Ўзбекистон телевидениеси орқали қатор концерт дастурларида ҳам иштирок этиб, созандалик маҳоратини оширароқ ўз мухлислариغا эга бўла борган.

Мирсодиқ Эргашев нафақат мохир созанда, балки юқори дидли бастакор, тиниб-тинчимас ташаббускор сифатида ҳам маълум. Ҳали билим юрти талабаси эканидаёқ хонанда Карим Мўминов ижро этган “Гилос” кўшигини дутор ва фортепиано учун қайта ишлаш ташаббуси билан таниқли созанда Аҳмад Одиловга мурожаат қилган. Ушбу ташаббус самараси ўлароқ бастакор Набижон Ҳасановнинг “Гилос” куйи дутор алт ва фортепиано учун қайта ишланган ва М.Эргашев томонидан юқори маҳорат, алоҳида муҳаббат билан ижро этилган. М.Эргашев филармония оркестр жамоаси билан узок вақтлар гастрол сафарларида бўлиб, концертлар намойиш этар эди. Айни айрилиқ онлари юрт соғинчидан унинг “Сенда кўнглим” номли асари яратилди. Булардан ташқари, бастакор телевиденидаги “Телевизион минниаторалар театри” сингари кўрсатувлар учун кўплаб мусикалар яратиб, дуторда ижро этган.

М.Эргашев Тошкент Давлат Консерваториясининг “Ўзбек халқ чолгулари” бўлимида Бокижон Раҳимжоновдан дутор ихтисослиги бўйича таълим олиб, 1971 йил ёш созандалар кўрик-танловида иштирок этади. Танлов шартига кўра 3 хил дуторда 3 та асар ижро этиш керак




бўлган. 3-асар иштирокчи хошишича танланган. М.Эргашев танловда ўзи дутор учун яратган уч қисмли “Кўнгил гулдастаси” куйини ижро этган ва олқишларга сазовор бўлиб, диплом билан тақдирланган. Бу куй хали-ҳамон талабалар томонидан турли кўрик-танловларда ижро этилиб келади.

Талабаликданоқ тинимсиз ишлаш-изланишда бўлган Мирсодиқ ака ўқиши битиши биланоқ, консерваториянинг ўзида танбур-дутор ихтисослиги бўйича таълимни давом эттирди. Ана шундай мақсадга интилувчанлик, меҳнатсеварлик туфайли у улкан санъаткорлар ишончи, эҳтиромини қозона олди. “Шодлик” ансамбли раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Исоҳор Оқилловнинг Мирсодиқ акадан ансамбл учун махсус куй яратиб беришни илтимос қилганлигини ўша ишонч, ўша эҳтиром ифодаси, десак хато бўлмайти... Шу илтимосга кўра, М.Эргашев “Чакқон ўйна” асарини яратади. Бу куйга гўзал ракс сахналаштирилган.

Узоқ йиллик фаолияти давомида М.Эргашев мухлислар меҳрини қозонган қатор асарлар яратди. “Мустикаллиқ нашидаси”, “Чакқон ўйна”, “Шаҳдам, илдам”, “Сенда кўнглим” каби асарлар шулар жумласидандир.

М.Эргашевнинг шеърятга ихлоси баланд. У шоиртабиат, болажон, кўли-кўнгли очик инсон, уч қиз ва икки ўғилнинг отаси. Бугунги кунда созанда аёли Пирдовузхон она билан 14 набиранинг бобо ва бувиларидир. Мирсодиқ ака “Кимки ҳаётида қилса ҳалол меҳнат, келажакда фарзандларига бўлар ибрат” деган ҳикматга амал қилиб, фарзандларининг ҳаммасини ўқитиб, ҳалол меҳнатга ўргатиб, уй-жойли қилиб, барча ўйлаган ниятларига эришди. У одобли, оқибатли, халқни, давлати нафи учун ёниб яшайдиган фарзандлар вояга етказганидан қалбдан фахрланади.

Диляфруз Иброҳимова.



ёзилган қўлёзмалар, тарихий-қомусий лугатларда учратиш мумкин. Маълумки, шахмат атамалари кўп жиҳатлари билан ўзгарди, бойиди, такомиллашди. Шахматнинг илк кўриниши — чатарунга (тўрт шоҳли) II-IV асрларда пайдо бўлган. IV-V асрларда эса чатарунгадан сал бошқачароқ, шатранж деган ўйин пайдо бўлган. Дарвоқе, буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний тўрт рақиб (оқлар, қоралар, яшиллар, қизиллар) ўйнайдиган ушбу қадимги ҳинд шахматидаги доналар (тўртта шоҳ, тўртта рух, тўртта фил, от (асп) ўн олтига пиёда)ни ўз асарларида кўрсатиб ўтади. Кейинчалик икки шоҳ ўрнига икки

масалалар)ни ечишни ўз ичига олган қўлёзмалар ҳам пайдо бўла бошлаган. Хуллас, ўша даврларда шатранж тезкорлик билан Марказий Осиёдан қўшни мамлакатларга ёйилган. Араблар эса уни “Шатранж” тарзида қабул қилганлар. VII-X асрда Марказий Осиёда шатранж ўз тараққиёти-нинг энг юқори чўққисига кўтарилган. Худди ўша даврда Абу Ҳофиз, Жобир, Абу Бақир ас-Сулий каби маҳоратли шатранжчилар етишиб чиққан. Катта шахмат усталарига “Олия”, яъни гроссмейстер унвони берилган. Бора-бора шатранж бошқа ўлкаларга ёйилган, лекин ҳамма ўлкаларда тарихий воқеалар, ҳалқнинг

Ву қадимий ақл-идрок ўйинининг дастлаб қаерда ва қачон пайдо бўлиши тўғрисидаги масала инсон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин олди.



Жаҳоннинг кўплаб олимлари бунди ҳал қилиш мақсадида узоқ вақтлар мобайнида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Ана шу илмий изланишлар натижасида шахмат давр синовларига бардош бериб, тобора дунё бўйлаб сайқалланиб борди. Жаҳон маданияти хазинасига маълум даражада ўз ҳиссасини қўшди. Кўпгина мамлакатларнинг йирик кутубхоналари ва музейларида шахмат санъатига оид асарлар қадимий араб, форс тилларида

вазир (фарзин) қўйилиб, ўйин икки рақиб ўртасида ўтказиладиган бўлган. Шатранж аста-секин такомиллашиб бориб, доналарнинг сони ва тахтага терилиши тартиби жиҳатлари-дан ҳозирги шоҳмот тусига кира борди. VII-IX асрларда яшаган олимлар, тарихчилар асарларида кўплаб учраши, бу ўйиннинг мазкур ҳудудда энг оммавий, севимли ўйин бўлганлигидан далолат беради. Зотан, бу ерда шатранжга бағишланган дебют (ўйин боши) ва мансуба (этой,

маданий савияси, миллий хусусиятлари, ҳамда турмуш тарзи шароитлари таъсир кўрсатган, албатта. Шатранж ҳақида шеърый дostonлар ва ғазаллар ёзила бошланган. Маълумки, Абулқосим Фирдавсийнинг 60 минг байтли “Шоҳнома”сининг мингта яқин байти шахматни тараннум этган. Бунинг сабабини сўраганларида Фирдавсий: “Шахматни куйлаб, унинг шеъриятидан

илҳомланиш лаззатланишдир”, — деган экан.

Таниқли олим Ҳамид Сулаймон “Адабиётимиз тарихида Навоийгача Ҳофиз Хоразмий даражасида шунчалик бой мерос яратган ва XIV охири XV аср I чорагида мукаммал девон тартиб этган шоирни ҳалигача учратмадик” — деб ёзган эди. Ҳофиз Хоразмийнинг ажиб сатрларидан бирини ўқисак:

**Ишқ шатранжин тиласа ўйнамоқ,
Ҳофизо, руҳ кўргузиб қил шох мот.**

Байтнинг маъноси жуда чуқур. Эрон, Озорбайжон халқларида шахмат доналарининг номларида фарқ жуда камлиги бу давлатларда шахматнинг тахминан бир вақтда пайдо бўлганлиги билан боғлиқдир. Буни мумтоз адабиёт китобларида ҳам кўриш мумкин. Ҳозиргача ишлатиб келинган ва ишлатилаётган атамалар орасида “Шахмат” сингари “Шохрух”, “Шох фарзин”, “Руҳ”, “Фарзин”, “Пиёда”, “Кишти койим”, “От кишнаб турибди” ва бошқа сўзлар ҳам борки, улар ўз тарихига эга бўлиб, асосий шахмат атамалари ҳисобланади. Масалан, “Шох” сўзи форс, озарбайжон, ўзбек, туркманларда ишлатилиб, подшоҳ, ҳукмдор деган маънони билдиради. “Мот” сўзи эса араб, ўзбек, озарбайжон ва бошқа тилларда ўлди маъносини эмас, балки, енгилиш, чорасиз, мағлуб бўлиш, ноилож каби маъноларда ишлатилади.

“Шох мот бўлди”, дейилса-да, аслида шох ўлмайдди, яъни бошқа доналар, сипоҳлар каби

тахтадан олиб ташланмайдди, балки унинг ҳамма йўллари тўсилиб, у ҳибсга олинади, мот қилинади. Араб тарихчиси Равандий ҳам “мот” сўзини ўлмоқ маъносида ишлатмаган. У шахмат Шоҳини қочадиган жойи йўқ, ноилож “мот” бўлади, дейди.

Буюк Шерозий ҳам шу фикрни қувватлайди ва “мот” шатранжбозлар ишлатадиган сўзлар деб, шахмат ўйинига оидлигини таъкидлайди. Фирдавсий, Навоий, Низомий, Жомий ўз асарларида ҳам худди шундай. Ўзбекистонда шахмат ўйини дастлаб шатранж деб аталарди. “Шатранж” аслида ҳинд тилидаги “Чатуранга” сўзидан келиб чиққан. Санскрит тилида “чатур” — тўрт, “анча” — таркиб маъноларини билдиради. Шахмат илк ижод этилганда, чатурангга деб аталган. Кейинчалик, Ўрта Осиё давлатларидан араб мамлакатларига ёйилгач, чатурангга шатранж ва ниҳоят, шатранж деб талаффуз этила бошлаган. Мумтоз адабиётимизда шатранж сўзи кўп учрайди. Уни шахмат ўйини, дунё, фалак, жанг майдони, ишқ майдони, ҳаёт муҳорибаси ва шунга ўхшаш маъноларда ишлатишган.

Сейистонлик 159 варақдан иборат қадимий қўлёзма муаллифи Абдулфатҳнинг ёзишча, шахмат бўйича Берунийга тенг келадиган олим бўлмаган. Абдулфатҳ Берунийдан кейин яшаган, унинг асари XI — XII асрларда ёзилган. У яхшигина шахматчи сифатида машҳур бўлган.

“Ироқда, Ҳазнида, Хуросон ва Ҳиндистонда бўлганман,

ўзимга тенг келадиган рақиб тополмаганман” — дейди у.


Абдулфатҳнинг ҳаёти ва шахматчилик фаолиятида Ҳазни шаҳри муҳим ўрин тутган. Чунки Ҳазни XI асрда Шарқнинг йирик маданий марказларидан бири бўлган. Қатор сабабларга кўра Бухоро, Урганч ва Ўрта Осиёнинг бошқа маданий марказларидан бош олиб чиқиб кетган машҳур олимлар Ҳазнига келиб, шу ерда ўрнашиб қолганлар. Улар орасида Беруний ҳам бўлган. Ҳазнида бошқа илмлар қатори шахмат ҳам ривож топган. Абдулфатҳнинг “Қийин бир шахмат мансубаси — масала ечимини Ҳазнига келиб топдим” деган сатрлари бунинг далили бўла олади. Шубҳасизки, ўша пайтларда Ҳазнида ўзига хос шахмат мактаби вужудга келиб, унинг назарий ва амалий жиҳатлари устозлар томонидан юқори босқичга кўтарилди. Абу Райҳон Беруний шатранж ҳақида илмий мақолалар ёзган ва шахмат мактаби ривожига ўз ҳиссасини қўшиб, фаол қатнашгани кўриниб турибди. Тарихчи олим ибн Арабшоҳнинг ёзишча, Амир Темури бундан дегадана 110 катакли шатранж ўйнардди, ёки овга чиқишни одат қилиб олган эди. Соҳибқирон шахмат тахтасида ақлни пешлаб турган. Шатранж тахтасининг эни 11 хона, бўйи 10 хонадан иборат эди. Амир Темурининг шахматга иштиёқи унинг ақл-фаросат билан давлат бошқаришида, ҳарб ишларини тadbиркорлик билан юритишда ҳамда жанг маҳалида кўп фойда берган. Масалан, жанг пайтида қачон пиёдаларни, қачон сипоҳларни майдонга солиш кераклигини,

дастлаб шахмат тахтасида аниқлаган. Темуру, шунингдек, ўз салтанатига олимлардан Мавлоно Абдумаликни ҳам олиб келган. У “ҳидоя” соҳиби (Бурхониддин ал Марғинони) авлодидан бўлиб, Амир Темур саройида мударрислик қилар, шатранж ва нард ўйинларидан таълим берар, қолаверса, шеърятдан ҳам хабардор эди. Унинг сафида донишманд олим, шахмат зиёлиларидан Муҳаммад ибн Ақил ал Ҳайми ва Зайн-ал-Жалолиддин ҳамда шатранж устаси Аловиiddин ат Табрийзийлар бор эди. Аловиiddин шахмат баҳси пайтида Зайн-ал-Язидийга ориқча пиёда бериб қўяр ва ғолиб чиқарди. Ибн Ақилни эса бир отсиз ўйнаб енгарди. Кунлардан бир куни Амир Темур Аловиiddиннинг шахмат борасидаги ақл заковатига юқори баҳо бериб; “Тўё мен мулк сиёсатида ягона султонликни бошқармоқдаман. Сен ҳам шахмат оламининг тенги йўқ шатранжисан” дейди. Шунингдек, Амир Темур донишмандларга ёшларга


шахмат ўйини санъатини ўргатиш топшири-ғини беради. XVIII асрда яшаган машҳур шахматчи ва олим К.А.Яниш буюк соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти, тарихини ўқиб чиққач, Темур 1402 йил 20 июнда турк султони Боязид ва унинг икки ўғлини асирга олган жангини шахмат тахтасида 10 юришдан иборат масала ижод этиб, кўрганини айтади. Бу усулни 1850 йилда Парижда “Темур қафас” номи билан матбуотда босиб чиқаради. Масала бутун дунёдаги тарихчи олимларни, шахмат мухлисларини ўзига ром этди. Аслини олганда, шахмат ўйинини бир киши яратмаган, XV асрдан то XVIII асргача Франция, Германия, Англия, Италия, Болгария, Голландия давлатлари шахмат назариясига кўп янгиликлар киритдилар. Шахматга оид китоблар, журналлар, газеталарда этюдлар, композициялар нашр қилинди. Айни мамалакатларда шахмат этикаси ва психологияси ҳақида мақолалар ёзилди. Лондонда

1883 йили механик шахмат соати кашф этилди. Чунки XIX асрнинг ярмигача шахмат ўйини пайтида вақтни билиш учун кум соатдан фойдаланишган. 1825 йилда эса Барселонада шахматнинг биринчи луғати босиб чиқарилди. У Хуан де Торе томонидан тузилган бўлиб, шахмат маълумотномаси ва атамалардан шарҳи-таржимасидан иборат эди. Унда шахмат ўйини қодалари, атамалари изоҳи кўрсатилган. XV асрда француз тилида “Машҳур дoston” номли исми яшириб ёзилган, 3060 сатрли ошиқона шахмат дostonи ёзилган. Унинг 580 мисраси хоним ва уни севиб қолган мард йигит ўртасидаги шахмат ўйинига бағишланган. Рақиблар ўйин пайтида айтган гаплар, ҳазил-мутойибалар мажозий маънога эга. Шу жиҳати билан дoston ўрта аср-ларда Европада оммавийлашиб, бошқа тилларга ҳам таржима қилинган.

Буни қарангки, шатранж бўйича Ас-Сулий ғолиб чиққан илк халқаро мусобақа 819 йилда



Қоралар бошлаб ғалабага эришади



Оқлар бошлаб ютади



**Хўйлаи шарий - ўқдир,
Узоҳға хожат йўқдир**

- Доктор, ўтинаман сиздан шўрлик эримнинг сўнги сўзларини айтиб беринг.
- Марҳум шундай деди: "Қимматли хотинимга сўнги хоҳишимни етказинг:
"Марта, докторнинг хақини кечикмасдан тўла — у жуда ғамхўр ва эътиборли экан".

Хаста миллионер касал боқиб ўтирган аёлга дейди:


- Менинг олдимга Робертни киритмасликнинг иложини қилинг.
- Меросхўрингизни-я? Нега энди?
- Ҳар гал келганида мен билан кўришаётиб, томир уришимни ҳисоблашга уринади.

Икки ўртоқ ёзма имтиҳондан чиққач, хайрлашишяпти.

— Масалани счолмадим, варақларни оппоқ долича топшириб чиқавердим.

— Мен ҳам шундай қилдим.

— Ие, расво қилибсан-ку! Улар сени мendan кўчириб олган деб ўйлашади-ку!




- Мен армияда хизмат қилганимда севган қизимга ҳар кўни икки мартаба хат ёзардим.
- Хўй, кейин нима бўлди? Армиядан қайтиб, унга уйландингми?
- Йўқ, У почтабўнга тегиб кетди.

Бир адамникига келган меҳмон жуда сурбет экан. Бир ҳафта туриб қолди.

Охири, уй эгаси унга шаъма қилишга мажбур бўлди:

- Меҳмон, бола-чақаларни ҳам роса соғингандирсиз-а?
- Нимасини айтасиз! Эртага ҳаммасини бу ерга чақирмоқчиман.

Шоҳда тайёрлади





Сизгирда бўлса елин,
Челмаган тўлар келин!



Бармоқлар ишга нўноқ,
Шу чун оёқ билмас кўноқ!

Рассом Баҳодир
Бобоназаров
иждодиган дāvҳадар



46 4695



Q
Z
Q
d
a
Y
Q
R
Q
Q
a

Indeks: yakka obunachilar uchun — 820
tashkilotlar uchun — 806
Bahosi kelishilgan narxda.